



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



май

*Хотира ва
қадрлаш кунин!*



ХОТИРА — КЕЧАНИНГ ҚАДРИ, ЭРТАНИНГ ЁҒДУСИ

Инсониятга тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган оила ҳам, давлат ҳам асло хотиржам бўлолмайди. Миллий-маънавий меросимиз ҳам азалдан тинчликсеварлик гоёси асосига қурилган. Бунда тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса қораланади.

Мамлакатимизда 9-майнинг Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинаётгани замирида ҳам айнан ана шу эзгу гоё мужассамдир. Мазкур санада фашизмга қарши курашда қатнашган, Ватанимизни ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган миллий қаҳрамонларимиз эсланади. Бугун ораимизда яшаб, оилаларда фарзанду набираларига бош-қош бўлиб юрган отахону онахонларимизга эҳтиром кўрсатилади.

Жаҳонни қалқитган, инсоният бошига энг оғриқли мусибатлар солган Иккинчи жаҳон уруши асоратлари ҳали-ҳануз одамзод ёдидан кўтарилгани йўқ. Урушнинг нафаси эркак-аёл, ёш-қари — барчага бирдек таъсирини ўтказди. Жанггоҳларда қон кечган бўлмаса ҳам фронт ортида тортган азобини, йўқотган инсонларини ҳали-ҳануз унутолмай яшаётган уруш қатнашчиларининг хотираларини ўқиб ёнгики телевидениеда кўрган пайтларимизда дунёда энг қадрли неъмат — озодлик эканини бутун вужудимиз билан хис қилиб қоламиз.

Шундай экан вақт чархпалаги айланиб, инсон кўли билан яратилган барча нарса унутилади. Аммо, юрт озодлиги учун курашганларнинг ёди мангу қолади. Ватан озодлиги ва эрки учун жон олиб, жон берганларнинг фидойилиги сабаб бугун юртимизда тинчлик ҳукмрон. Уруш фахрийлари эса эъзоз ва эътиборда. Байрам арафаси Президентимиз Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди, улар билан самимий суҳбат қурди.

Мана шу байрам тадбирларини кузатиб ўтириб хаёлимдан шундай фикрлар ўтди. Хотира — инсон умрининг маҳсули, яшаб ўтган ҳаётимизнинг ростгўй тарозибони экан. Инсон ўзига ўлчаб берилган умрни яшаркан, бу йўл яхши ва ёмон, ёруғ ё армонли хотиралар билан шууримизга муҳрланади. Бир кун келиб, умр пиллапояларимизнинг сўнгги бекатида ортга боқиб, ўша хотиралар билан юзлашамиз. Шу онда “Ҳаётда бекор яшамабман, умрим зое кетмабди” деган хулосага кела олишимиз, ортда қолган кунларимиздан мамнунлик ҳиссини туйишимизнинг ўзи энг катта саодат, бахт, аслида. Шундай экан, умримизни савобли ишлар, яхшиликлар билан нақшлаш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Худди озодлик учун фронтда ва фронт ортида борини бериб курашган аждодларимиз каби.

Бугун биз учун уруш ҳикоялари эртақларга айланган. Аммо, шу кеча-кундузда дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга назар солиб, барча халқлар ҳам тинчлик деб аталмиш мана шу улғу неъматдан бирдек баҳраманд эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Минг афсуски, бунинг натижасида қанчадан-қанча оналар беҳаловат, оталар ўйчан, қариялар хотиржам ҳаёт ке-



чиришдан, фарзандлар рисоладагидек таълим-тарбия олишдан маҳрум этилган.

Шу ўринда доно халқимизнинг “Бирни кўриб шукур қил, бирни кўриб фикр қил”, деган мақоли ёдимга тушди. Юқорида айтиб ўтилган ҳаловати йўқ давлатларни кўриб шукур қиладиган бўлсак, бугун биздан тараққиёт борасида олдинда бўлган давлатларни кўриб фикр қилишимиз керак.

Хусусан, Японияни олайлик, ушбу давлат ҳам Иккинчи жаҳон урушида энг кўп азият чеккан. Шундай бўлса-да, у қисқа вақт ичида дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига кўшилди. Кунчиқар юртнинг бу даражада юксалишига япон халқининг меҳнаткашлиги, сабр-тоқати, асосийси, ватанпарварлиги сабабдир. Мазкур мамлакатда тез-тез зилзила бўлиб туради, аммо бирорта ҳам талончилик кузатилмаган. Бу ҳам япон халқининг юксак маънавиятидан, ватанпарварлигидан далолат беради. Бир вақтлар ўқигандим, урушдан кейинги оғир даврларда япон халқи бозорларда таклиф қилинаётган ҳар қандай юқори сифатли хориж маҳсулотини эмас, ўз юртида ишлаб чиқарилган, гарчи сифати ҳаминқадар бўлса-да, маҳсулотни харид қилар экан. Нега, деб берилган саволга улар: “Мен ўзгалар юрти эмас, ўз юртимнинг бойишига ҳисса кўшишим керак” деган жавобни берган. Бу ватанпарварликнинг, юртсеварликнинг ўзи эмасми? Эҳтимол, бугун биз ҳам нафақат ватанпарвар, балки юртини жонидан ортиқ севадиган юртпараст ҳам бўлмоғимиз керакдир?..

Бир донишманд “Сен менга эътиқодинг ва қай тариқа тоат-ибодат қилишингни, қалбингда эзгулик, жасурлик, ор-номус ва бурч қандай даражада эканини, сен қандай хиргойи этишинг, йиғлашинг ва шеър қироат қилишингни, севимли даҳоларинг, улуғларинг кимлигини айт, мен сенга қандай миллатнинг фарзанди эканингни айтаман”, деган экан.

Демак, ҳар бир фарзанд ўз миллати эътиқоди, қадриятлари, урф-одатларини, халқининг олижаноб жиҳатларини қон-қонига сингдириб бориши, шу ватаннинг бир бўлаги, парчаси бўлиб ўсиб-улғайиши керак.

Қаҳрамон ИСАРОВ,

жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг раиси.

“КЕКСАЛАРНИ ЭТСАҢГ АЗИЗ-У ҲУРМАТ, СЕНИ ҲАМ КЕКСАЙГАЧ, ЭТИШАР ИЗЗАТ”

Инсон қадрланадиган, ўтганлар ёд этилиб, нурунийлар эъзозланган юртдан файзу барака, фаровонлик, ҳамжиҳатлик аримаслиги асрлар синовидан ўтган ҳақиқат.

Хонадонларимиз файзу таровати, кўнгилларимиз тўқлиги, руҳимиз баландлиги ёши улуғлар билан бўлганлиги учун ҳам ёши улуғларимиз элимиз орасида доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб келган. Қалбимизнинг кўри, давраларимизнинг тўри кексаларга аталган. Хайрли ишларни бошлашда уларнинг дуосини оламиз.

Айнан шунинг учун ҳам юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган ота-боболаримиз, момоларимиз фашизм устидан қозонилган ғалаба ва тинч-фаровон ҳаётимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган, 1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ёши улуг инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатиш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президентимиз фармонига мувофиқ, 9-май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 20 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилангани, у тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилиши кўзда тутилгани ҳам уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор намунасиридир.

Нафақат уруш қатнашчилари балки барча нурунийларимизнинг катта ҳаётий тажрибаларга асосланган панду насиҳатлари, ўғитлари умр йўлларимизда асқотадиган хазина. Шу боис, ҳар биримиз кексаларга доимо меҳру оқибат кўрсатишга бурчлимиз. Бизнинг бу борадаги ишларимиз ортимиздан келаётган авлод учун сабоқ бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак. Хусусан, Фаридулдин Атторнинг “Кексаларни этсанг азизу ҳурмат, Сени ҳам кексайгач, этишар иззат” деган сатрлари эртанги кунидан умидвор ҳар қандай кимсанинг қалбини ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром, иззат-иқром кўрсатишга мойил қилиб қўяди. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ёши улуг юртдошларимизнинг руҳини кўтаради, улардаги шукроналик

туйғусини орттиради ва ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Зеро, эъзоз дилларни нурафшон этади. Элда эъзоз топаётган фахрийларнинг эътибор ва ғамхўрликдан кўнгиллари тоғдек кўтарилиши, умрларига умр қўшилиши ҳам бор гап. Бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлаш замирида Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдек эзгу мақсадлар мужассам.

Ёшларимизни миллий қадриятларимиз ва шукроналик руҳида тарбиялаш жараёнида ҳам ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотган кексалар билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар муҳим омил бўлади. Зеро, ўзбекнинг ўзлигини намоян этувчи кўп асрлик қадрият, урф-одат ва удумларимизнинг авлоддан авлодга ўтиб боришида кексаларнинг хизматлари катта ўрин тутаяди.

Элимизнинг “Юртинг тинч — сен тинч” деган ҳикмати бор. Дарҳақиқат, дунё харитасига назар ташласангиз, куррайи заминнинг қайсидир жойида сув тошқини, шамол ва бўронлар, ўрмонлар ёнаётгани, қаттиқ зилзилалар, қаердадир уруш, террорчилик ва ҳоказо бало-офатлар рўй бераётганига гувоҳ бўласиз. Буларнинг оқибатида қанчадан қанча одамлар — ёшу қари бирдек талафот кўрмоқда. Атрофимизда рўй бераётган бундай ҳодиса ва воқеалар бизни юртимизга, тинчлигимизга, халқимиз фаровонлигига теран кўз билан қарашга, тафаккур юритишга ундайди.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш асносида ўтганларни ёд этиш, фахрийларни эъзозлаш бўйича эзгу амалларимиз, қадриятларимиз сайқалланади, оҳорланади. Инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устунлиги шиоримизга айланган юртимизда бу борадаги ишларимиз халқимизнинг кўтаринки кайфияти, фаол ҳаёт тарзига мос равишда ҳар қачонгидан юксак савияда ва самарали ўтишидан дарак бермоқда.

“Ёмғир билан ер, дуо билан эл кўкара” деб бежиз айтилмаган. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун пиру бадавлат кексаларнинг, юртдошларимизнинг иймони ва офияти зиёда бўлиши, дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч бўлишини тилаб дуода экани гувоҳи бўлмоқдамиз. Насиб бўлса, эзгу ниятлар билан қилинган дуолар ижобат бўлғусидир.



Алишер АЯПОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси суди судьяси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1960

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 24.05.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 3. Адади 1990.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

ХОТИРА — ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИСИ

7

ИНСОН ХОТИРАСИ ҲАР НЕДАН УЛУФ

ТАҚДИМОТ

8

БУХОРО СУДЛАРИНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ
ҲАҚИДА КИТОБ

9

РАҚАМЛИ ДУНЁ

ВИРТУАЛ МОЛ-МУЛКНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

МУЛОҲАЗА

12

КОРРУПЦИЯ – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД

13

ЖАРАЁН

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

15

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

17

ТАЛҚИН

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

18

АЛИМЕНТ УНДИРИШ СУД ТАРТИБИДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

19

НУҚТАИ НАЗАР

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ

МЕНИНГ ФИКРИМ

21

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАР
МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

24

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИСИ
СИФАТИДА МУТАХАССИСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

27

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЖБУРИЙДИР!

28

МУШОҲАДА

КОСМЕТОЛОГИК ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ОИД
ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

30

БИТИМЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШДА
ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ

32

ФУҚАРОЛИК-ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ХУҚУҚ ТИЗИМИДА
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

34

ОДАМ САВДОСИ – ИНСОНИЙЛИКНИНГ
ЖИРКАНЧ ИЛЛАТИ

35

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ТАМОЙИЛИ – ЖАМИЯТ-
ДАГИ АДОЛАТ МЕЗОНИ ПОЙДЕВОРИ

36

МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯГА ОИД СУД
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

37

ТАДҚИҚОТ

МИЛЛИЙ ХУҚУҚ ТИЗИМИДА СУВДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

38

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИҚДА ЖИНОЯТ
ТАРКИБИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

40

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИ ҚАРОРЛАРИГА
НИСБАТАН ШИКОЯТ КЕЛТИРИШДА ДАВЛАТ
БОЖИ МАСАЛАЛАРИ

ЭЪТИРОФ

41

СУДЬЯЛИК ЮКИ

42

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

СУДЬЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛИ
ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

45

АШЁВИЙ ХУҚУҚЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК
МУНОСАБАТЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА
УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

46

ИҚТИСОДИЙ СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА
КЎРИШ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

47

МАЪМУРИЙ СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ
ИЖРО ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

48

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИ ТЎЛОВГА
ҚОБИЛИЯТСИЗ ДЕБ ТОПИШ
ИНСТИТУТИ АМАЛИЁТГА
ТАТБИҚ ЭТИЛДИ

50

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕТ ЭЛ ХУҚУҚ ТИЗИМИДА
СУД МУСТАҚИЛЛИГИ

51

ЎФИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ВИКТИМЛИК
САБАБЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

52

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА СУД
МУҲОКАМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

53

АМНИСТИЯ ВА АФВ ЭТИШ ИНСТИТУТЛАРИ
ҲАҚИДА

54

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА
СУДНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

55

ЁЛФОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ – ОДИЛ
СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРИ
СИФАТИДА

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

56

АДВОКАТУРА КАК ОДИН ИЗ ГАРАНТОВ
ЗАЩИТЫ КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРАВ
ГРАЖДАН

59

ВАЖНАЯ ТЕМА

ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН
ДЛЯ ЗАЩИТЫ ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ
РАБОТНИКОВ

ПРОЦЕСС

62

АНАЛИЗ ВНЕШНЕТОРГОВОЙ ПОЛИТИКИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО УВЕЛИЧЕНИЮ ЕЕ
ЭФФЕКТИВНОСТИ



Дилором АЛМУРАТОВА,
Сурхондарё вилоят суди
фуқаролик ишлари
бўйича судьяси

ХОТИРА – ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИСИ

Яратган эгам томонидан инсонга кўп неъматлар ато этилган. Уларни санаб сановига етишининг имкони йўқ. Шундай чексиз имкониятлар, имтиёзлар берилгани сабаб ҳам инсон мукарамдир. Ана шу неъматлар орасида бир неъмат борки, унинг номи Хотира. Инсон учун бу туйғу жуда ҳам муқаддас. Сабаби, инсон хотира сабаб ўзлигини, ўз илдизини англайди.

Кечасидан эртасининг сабоғини чиқаради, йўлини белгилайди. Шу боис ҳам Хотира ва қадрлаш – халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидандир. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамisha халқимиз ардоғида. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш бугунги кунда янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлади.

Асли мукарам қилиб яратилган инсон доимо ҳурмат-эҳтиромга лойиқ. Айниқса умри давомида кўплаб хайрли ишларни қилиб ҳозирда қариллик ёшига етган нуроний отахонларимизни, азиз момоларимизни қанча улуғлаб, эъзозласақда оз. Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак ҳадисларида ҳам ёши улуғларимизни қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб кўрсатмалар келган. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом: “Ким кичигимизга раҳм қилмаса, каттаимизнинг ҳаққини билмаса, биздан эмас”, деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса: “Соч-соқоли оқарган мусулмонни, Қуръонни ёд олган, унда гулувга кетмаган ҳамда унга жафо қилмаганни, адолатли ҳукмдорни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдандир”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Кунлар-кунларни, йиллар-йилларни қувиб, бу кўҳна чархи фалак шу сирли коинот яралганидан бери айлангани-айланган. Айни шу инсоннинг абадий – боқий эмаслиги онг-шууримизда хотира деган тушунчани пайдо қилган бўлса, ажаб эмас. Негаки хотира ўтганларни эслаш, бугунни кечанинг ёди билан тўлдириш, яъни уни янада бойитиш имконини беради. Хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Хотира эндиликда биз учун қалбимизга, онгимизга муҳрланган, умр йўлларида кўрганларимиз

воқеа-ҳодисалар йиғиндиси, атрофимиздаги одамлар қиёфалари, сиймоларини намоён этувчи шунчаки биологик жараён эмас, балки у юртимизнинг, ўлкаимизнинг олис ўтмишидан бугунги кунигача кечган тарихи, халқимизнинг минглаб йиллик тақдири, буюк қудратли кучининг ифодаси — Ватан тимсолига айланди. Хотира деган тушунча олдида замон ва макон ўз чегараларини йўқотади. Бошқачароқ айтганда, унинг бағрида олис ўтмиш ҳам, яқин кечган тарих ҳам бирлашади, уйғунлашади. Халқимизда хотирлашга арзийдиган улуғ ишлар, буюк сиймолар, дунёга донг таратган шахслар кўп. Шунинг учун бу кунда ҳаёлимизда аждодларимиз яратиб кетган, дунё тамаддунига асос бўлган Афросиёб, Тупроққалъа, Далварзинтепа Варахша, Ерқўрғон, Сополлитепа, Эйлатон, Оқчаҳонқалъа, Самарқанд, Бухоро, Хива каби энг қадимий шаҳарлар, Ватанимизни босқинчилардан ҳимоя қилган Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Шерғозихон, Намоз ботир, Нуржон ботир каби қаҳрамонлар, юртимиз илм-фанини жаҳон миқёсида улуғлик маснадига кўтарган Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби буюк алломалар ва мутафаккирлар, Маҳмуд Қошғарий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Огаҳий сингари улуғ ижодкорлар намоён бўладилар.

Албатта, хотира ва қадрлаш ҳақида сўз борганда бугунги кунда биз кўпроқ яқин ўтмиш тарихимиз билан боғлиқ Иккинчи жаҳон уруши воқеаларини эслашга, унда иштирок этган ватандошларимиз хотираларини ёдга олишга, ўша қирғинбарот жанглардан эсон-омон қайтган ва ҳозир ҳам ҳаёт бўлган боболаримиз, оталаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга интиламиз. Бу бежиз эмас. Инсоният тарихида энг оғир кечган бу уруш ҳақида, унда иштирок этган ота-боболаримизнинг матонати, бошларига тушган оғир кунлар ҳақида эслар эканмиз, бугунги тинч, осойишта кунлар қадрини, аждодларимизнинг жасоратини, уларнинг юрт озодлиги йўлида жон фидо қилганликлари сабабларини чуқурроқ англаб етамиз. Ҳаётнинг моҳиятини, қадрини теранроқ ҳис қиламиз.

ИНСОН ХОТИРАСИ ҲАР НЕДАН УЛУҒ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 79 йил тўлди. Бу бир инсоннинг ўртача умридан ҳам зиёдроқ. Орамизда шу табаррук ёшдан катта бўлганларгина уруш даврини кўрган. Бироқ, минглаб-миллионлаб жонлар эвазига эришилган галаба қўлга киритилгандан сўнги йиллар ҳам осон кечмади. Ўтганлар ёди, юракдаги яқин жигарларнинг ўрни бир умр одамлар қалбида чандиқ бўлиб қолди. Ахир ким ҳам урушда ҳалок бўлган жигарини унута оларди дейсиз.

Инсон бор экан, хотира – муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам урушни, унинг қаҳрамонларини, галабага муносиб ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотирасидан фориг қилмайди.

Бу дунёнинг марказида ҳазрати инсон туради. Шуни тан олмаган ҳар қандай ғоянинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафкураси ҳам худди ана шу – инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддаоларига зидлиги, унинг эҳтиёжу манфаатларидан келиб чиқмагани учун буткул мағлубиятга учради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида алоҳида таъкидланганидек: “Хотира – кечаги ўтмишни, аجدодлар ўғитини, миллий меросимизни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтарди, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди”.

Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши халқимизни ҳаётнинг барча жабҳаларида оғир синовлардан ўтказди. Ана шу синовлардан бири юртимиз вакилларининг жанггоҳларда фашизмга қарши курашда иштирок этиши билан боғлиқ эди. Маълумки, уруш арафасида мамлакат аҳолиси 6,5 миллионга яқинни ташкил этган. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этган. Шундан 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошимизга эса юртга қайтиб келиш, яшаш бахти насиб этмади. Ҳоки жанггоҳларда қолиб кетди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан 1999 йил 9 май куни Ўзбекистон пойтахтида Хотира майдони очилди. Ушбу кундан бошлаб 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ушбу байрам мустақил Ўзбекистонда асрлар давомида ўлкамизни қаҳрамонона ғимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун курашган ватандошлар хотирасига бағишланган.

Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг беғуноҳ қурбонлари сифатида эсланади, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинади. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади. Фақатгина бу эмас.



Хотира ва қадрлаш тушунчаси чуқур маънога эга. Ушбу кунда ўз Ватанини ғимоя қилишда жон фидо қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Наджмиддин Кубро каби қаҳрамонлар ва асрлар давомида халқ орзу қилган эркинлик учун курашган Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар-қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби миллий қаҳрамонларимизнинг руҳини шод этиб эслаш ҳам фарз ҳам қарзидир. Инсоният иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва бу аёвсиз жангу жадалда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло унутмайди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида – Хотира майдонидаги Мотамсаро она сиймоси пойига битилган: “Сен доимо қалбимдасан, жигарим!” – деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демак, шу Ватаннинг фарзанди-ку! Ҳар бирининг ортидан қанча одам қон йиғлаб қолди. Умрининг сўнги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай ўғлини, ака-укасини, севган ёрини, кўйингки жигарпораларини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро оналар бор эди. Даҳшатли урушда ҳалок бўлган отасини кўрмаган, унга лоақал бир бора: “Отажон!” – деб мурожаат қилолмай ўтганлар – қанча.

Хотира ва Қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзланган бош мақсад – Ватан ғимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, тинч-осойишта яшаётганимиз, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун тер тўкиб, унумли меҳнат қилаётганимизнинг шукронасини қилишдан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди.

**Юлдуз ФОЗИЛОВА,
Йўлдош НОРБЕКОВ,**

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялари.

БУХОРО СУДЛАРИНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДА КИТОБ

Халқ, жамият, ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотирасидан фориғ қилмайди. Сабаби, хотира – кечаги ўтмишни, аجدодлар ўғитини, миллий меросимизни англашиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

Бухоро вилоят судида сана муносабати билан “Инсон қадри улуг хотира муқаддас” шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон судьялар ассоциацияси раиси, бир гуруҳ меҳмонлар ва суд фахрийлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар томонидан сўнгги йилларда судларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳикоя қилишдаги аҳамияти, қонун устуворлиги йўлида тизимда фаолият юритган ибратли судьялар фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Фахрий судьялар ўз хотираларини ёш соҳа вакиллариغا сўзлаб, босиб ўтилган синовли кунлар ва мана шундай жараёнларда қонун устуворлиги йўлида амалга




оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Видеоконференс алоқа орқали тадбир иштирокчилари билан мулоқот ўрнатилди.

Шунингдек, тадбир давомида илк мартаба яратилган Бухоро вилоят суди тарихига бағишланган «Куч – адолатда. Бухоро судлари: ўтмишда ва бугун» номли китоб-альбомининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур китобда 3 000 йиллик Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Бухоро воҳасининг тутган ўрни, унда суд-ҳуқуқ тизимининг ривожини хусусида сўз боради.

Азал-азалдан Имом Бухорий, Абу Исҳоқ Гулободий Бухорий, Ибн Сино, Абдулҳолик Ғиждувоний каби буюк алломаларнинг Бухорода ўсиб, вояга етиши беҳикмат эмас, балки Бухорода аллақачон бундай алломалар учун илму урфоний замин ҳозирланган. Бугун ҳам бухоролик талабалар ҳуқуқ соҳасидан



ташқари бошқа бир қанча соҳаларда дунё фан олимпиадаларида олий ўринларни эгаллашмоқда.

Тақдимот сўнггида Вилоят суди раиси бошчилигида тузилган ишчи гуруҳининг хизматлари тилга олинди. Китоб замонавий дизайн асосида, мустаҳкам қилиб яратилишида ҳисса қўшган мутахассислар фаолияти эътироф этилди. Шунингдек, китоб муаллифи Азалшоҳ Ҳамроев ва муҳаррир Зармед университетининг катта ўқитувчиси Мавлуда Раҳмоноваларнинг меҳнатлари муносиб эътироф этилиб эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда йиғилган барча суд фахрийлари, шунингдек, ҳозир ҳаёт бўлмаган фахрийларнинг яқинларига мазкур китоблар совға сифатида тақдим этилди.

Инсон азиз хотира муқаддас, бугун яшаб ўтилаётган давр, босиб ўтилган ҳаёт йўллари, кечаги кунимиз тарихга айланмоқда. «Куч – адолатда. Бухоро судлари: ўтмишда ва бугун» сингари тарих зарварақлари эса бу йўл ҳақида ҳикоя қилувчи манбадир.



Нурбек РАҲИМОВ,

Бухоро вилоят суди бош консултантанти.

ВИРТУАЛ МОЛ-МУЛКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

интернет тармоғининг кенг ривожланиши фуқаролик ҳуқуқларининг янги объектлари юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатди. Ана шундай объектлардан бири “виртуал мол-мулк” бўлиб, у “жисм”га эга эмаслиги, талаб қилиш орқали мулккий манфаатни ифодаланиши ва шу каби бошқа белгилари билан ажралиб туради. Ушбу мақолада виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий мақоми белгилашга оид мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: мол-мулк, интернет, виртуал мол-мулк, фуқаролик ҳуқуқи, рақамли ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари

“Виртуал”, “электрон”, “рақамли”, “онлайн” атамалари аллақачон тилимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бироқ, ушбу атамалардан уларнинг луғавий маъносига мос равишда фойдаланиш талаб этилади. Виртуал мол-мулкка (миллий ҳуқуқдаги илмий ишларда ушбу объект виртуал мулк деб номланган ва бу нисбатан ноаниқ хусусият касб этади) фақатгина виртуал маконда фойдаланиш мумкин бўлган ҳамда иқтисодий қиймат келтириш хусусиятига эга бўлган номоддий объектларни киритиш мумкин. Ҳозирда виртуал мол-мулк сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: ўйин шаклидаги мол-мулк, криптовалюта, виртуал токенлар, домен номлари, рақамли актив (digital active), ижтимоий тармоқлардаги виртуал мол-мулк.

“Виртуал мол-мулк” атамасидан кўп ҳолларда онлайн ўйинлардаги қурол-яроғлар, ускуналар, артефактлар, ушбу ўйинларда фойдаланиладиган виртуал пуллар, шунингдек, кўп фойдаланувчига эга бўлган онлайн ўйинлардаги аватарлар (персонажлар, ўйинчилар)нинг қўшимча имкониятлари ҳамда ташқи кўринишини ўз ичига олувчи бошқа “мол-мулк”ни англатиш учун ҳам фойдаланилади.

Виртуал валюта шаклларида бири сифатида эътироф этиладиган криптовалюта ва тўлақонли ҳуқуқий асосларда виртуал мол-мулкка киритиш мумкин. Хорижий илмий нашрларга мувофиқ виртуал валюталар доираси 4 гуруҳда таснифланади: 1) мобил фиат валютаси (банк тўловларини ўтказишда фойдаланиладиган); 2) корпоратив тусдаги валюта (содиқлик учун мукофот шаклидаги тўловлар, масалан, кредит, балларда ифодаланадиган мижозлар учун чегирмалар); 3) виртуал олам валютаси (юқорида қайд этилган онлайн ўйинлардаги валюталар) ва 4) марказлашмаган валюта (марказлаштирилган банк валютасини муқобили ҳисобланган bitcoin).

Бугунги кунда техник жиҳатдан реестрда акс эттирилдиган ёзув сифатида эътироф этиладиган токенлар юридик маънода фактик ҳуқуқий ҳодисани англатиши мумкин (токеннинг ноёблиги шундаки, у ҳар қандай ҳодисани англатиши мумкин). Бу эса барча токенларни криптовалютага киритиш масаласини муаммога айлантиради.

Муайян ҳолатларда токенлар моддий ашёларга бўлган мулккий ҳуқуқларни (масалан, бир токен 1 м² майдонга эга турар жойга ёки 1 килограмм оғирликдаги сабзавотга тенглаштирилиши мумкин) ёки муайян реал хизматларни олишга (масалан, кинотеатрда фильм томоша қилишга) бўлган мулккий ҳуқуқларни ёки инвестицион (security)

токенларни қўлга киритган шахсга тақдим этиладиган муайян компания фойдасидан улуш олишга бўлган ҳуқуқларни назарда тутиши мумкин. Жумладан, Малта ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган виртуал молиявий активлар тўғрисидаги қонун лойиҳасига (Виртуал Финансиал Ассетс Акт) асосан виртуал молиявий активларга электрон пуллар, молиявий воситалар ҳамда виртуал токенлар ҳам киритилади.

Домен номларини ҳам виртуал мол-мулк категорияси доирасига киритиш мумкин. Бунда домен номларига интернет тармоғидаги алоқа воситаси сифатида эмас, балки интернетдаги бизнес идентификатори ёки хусусий шахс сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Домен номидан муваффақиятли тарзда фойдаланиш домен эгасига қўшимча (баъзида эса сезиларли даражада юқори) даромад олиб келиши ва мос равишда домен номларини мулккий қийматга эга бўлган объект сифатида эътироф этиш мумкин.

Афсуски, домен номи интернет тармоғида интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузиш воситаси бўлиб қолаётганлиги ҳолати уларни интеллектуал мулк ҳуқуқлари ёки ҳеч бўлмаганда, “квазиинтеллектуал мулк ҳуқуқлари” доирасига киритиш кераклиги ҳақидаги қарашларга асос бўлмоқда. Бизнингча, ушбу ёндашув тўғри эмас, боиси домен номлари интеллектуал мулк ҳуқуқлари объекти саналмайди. Бироқ, ушбу номоддий объектга, шунингдек юқорида санаб ўтилган виртуал объектларга бўлган ҳуқуқларни мулккий ҳуқуқларга киритиш учун ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас.

Айнан ижтимоий тармоқларда ушбу турдаги “мол-мулк”нинг қанчалик хилма-хиллигини кўриш мумкин: хусусан, фойдаланувчи akkaунтининг ўзи (уларни мерос қилиб қолдириш масаласи мунозарали) ва фойдаланувчилар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган стикерлар ва картинка-совғалар (уларни мутлақ ҳуқуқлар объектларига киритиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масала одатий ҳолга айланган) ва бошқа шу кабилар. Ушбу объектларни субъектив фуқаролик ҳуқуқлари объектлари сифатида кўриб чиқиш бугунги кунда етарлича актуал масалага айланган.

Шундай қилиб, “виртуал мол-мулк” тушунчаси кўп сонли объектларни қамраб олиб, уларга бўлган ҳуқуқлар, ушбу объектларнинг “нореаллиги”га қарамаздан, мулккий ҳуқуқлар доирасига киритилади. Санаб ўтилган объектлардан бирортаси ФКнинг 81-моддасида бевосита акс эттирилмаганлиги

уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида эътироф этилишига тўқинлик қилмайди. Чунки, ФКнинг юқоридаги моддасида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқлари объектлари рўйхати очиқ ҳисобланиб, бу қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради: “мол-мулк” тушунчаси фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун иқтисодий қийматга (объектив қийматга) эга бўлган барча нарсаларни қамраб олади ҳамда бир шахсдан бошқа шахсга ўтиш имкониятини назарда тутати.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, виртуал мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни самарали амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадлари учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, санаб ўтилган объектлар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш талаб этилади.

Қайд этилган тушунчани кўриб чиқишдан олдин ҳозирги замон ҳуқуқида “актив” деганда нимани тушуниш лозимлиги масаласига қисқача тўхталиш ўринлидир. Бунинг учун эса инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди томонидан ишлаб чиқилган, Россия олимлари илмий нашрларида “мулк ҳуқуқи” концепцияси деб хато номланадиган “мол-мулк концепцияси”га мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди актларида иккинчи гуруҳ объектларига нисбатан кўп жиҳатга эга бўлган “активлар” (иқтисодий активлар) ни киритиш мумкин. Улар доирасига нафақат мулк ҳуқуқлар, шунингдек кўп ҳолатларда ҳуқуқда ўз аксини топмаган иқтисодий манфаатлар ҳам кирди. Конвенцияда келтирилган Европа Суди № 1-сонли Протоколининг 1-моддасида мустақамланган “Мол-мулк Концепцияси” моддий ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи билан чекланмайдиган, миллий қонунчилик бўйича расмий классификациясига боғлиқ бўлмаган автоном аҳамиятга эга бўлган ва актив деб ҳисобланадиган бошқа бир қатор ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳам “мол-мулк” (мулк ҳуқуқ) сифатида эътироф этиши мумкин. Ушбу концепция Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди судьяларига низоларни ҳал этишда мазкур объектларни, хусусан, келажакдаги даромадлар, лицензия ва рухсат бериш, иш юритиш алоқалари ҳамда шаклланган мижозлар базаси, домен номлари ва бошқаларни “мол-мулк” (иқтисодий актив) сифатида қабул қилиш имконини беради.

Рақамли объектлар каби активларни таҳлил этишдан олдин бир қатор истисноларга эътибор қаратиш керак. Миллий қонунчиликда “рақамлаштириш” ва “рақамли” тушунчаларини бир-бирига зид равишда талқин этиш ҳоллари учраб туради. Шу ўринда қайд этиш жоизки, “рақамлаштириш”—ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши, интернетнинг амалда кундалик ҳаётнинг деярли барча соҳаларига кириб бориши, турли коммуникация қурилмаларидан оммавий фойдаланиш натижасида юз берган ўзгаришлар оқибати бўлиб ҳисобланади. Бунда рақамлаштириш, аввало, формат ёки шакл ўзгаришини назарда тутати: яъни, энг кам аҳамиятли жиҳат сифатида қоғоз шаклидаги ҳужжат айланишидан информацион технологиялар қўллашни талаб этадиган электрон ҳужжат айланишига ўтиш ҳолатини кўрсатиш мумкин.

Ушбу ёндашувга асосланиб рақамли активларга юқоридаги виртуал мол-мулкдан бошқа активларни, яъни фуқаролик ҳуқуқиға маълум бўлган эски, анъанавий усулларда эмас, балки янги – электрон шаклда замонавий технологиялар ёрдамида яратилган бўлса, киритиш мумкин.

Бунга ёрқин мисол сифатида электрон шаклда информацион технологиялар ёрдамида яратиладиган digital art (рақамли санъат) компьютер анимацияси, электрон мусиқа, рақамли тасвир каби объектларини келтириш мумкин. Фақат электрон шаклда мавжуд бўлишига қарамасдан ушбу объектлар интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига киритилади ва амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади, бироқ ушбу объектларга бўлган ҳуқуқлар муҳофазасини етарлича самарали, деб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “рақамли актив”ларга, гарчи фуқаролик ҳуқуқлари объектлари қаторида бевосита санаб ўтилмаган бўлса-да, электрон шаклдаги иқтисодий қийматга эга бўлган турли объектларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда иқтисодий муомалага криптоактивлар жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Бироқ, қатор давлатларда бу восита расман тартибга солинган ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид ҳаракатлар бошланган бўлса, айрим давлатларда криптоактивларга шубҳа билан қараш сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойишига 1-илова Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида “крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш” вазифаси белгиланганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон учун ҳам ушбу воситанинг режимини белгилаш зарурати мавжудлиги англашилади.

Криптоактив, криптовалюта, виртуал актив ва виртуал валюта терминлари кўп ўринларда синоним сўзлар сифатида қўлланилади. Дунё амалиётида криптоактивлар, токенлар, майнинг айланмаси, виртуал валюта, рақамли пул ва шу каби турли атамалар билан номланадиган криптоактивларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳат бу уларнинг виртуаллиги (хаёлийлик) билан боғлиқлиги ҳисобланади. Криптовалюта ёки виртуал валюта – бу Интернетда олди-сотди қилиниши мумкин бўлган қийматнинг рақамли ифодаси бўлиб, гарчи пул сифатида намоён бўлсада, яъни реал товарлар ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлсада, қонуний тўлов воситаси сифатида эътироф этилмайди. Виртуал валюталар фақат рақамли код шаклида мавжуд бўлади ва жисмий шаклда ифодаланган эквивалентга масалан, танга ёки банкнот (қоғоз пул) шаклига эга бўлмайди. Уларнинг муомалада бўлиш лаёқатини инобатга олиб виртуал валютани активлар, мол-мулк сифатида талқин қилиш мумкин.

И.М.Лифшиц ва А.В.Лосевалар криптовалюта фаол қўлланиладиган мамлакатлардан бири бўлган Швейцарияда уни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларни тадқиқ этар экан, қуйидагиларни қайд этишади: Швейцариянинг “криптоводийси” сифатида тан олинишига ва блокчейн-технологиялари ва тақсимланган реестр асосида лойиҳаларни жалб этиш бўйича лидерлардан бири ҳисобланишига қарамасдан, бугунги кунда Швейцарияда криптовалюта ва токенларни дастлабки жойлаштиришни (кейинги ўринларда – ICO) тартибга солиш масалалари қонунчилик даражасида ишлаб чиқилмаган ва ФИНМАНинг (Swiss Financial Market Supervisory Authority - Швейцариянинг Молия бозорларни назорат қилиш бўйича органи) 2018 йилдаги кўрсатмаларида махсус қайд этилган. ICO – токенларни дастлабки жойлаштириш (initial coin offering) компаниялар томонидан акцияларни дастлабки жойлаштиришнинг (initial public offering, қисқартма – IPO) рақамли аналог (ўхшаши)ни ўзида

ифодалайди, бироқ фақатгина блокчейн базасида мавжуд бўлиши мумкин, деб ҳисобланади.

А.Левашенко, И.Ермохин ва А.Коваллар крипто иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини таҳлил қилар экан, ҳозирда ҳеч бир мамлакат криптовалютадан тўловчи воситаси, шунингдек инвестиция инструменти сифатида фойдаланиш имкониятини инкор этмайди. Бунда тартибга солиш солиқ база-сидаги бузилишлар ва ноқонуний олинган даромадни “ювиш” каби оммавий хавфларни камайтиришга йўналтирилганлигига урғу қаратади.

Қолаверса, айрим мамлакатларда суд томонидан шакллан-тирилган амалиёт ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада Европа Иттифоқи суди томонидан 2015 йилда кўриб чиқилган криптовалютадан фойдаланишга оид битимларни солиққа тортиш бўйича суд иши намунавий мисол бўлиши мумкин. Швеция фуқароси криптовалюта фиат маблағларига (яъни давлат томонидан чиқарилган маблағлар) алмаштириш бўйича хизматни кўрсатувчи бўлади. Швециянинг солиқ органи эса бундай битимларга нисбатан қўшимча қий-мат солиғи (ҚҚС) солинади, деб ҳисоблайди. Бироқ Европа Иттифоқининг даромадлар бўйича комиссияси, кейинчалик эса Европа суди бу битимнинг валюта айирбошлаш битими ҳисобланиши ва ҚҚСга тортилмаслигини; айна пайтда ҚҚС битимни амалга оширган шахс оладиган ҳақдан ундирили-шини қайд этади. Суднинг қарорида таъкидланишича, бит-коин – бу шартномавий тўлов воситаси ҳисобланади ва ушбу мақсаддан бошқа ниятни кўзламайди. Шартномавий тўлов воситаси – фақат тарафларнинг келишуви бўйича фойдала-ниладиган тўлов воситаси ҳисобланади.

Англия шартномавий тўлов воситаси “means of payment” термини билан ифодаланади ва тўлиқ қонуний тўлов воситаси – legal tender тушунчасини ифодалайди. Ўзбекистонда ушбу иккала термин ҳам “тўлов воситаси” деб аталади ва қонунчи-ликда тўлов воситаси қонуний ёки шартномавийга ажратил-майди. Шу сабабли ҳали Ўзбекистонда криптовалюта қан-дай талқин этиш борасида аниқ тасаввурлар шаклланмаган.

Шу сабабли крипто активлар тушунчасини миллий қонунчи-ликда ифодалаш ҳамда ФКга “крипто актив” номли 95¹-модда-ни киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда белгилаш лозим:

“Крипто-актив бу қўймати ва эгаси бўлган, моддий қўри-нишга эга бўлмаган, мазмуни ва шартлари қонунда белгилан-ган тартибда аниқланадиган мулкий ҳуқуқ ҳисобланади”.

Криптоактивга бўлган мулкий ҳуқуқ криптографик ҳи-моя ва тақсимланмаган маълумотлар реестри каби ахбор-ротнинг бутунлиги ва ишончилигини таъминловчи техно-логиялар мажмуи билан ҳимояланган ахборот тизимларида қайд этилиши керак ва ушбу ахборот тизимларига ёзув ки-ритилиб, бу ҳақда маълумот эълон қилинган учинчи шахс-лар учун юридик кучга эга бўлади.

Криптоактивлар фуқаролик ҳуқуқлари объекти ҳисобла-нади ва қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаса, эркин муомалада бўлади. Уларни эмиссия қилиш, муомалага чиқариш, шунинг-дек бегоналаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳоллари, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хулоса ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда тадбир-корлик соҳаси қонунчилигининг, хусусан, тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўнгги йиллардаги ривожланиш кўлами мам-

лакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг шиддати ва мазмунига мосдир. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъ-ектларининг ҳуқуқларини тўқинликларсиз амалга ошириш ҳамда улар ҳуқуқларининг реал кафолатларини кучайтириш, турли мансабдорларнинг ўзбошимчалик билан қонунчилик нормаларини турлича талқин этишига йўл қўймаслик ва шу каби бошқа аниқ ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оши-риш лозим. Бунда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларни бир хилда талқин этиш борасида мазкур ҳужжатларни қабул қилган органларнинг расмий шарҳларини бериш, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-атларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республи-каси Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда чиқари-лаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича аниқ тавсияларни ҳам шакллантириш лозим.

Наргиза АШУРОВА,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедраси проф.в.б.,юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Aaron Smith Future of Money: Classifying Virtual Currency Systems // <http://bigthink.com/hybrid-reality/future-of-money-classifying-virtual-currency-systems>
2. Абстрактный колобок Смайлики, стикеры и эмодзи: путешествие в мир интеллектуального права [Электронный ресурс] // Закон.ру. 2017. 26 января. URL: <https://zakon.ru>
3. David Honig. Let's Get Digital! // <https://itsartlaw.com/2016/02/01/lets-get-digital/>
4. Доклад правительства Швейцарии о виртуальной валюте от 25.06.2014 года режимдоступа: URL: <https://perma.cc/7VAB-FNBJ> (дата обращения 23.06.2021).
5. Карташов М. Наследование личной страницы в социальной сети после смерти пользователя в судебной практике Германии [Электронный ресурс] // Закон.ру. 2018. 24 мая. URL: <https://zakon.ru> Квасников М. Цифровое наследие: Что будет с вашими аккаунтами после смерти // https://vk.com/ipclubin?w=wall-105892385_3066
6. Лифшиц И.М., Лосева А.В. Правовое регулирование криптоактивов в Швейцарии // Международное право, 2020. – № 4. // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-kriptoaktivov-v-shveytsarii>
7. Левашенко А., Ермохин И., Ковал А.Перспективы правового регулирования криптоэкономики и ICO в России и других странах // Экономическая политика. 2019. Т. 14. № 5. С. 80–99
8. Постановление ЕСПЧ от 13.12.2011 по делу “Васильев и Ковтун против России” (Vasilyev and Kovtun v. Russia; application no. 13703/04) / перевод О.Л. Ветровой (СПС “КонсультантПлюс”).10. Рожкова М.А. Комментарий к главе 6 Гражданского кодекса Российской Федерации. // Гражданский кодекс Российской Федерации. По-статейный комментарий к главам 6–12 / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Санниковой. М.: Статут, 2014.С. 11-59 (СПС “КонсультантПлюс”).
10. Рожкова М.А. Права на доменное имя // Право в сфере Интернета: Сборник статей / Рук. авт. кол. и отв. ред. д.ю.н. М.А. Рожкова. М.: Статут, 2018. С. 195-223. URL: https://cctld.ru/files/books/rozhkova_asp.pdf
11. Рожкова М.А. Права на доменное имя // Право в сфере Интернета: Сборник статей / Рук. авт. кол. и отв. ред. д.ю.н. М.А. Рожкова. М.: Статут, 2018. С. 195-223. URL: https://cctld.ru/files/books/rozhkova_asp.pdf; Рожкова М.А. Понятие “имущество” в правопо-ложениях Европейского Суда по правам человека // Объекты граж-данского оборота: Сборник статей / Рук. авт. кол. и отв. ред. М.А. Рожкова. М.: Статут, 2007. С. 95-112 (СПС “КонсультантПлюс”) и др.
12. Юрасов М. Защита прав инвесторов при проведении ICO блокчейн-проектов [Электронный ресурс] // Закон.ру. 2017. 5 ноя-бря. URL: <https://zakon.ru/blog>
33. <http://justiceservices.gov.mt/DownloadDocument.aspx?app=lp&itemid=29079&l=1>
14. <https://lex.uz/docs/4272621>

КОРРУПЦИЯ - МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида, коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадига қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш дея таъриф берилган.

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳларининг кундалик фаолиятига айланиб, ўзаро бир-бирига боғланиб жамият ва давлатни ич-ичидан емириб боради. Шу сабабли, ҳам коррупция сўзининг ижтимоий кўриниши “ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони беради.

Аксарият ҳолларда кишилар амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлари қонун талабларига зид бўлишига қарамаздан, ижтимоий муносабатларда белгиланган қонунчиликни четлаб ўтишга, имкон қадар ноқонуний хатти-ҳаракатларини қонунийлаштиришга ҳаракат қилишиб, ушбу ишни ҳал қилиб бериши мумкин бўлган шахсларни қидириб қолишади. Айнан мазкур жараённинг ўзи коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунингдек, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги ҳам жамиятимизда коррупциявий ҳолатларнинг бир мунча ошишига сабаб бўлмоқда. Чунки, қонун билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва манфаатларини англамаган киши ўзгалар кўмагига кўпроқ эҳтиёж сезади.

Шу билан бирга, аҳолига турли соҳаларда хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идораларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги, соҳада инсон омилини камайтирувчи замонавий технологиялардан фойдаланилмасдан, ҳалигача манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлувчи воситалардан фойдаланиб келинаётганлиги ҳам коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарадиган омиллардан бири саналади.

Аслини олганда, юқоридаги каби салбий омиллар анчагина бўлиб, ҳозирги кунга келиб уларнинг ҳуқуқий ечимини топиш давр талабига айланиб улгурган.

Чунки қайси жамиятда бўлмасин аниқланган коррупцияга олиб келадиган ҳар қандай сабаб ўз ўрнида бартараф этилмас экан, шу жамият қуйидаги муаммолар билан юзлашишига тўғри келади:

жамиятда адолат поймол бўлиб, тенгсизлик, нуноносиблик кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади;

кенг жамоатчиликда давлат органлари, ташкилот ва идораларга бўлган ишонч сўниб боради;

жамиятда демократия ва инсон ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланиши билан боғлиқ ислохотларнинг ижроси фақатгина қовозда қолиб, амалда татбиқ этилмайди;

давлат бюджетига жиддий зарар етиб, давлат иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда қолади.

Хуллас, ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Чунки, коррупциянинг инсоният, жамият ва давлат учун хавфлилик даражаси ниҳоятда юқори бўлиб, коррупция миллат келажагига дахлдор муаммодир.

Модомики, коррупция миллат келажагига таҳдид деб баҳоланар экан, ушбу иллатга қарши тура оладиган, халқаро тажрибадан муваффақиятли ўтган, ижобий натижаларга эришиш имконияти юқори бўлган, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига тўлиқ мос келадиган миллий антикоррупцион тизимни яратиш вақти келди.

Ушбу тизимни яратиш учун дастлаб кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Чунки, қайси бир соҳага қарамайлик шу соҳанинг келажагини ҳалол, ўз вазифасига виждонан ёндашадиган, билимли ва салоҳиятли ходимлар билан тасаввур қиламиз. Шу сабабли, кадрларни танлашда муносиблик тамойилига содиқ қолган ҳолда халқ манфаати ва давлат равнақи учун астойдил хизмат қиладиган иймонли, ҳалол-ҳаромни фарқига борадиган, пок қалбли, ўз билим ва салоҳияти билан соҳа ривожини учун жон куйдирадиган ҳақиқий ватанпарвар ходимларни танлаб олиш;

таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик каби салбий иллатларга қарши алоҳида механизмларни ишлаб чиқиш ва бундай иллатларга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш лозим бўлади.

Миллий антикоррупцион тизим учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилувчи омиллардан яна бири коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат орқали даромад топишни ўргатишимиздир.

Зеро, кексаларимиз айтганидек, ҳалол меҳнат ортидан топилган ҳар қандай нарсада барака ва хотиржамлик бўлади.

Шундай экан, барчамиз келажак авлод учун жавобгар эканлигимизни, уларга озод ва обод, қонун устувор бўлган, адолат меъзонларига амал қилинадиган юртни мерос қолдиришимиз кераклигини ҳис этган ҳолда, ана шундай порлоқ келажак учун тўсиқ бўладиган коррупция ва шунга ўхшаш иллатларга биргаликда қарши турайлик.

Адҳам АБДИЕВ,

Самарқанд вилоят судининг судья катта ёрдамчиси.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига оид ислоҳотларга тўхталиб ўтилган. Шунингдек, муаллиф озодликдан маҳрум қилиш жазосининг мақсадида эришишда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга яратилган шарт-шароитларни қайд этган.

Таянч сўзлар: жазони ижро этиш муассасаси, маҳкум, жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари.

Мамлакатимизда 2023 йил ҳолатига кўра 54 та жазони ижро этиш муассасаси, шундан 11 та тергов ҳибсхоналари, 25 та манзил колония ва 18 та ёпиқ турдаги жазони ижро этиш колониялари мавжуд. Ушбу муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар сони 28 минг нафарни ёки ҳар 100 минг кишига 77 тани ташкил этади.

Республикаимизда озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни таълим ва касб-ҳунарга жалб этиш соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, ўтган қисқа вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг тизимни ислоҳ этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарор ва фармойишлари ҳаётга татбиқ қилинди. Хусусан, 10 дан ортиқ қонун, Президентнинг 5 та фармон ва 5 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори ва фармойишлари ҳамда 15 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Соҳадаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлар сайлаш ва умумхалқ референдумларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Манзил-колонияларда сақланаётган маҳкумларнинг пенсия олиш ҳуқуқи таъминланди.

Ёпиқ турдаги колонияларда сақланаётган маҳкумларга телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиш ҳуқуқи доираси қарийб икки баробарга кўпайтирилди.

Тергов жараёни ва сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳибсхоналарида алоҳида терговчилар хонаси ташкил этилиб, овоз ёзиш имкониятига эга видео кузатув воситалари ўрнатилди. Тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда адвокатлар учун алоҳида 69 та хона ташкил этилиб, Омбудсманнинг ҳеч қандай монеликсиз кириши учун шароитлар яратилди. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиши, қийноқ ёки бошқа турдаги инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида 2022 йил давомида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича

вакили (Омбудсман) ва жамоатчилик вакиллари томонидан 136 та жазони ижро этиш колониялари ва 78 та тергов ҳибсхоналарида мониторинг ташрифлари амалга оширилди.

Ташрифлар доирасида маҳкумларни сақлаш шароитлари ва улар билан муомалада бўлиш тартиби, тиббий хизмат кўрсатиш, овқатлантириш, меҳнат, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш самарадорлиги ўрганилди, маҳкумлар билан жамоавий ва якка тартибдаги учрашувлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан турли жиноятлар содир этиб ҳибсда сақланаётган ёки жазо ўтаётган шахсларни қийноққа солиш ёки ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жаслык қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши давлатимизнинг жиноят-ижроия тизимида амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ўтган давр мобайнида жазо муддатини ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари 6 мингдан ортиқ шахсларга қўлланилди.

Давлатимизда инсон ҳуқуқларига доир муҳим ислоҳот, бу – жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг яқин қариндошлари билан учрашув хонасини жиҳозлаш ва фуқароларга янада кенгроқ қулайлик яратиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, ҳар бир хона замонавий ётоқхона мебеллари, стол-стуллар билан, ошхона эса таом тайёрлаш, озик-овқат маҳсулотларини сақлаш учун зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Энг асосийси, отаси ёки онасининг озодликдан маҳрум этилганлигини англаш ёшида бўлмаган фарзандлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги, қалби ўқсимаслиги учун барча имкониятлар яратилган. Хусусан, учрашув хоналарида алоҳида болалар ўйингоҳлари ташкил этилган.

Маҳкумларнинг илтимосига кўра, узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга,

кисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди ҳамда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг олис масофадан келувчи яқин қариндошлари овозагарчилигига барҳам бериш мақсадида масофали учрашув хоналари тайёрланди.

Бугун жазони ижро этиш муассасаларида дори-дармон таъминотини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳқумлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва санитар-гигиеник маданиятни тарғиб қилиш тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Маҳқумлар ва маҳбуслар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида 21 та жазони ижро этиш муассасаси тиббиёт бўлимлари замонавий рақамли рентгено-флюорографик тиббий анжомлар билан жиҳозланди.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳқумларнинг тўйимли, сифатли ва соғлом овқатланиши ҳам алоҳида эътиборда. Овқатларнинг сифатини ошириш, озиқ-овқат таъминотида шаффофик ва очиклик тамойилини таъминлаш учун барча муассасаларда аутсорсинг тизимига ўтилган. Шу билан бирга, муассасаларда махсус контингент учун мўлжалланган ошхоналар кенг ва шинам бўлиб, замонавий маиший техника, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Тарбиявий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда жамоатчилик билан кенг қўламли ҳамкорлик йўлга қўйилиб давра суҳбатлари, ижодий учрашув ва конференция кўринишидаги тарбиявий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокурорга ва бошқа ариза-шикоятларга мўлжалланган алоҳида қутилар ўрнатилиб, ушбу қутилар мутасадди идора масъул ходими томонидан муҳрланиб, очилиши йўлга қўйилган.

Жазони ижро этиш муассасаларига интерактив видеокузатув мосламаларини ўрнатиш, ходимларнинг видеорегистратор (бодикамера) ёрдамида хизмат ўташини жорий этиш, маҳқумларни кузатув ва назорат амалиётига интеллектуал (“Smart”) камераларни татбиқ қилиш, рақамли технологиялар жорий этиш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Жазони

ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти сифатида қайта ташкил қилинди.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатларга мувофиқ 6 та минтақада Департаментнинг Минтақавий мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилиб, соҳада уч поғонали тамойил бўйича вертикал бошқарув жорий қилинди. Бундан кўзланган мақсад эса тизимда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг сифатли ва белгиланган муддатларда таъминланишини ташкиллаштириш, жазо муддатини ўтаётган шахсларни тарбиялашнинг самарали механизмлари ҳаётга татбиқ қилишни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, республикамизда олиб борилган суд-ҳуқуқ ислохотлари озодликдан маҳрум қилинган маҳқумларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, уларнинг муассасада жазони ўташ даврида ва жазодан озод этилгандан кейин ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканлигини ҳис қилишига, оиласи ва яқинлари билан бирга бўлишига, жамиятда ўз ўрнини топишига, қабул қилинган қонунларга қатъий риоя этишига қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан жиноят-ижроия тизимидаги ижобий ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари, унинг қонуний манфаатлари, қадр-қимматини юксак даражага кўтариш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш учун хизмат қилаётганлигидан далолат беради.

Дониёр УСМОНОВ,

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз // <https://president.uz/uz/lists/view/111>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг 2023 йилдаги маълумоти.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ-6196-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5344118>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5353841>.
7. <https://kun.uz/kr/news/2023/01/22/songgi-olti-yilda-yopiq-turdagi-kolonyalardan-birorta-ham-mahkum-qochmagan-iiw#>

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

АННОТАЦИЯ:

фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқий тизим сифатида асрларни қамраб олган бой ва мураккаб тарихга эга. Унинг пайдо бўлишини қадимий тамаддунлардан излаш мумкин, улар асрлар давомида ривожланиб, бутун дунё бўйлаб жамиятларни бошқарадиган асосий ҳуқуқий асослардан бирига айланди. Ушбу мақола фуқаролик ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланишини, унинг асосий тамойилларини, омилларини ва замонавий ҳуқуқ тизимларига доимий таъсирини ўрганади.

Калит сўзлар: ҳуқуқий тизимлар, ҳуқуқий кодекслар, цивилизация, адолат, тенглик.

Дунё миқёсидаги ҳуқуқий тизимларнинг асосий устуни бўлган фуқаролик ҳуқуқи инсоният тамаддунининг илк босқичларидан буён мавжуд. Унинг пайдо бўлиши инсоннинг тартиб, адолат ва жамият уйғунлигига бўлган туғма интилишларини акс эттиради. Тош лавҳаларга ёзилган энг қадимги ҳуқуқий кодекслардан тортиб, замонавий халқларнинг кенг қамровли кодификацияларигача фуқаролик ҳуқуқи инсоният жамияти билан бир қаторда, ўзгарувчан нормалар, маданиятлар ва технологияларга мослашган ҳолда ривожланди.

Фуқаролик ҳуқуқи қадимги Месопотамия, Миср ва Рим цивилизацияларидан бошланади ва улар фуқаролик ҳуқуқи эволюциясига асос солган ибтидоий ҳуқуқ тизимларини ривожлантиришда кашшофлар сифатида ажралиб туради. Чунки, бу ерда ҳукмдорлар ўз фуқароларини бошқариш учун қоидалар ва тартибларни ўрнатишга ҳаракат қилишган. Бу илк ҳуқуқий тизимлар замонавий жамиятларни шакллантирувчи кенг қамровли ҳуқуқий асослар билан яқунланган янада тақомиллашган ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишига замин яратди.

Цивилизациянинг илк бешиги деб ҳисобланган Месопотамияда Хаммурапи кодекси ёзма ҳуқуқнинг энг қадимги намуналаридан бирини ифодалайди. Милоддан аввалги 1754-йилда Бобил қироли Хаммурапи томонидан қабул қилинган бу кодекс стелага ёзилган 282 та моддадан иборат бўлиб, кундалик ҳаётнинг турли жабҳаларини тартибга солувчи кенг қамровли қоидалар ва жазоларни ўз ичига олган. Хаммурапи кодекси Месопотамиянинг илоҳий ҳокимиятга бўлган эътиқодини ва қиролнинг адолатни тарқатувчи ролини акс эттирувчи адолат, тенглик ва жавобгарлик тамойилларини ўзида мужассам этган.

Худди шундай, қадимги Мисрда ҳақиқат, мувозанат ва тартиб тушунчаларини ўз ичига олган Маърат концепциясига асосланган мураккаб ҳуқуқий тизим ишлаб чиқилган. Миср ҳуқуқ тизими ёзма қонунлар ва суд қарорлари тўпламига таянган, улар жамият нормаларини кодлаштирган ва хатти-ҳаракатларни тартибга солган. Қонунни шарҳлаш ва қўллаш, суд ишларида адолат ва изчилликни таъминлашда қози ва уламоларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. 42 салбий эътироф ва Улиқлар китоби каби ҳуқуқий матнларнинг сақланиши Миср қонунчилигининг тамойиллари ва амалиёти ҳақида тушунча беради.

Бироқ, фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган Рим ҳуқуқий тизими эди. Ақл, адолат ва ҳуқуқшунослик тамойилларига асосланган Рим ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимларининг асосини ташкил этувчи кўплаб ҳуқуқий тушунчалар ва институтлар учун замин яратди.

Месопотамиядан Римгача бўлган қадимги ҳуқуқий тизимлар фуқаролик ҳуқуқи тадрижини шакллантирди ва замонавий

ҳуқуқий фикрга асос солди. Бу қадимий тамаддунларнинг ўзига хос қонунлари ва урф-одатлари номаълум бўлиб қолган бўлсада, уларнинг ҳуқуқий тамойиллар ва институтларга доимий таъсири бугунги кунгача сақланиб қолмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига ҳисса қўшган турли хил қадимий тамаддунлар орасида Рим ҳуқуқий тизими рационаллик, изчиллик ва қонун устуворлигига урғу бериб, ҳозирги замон ҳуқуқ тизимларининг асосини ташкил этувчи кўплаб ҳуқуқий тамойиллар ва институтлар учун замин яратди.

Римнинг ҳуқуқшуносликка қўшган энг муҳим ҳиссалардан бири милоддан аввалги 450-йилларда қабул қилинган “Ўн икки жадвал” қонунлар тўпламидир. Ўн икки жадвал Рим жамиятининг турли жабҳаларини, жумладан мулк, оила ва жиноят ҳуқуқини тартибга солувчи кенг қамровли қоидалар ва тартибларни тақдим этган ҳолда Рим ҳуқуқини кодлаштириш йўлидаги дастлабки уриниш эди. Ушбу жадвал Рим фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига асос солди ва қонун олдида ҳуқуқий тенглик тамойилини ўрнатди.

Рим ҳуқуқшунослигининг ҳақиқий чўққиси милодий VI асрда император Юстиниан I ҳукмронлиги даврида содир бўлди. Юстинианнинг кодлаштириш ҳаракатлари Византия империясида фуқаролик ҳуқуқининг асоси бўлиб хизмат қиладиган ва бутун Европада ҳуқуқий тараққиётга катта таъсир кўрсатадиган Рим ҳуқуқий матнларининг тўлиқ тўплами бўлган Corpus Juris Civilis билан яқунланди.

Corpus Juris Civilisнинг марказини ҳуқуқий таҳлил ва талқин қилиш учун тизимли асосни таъминловчи Рим ҳуқуқшуносларининг асарларидан парчалар тўплами бўлган “Дижест” ташкил этади. Кўп асрлик ҳуқуқий илм-фанга таянган ҳолда, “Дижест” Рим ҳуқуқининг тамойиллари ва таълимотлари ҳақида тушунча берадиган мулк, шартномалар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ҳуқуқини ўз ичига олган кенг қўламли ҳуқуқий мавзуларни қамраб олди. Шунингдек, ҳуқуқшунос талабалар учун мўлжалланган ҳуқуқий тамойилларнинг қисқача хулосаси бўлган институтларни ва император қонунлари ва фармонлари тўплами бўлган Кодексни ҳам ўз ичига олади. Бу матнлар биргаликда Европада асрлар давомида ҳуқуқий тафаккурни шакллантирадиган кенг қамровли ҳуқуқий кодексни ташкил этди.

Ўрта асрлар Европасидаги кодификациянинг дастлабки намуналаридан яна бири ҳозирги Испания ва Франциянинг бир қисмини ўз ичига олган Весиготлар қироллигида милоддан аввалги VII аср бошларида тузилган Лех Романа Весиготхорум ёки Визигот кодекси бўлган. Визигот кодекси асосан Рим ҳуқуқий тамойилларига асосланган ва Рим ҳуқуқини герман одат ҳуқуқи билан уйғунлаштиришга уриниш эди. У кенг қўламли ҳуқуқий мавзуларни, жумладан мулк, шартномалар, оила ҳуқуқи ва

жиноий ҳуқуқни қамраб олган бўлиб, вестготлар қироллиги учун кенг қамровли ҳуқуқий асосни таъминлади.

Франклар қироллигида, Буюк Карл ва унинг ворислари ҳукмронлиги остида, бутун дунё бўйлаб ҳуқуқий амалиётларни кодлаштириш ва стандартлаштиришга ҳаракат қилинди. Бу саъй-ҳаракатларнинг энг диққатга сазовори Сали франклари орасида пайдо бўлган ва кейинчалик Франклар қироллигида ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бирига айланган Lex Salica ёки Салис қонуни бўлди. Салис қонуни турли ҳуқуқий масалаларни, жумладан, мулк ҳуқуқи, мерос ва жиноий ҳуқуқбузарликларни қамраб олган ва ўрта асрларда Европада кейинги ҳуқуқий кодекслар учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Ўрта асрлар даврининг энг муҳим кодификация лойиҳаларидан бири Мелфи конституциялари номи билан танилган қонунлар Рим, канон ва одат ҳуқуқига асосланган Сицилия қироллиги учун ягона ҳуқуқий тизимни яратишга интилган. Мелфи конституциялари ўрта асрларда Европада ҳуқуқий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва қироллик адолатини тарғиб қилиш йўлидаги муҳим қадам эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўрта асрларда кодификациянинг кучайиши Европа ҳуқуқ тизимларининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Қонунлар ва урф-одатларни жамлаш ва стандартлаштириш орқали ўрта аср ҳукмдорлари тартиб ўрнатишга, адолатни тарғиб қилишга ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилганлар.

XIX-XX асрлар фуқаролик ҳуқуқида чуқур ўзгаришларга бой бўлди, чунки бутун дунё мамлакатлари саноатлаштириш, глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар муаммоларига жавоб бериш учун ўз ҳуқуқий тизимларини модернизация қилишга интилди. Ушбу ўзгаришлар нафақат ҳуқуқ амалиётини ўзгартирди, балки жамият, иқтисодиёт ва бошқарувга сезиларли таъсир кўрсатди. Қуйида фуқаролик ҳуқуқидаги баъзи асосий замонавий ўзгаришлар ва уларнинг глобал таъсири борасида сўз юритамиз.

Кодификация ва ҳуқуқий ислохотлар:

Замонавий фуқаролик ҳуқуқи тизимларининг белгиловчи хусусиятларидан бири бу кодификацияга — қонунларни тизимли равишда ташкил этиш ва кенг қамровли ҳуқуқий кодексларга жамлашга урғу беришдир. Наполеон кодекси ва бошқа Европа ҳуқуқий аъналаридан илҳомланиб, кўплаб мамлакатлар ҳуқуқий масалаларни, жумладан шартномалар, мулк ҳуқуқлар, оилавий ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарликларни қамраб олувчи фуқаролик кодексларини қабул қилдилар. Ушбу кодлаштириш ҳаракатлари қонунда аниқлик, изчиллик ва башоратлилиқни таъминлаш, ҳуқуқий аниқликни рағбатлантириш ва иқтисодий ривожланишни осонлаштиришга қаратилган.

Конституциявийлик ва инсон ҳуқуқлари:

Замонавий даврда конституциявийликка урғу берилиши шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътиборни яна бир бор кучайтирди. Кўпгина давлатлар ўз конституцияларида асосий ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаб, инсон кадр-қиммати, тенглиги ва адолатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлади. 1948-йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда тарғиб қилиш, бутун дунё бўйлаб ҳуқуқий ислохотлар ва адвокатлик саъй-ҳаракатларини илҳомлантирган муҳим ютуқдир.

Глобаллашув ва ҳуқуқий уйғунлашув:

Глобаллашув жараёни ғоялар, товарлар ва одамларнинг чегаралар оша алмашинувини осонлаштириб, давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро ҳамкорликни кучайтирди. Ҳуқуқий соҳада глобаллашув халқаро савдо, инвестициялар ва ҳамкорликни осонлаштириш учун қонунлар ва қоидаларни уйғунлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни келтириб чиқарди. Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Халқаро Савдо Ҳуқуқи Комиссияси (УНСИТРАЛ) ва Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси каби халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасида ҳуқуқий уйғунлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Технологик инновациялар ва ҳуқуқий муаммолар:

Технологиялар, хусусан, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги ютуқлар адвокатлик амалиёти учун янги муаммолар ва имкониятларни тақдим этди. Рақамли тижорат, онлайн алоқа ва маълумотлар махфийлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кучайиши пайдо бўлган тўсиқларни ҳал қилишнинг янги ҳуқуқий асос ва қоидаларини ишлаб чиқишга олиб келди.

Атроф-муҳит қонунчилиги ва барқарорлик:

Иқлим ўзгариши, ифлосланиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби экологик муаммоларнинг тобора ортиб бораётгани атроф-муҳит қонунчилиги ва барқарорликка эътиборнинг кучайишига олиб келди. Кўпгина мамлакатларда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга етказилган зарарни камайтириш ва барқарор ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган қонун ва қоидалар қабул қилинган. Иқлим ўзгариши бўйича Париж келишуви ва Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция каби халқаро шартномалар экологик муаммоларни ҳал қилишда глобал ҳамкорлик учун асос яратади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ҳуқуқидаги замонавий ўзгаришлар бутун дунё бўйлаб ҳуқуқий тизимларни ўзгартириб, жамиятларда хулқ-атворни тартибга солиш, низоларни ҳал қилиш ва одил судловни амалга ошириш усулларини шакллантирди. Кодификация ва конституциявийликдан глобаллашув ва технологик инновацияларга фуқаролик ҳуқуқи замонавий дунёнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва муаммоларига жавобан ривожланишда давом этмокда. Жамиятлар мураккаб ҳуқуқий муаммолар билан курашишда давом этар экан, фуқаролик ҳуқуқи жаҳон миқёсида адолат, тенглик ва қонун устуворлигини таъминлаш учун муҳим восита бўлиб қолмокда.

Отабек ПОЁНОВ,

Қашқадарё вилояти

юридик техникуми ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Law Library of Congress — Guide to Law Online: <https://www.loc.gov/law/help/guide.php>
2. Legal Information Institute (LII) — Cornell Law School: <https://www.law.cornell.edu>
3. “Roman Law and Comparative Law” by Alan Watson.
4. The International Encyclopedia of Comparative Law: <https://www.degruyter.com/view/title/31436>
5. “The Oxford Handbook of Comparative Law” edited by Mathias Reimann and Reinhard Zimmerman.
6. “The Development of Legal Institutions” by Alan Watson.
“The Making of Legal Authority: Non-legislative Codifications in Historical and Comparative Perspective” edited by Markus D. Dubber and Mark J. Valenzuela
7. “The Evolution of the Law and Politics of Water” edited by Joseph W. Dellapenna and Joyeeta Gupta.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат ҳокимияти органларининг бош вазифаларидан бирidir.

Юртимизда шакллантирилаётган халқпарвар давлатнинг бош мақсади – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг таъсирчан конституциявий – юридик механизмларини ва ишончли кафолатларини вужудга келтиришдан иборат. Бундай механизм ва кафолатлар халқаро ҳуқуқий стандартларга мутаносиб тарзда миллий қонунчилик нормаларида шакллантирилади. Қонунчиликнинг ушбу йўналишдаги нормалари инсоннинг, фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни амалда кафолатлаш, ҳар қандай тажовуз ва бузилишлардан муҳофазалаш тизимини ташкил этади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида амал қилаётган барча конституциявий ва бошқа қонунчилик нормалари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да белгиланган шахсий, сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларга тамомила мосдир.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш тегишли конституциявий – ҳуқуқий механизм воситасида таъминланади. Ушбу механизм таркибига: конституциявий нормалар; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи субъектлар; конституциявий кафолатлар; ҳуқуқий маданият; жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари, конституциявий назорат ва жавобгарлик киради.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалашнинг конституциявий – ҳуқуқий механизми амал қилишининг асосий мақсади – Конституцияда белгиланган субъектив ҳуқуқ ва эркинликларни тўлақонли таъминлашдан иборат. Бунда фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаланади, ҳимоя этилади ҳамда бузилган тақдирда қайта тикланади. Мазкур конституциявий – ҳуқуқий механизм юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, муҳофазалаш, қайта тиклаш, ахборотлаштириш ва тарбиялаш функцияларини бажаради.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалашнинг конституциявий – ҳуқуқий механизми: биринчидан, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигининг моҳиятини; иккинчидан, ҳуқуқий давлатнинг мақсади фуқароларга муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ҳар бир шахснинг иқтидорини, ижодий салоҳиятини ривожлантиришда тенг ҳуқуқий имкониятлар таъминлаш эканлигини; учинчидан, давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари манфаати йўлида жамоат тартиботи ва хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини; тўртинчидан, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократияни ривожлантириш инсон ҳуқуқларини кафолатли таъминлашнинг гарови эканлигини ифода этади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг юридик механизми таркибидан судларнинг, одил судлов тизимининг ўрни алоҳида. Бошқача айтганда, суд ҳимояси етакчи роль ўйнайди, у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмида марказий ўринни эгаллайди. Одил судлов демократик

тамойиллар ва судларнинг жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларни холис ва ҳар томонлама ўрганиш ва ҳал этиш бўйича процессуал тартибга солинадиган фаолиятига асосланиши, унинг асосий мақсади адолатга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга эришиш эканлиги ҳақли талабдир.

Ўтган йили давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 73 минг 797 нафар шахсга нисбатан 58 минг 418 та иш кўриб чиқилган. Шу билан бирга, 1 минг 244 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган, 7 минг 362 нафар шахс озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганлиги муносабати билан суд залидан қамокдан озод қилинган, 33 минг 612 нафар шахс жазони ўташдан шартли равишда озод қилинган, 12 минг 286 нафар шахсга нисбатан қўйилган айбловлар енгилроқ жазо билан алмаштирилган ва 13 минг 522 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз қўйилган моддалар чиқариб ташланган ёки қайта малакаланган.

Фикримизча, инсон ҳуқуқларини судлар орқали муҳофаза қилиш борасида илмий тадқиқот олиб бориш долзарб масаладир. Бунда қуйидаги вазифаларга эътибор қаратиш муҳим:

- суд жараёнларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- инсон ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммолар ҳамда эҳтиёжларнинг юридик табиати ва аҳамиятини таҳлил қилиш;
- судларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид фаолиятининг мазмуни ва вазифаларини ўрганиш;
- хорижий давлатларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясида судларнинг ўрни ва аҳамиятига оид тажрибани таҳлил этиш;
- инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид судлар фаолиятининг шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- мамлакат ривожланишига инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид судлар фаолияти таъсири ва ундан фойдаланиш усуллари тадқиқ этиш;
- инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича судлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг янги ташкилий механизмларини аниқлаш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;
- инсон ҳуқуқлари суд ҳимояси бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибалари ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятларини таҳлил этиш.

Асосий қонунимизда айбсизлик презумпцияси, “Habeas corpus act” принциплари (талаблари) ва “Миранда қоидалари” сингдирилган нормаларнинг мустаҳкамланганлиги Конституциямизнинг муҳим ютуқларидан бири бўлиб, инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга йўналтирилган конституциявий-ҳуқуқий механизмларнинг янада такомиллаштирилишига хизмат қилади.

Озода ГУЛЯМОВА,

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.

АЛИМЕНТ УНДИРИШ СУД ТАРТИБИДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Қонунчиликка асосан, суд ҳужжатларининг ижроси Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган.

Суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарорига асосан вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминотидан бўйин товлаган ота-оналарга нисбатан қонунчиликда маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁴-моддасига кўра, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилган.

Бошқа-бошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорларига асосан, бир ота (она)дан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори белгиланган миқдордан ошиб кетса, камайтирилади.

Бундан ташқари, алимент тўловчи ота (она) алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи кимнинг фойдасига чиққан бўлса, ўша шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алиментнинг миқдорини тегишлича камайтириш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин.

Оила кодексига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортса, суд тартибида таъминот, яъни алимент олиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, хотин ҳомиладорлик даврида ва фарзанди туғилган кундан бошлаб уч йил давомида ёки ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча, ёки болалиқдан I гуруҳ ногирони бўлган боласига қараса, эридан суд тартибида алимент олиш ҳуқуқига эга.

Оила кодексининг 103-моддасига асосан ота-она фавқулодда ҳолатлар, яъни боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқа сабаблар туфайли келиб чиққан, кўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Бундан бош тортган ота ёки онадан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, кўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати ижроси жараёнида алимент бўйича қарз вужудга келиши сабабли неустойка миқдорини ҳисоблаш ва ундириш давлат ижрочилари томонидан амалга оширилади. Алимент тўлаш тўғрисида келишув бажарилмаган, алимент бўйича қарз вужудга келган тақдирда эса, алимент ундирувчи банк фойзаларини ундириш юзасидан судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

Оила кодексининг 144-моддасига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарорига асосан пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш алиментлар ушлаб қолинаётган жойда қонунчиликда ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Индексация қилиш мақсадига алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Шунга кўра, қатъий суммада ундирилиши лозим бўлган алимент миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада (энг кам ойлик иш ҳақининг тенг ярми, бир баравари, бир ярим баравари ва ҳоказо) белгиланиши лозим.

Суд ҳужжатига асосан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг муайян қисмидан ундирилаётган алиментни қатъий суммада ёки бир вақтда муайян қисмда ва қатъий суммада ундириш тўғрисидаги манфаатдор тарафнинг талаби ФПКнинг 454-моддаси тартибида эмас, даъво иш юритувида кўрилади. Чунки, бу ҳолатда суд қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш эмас, балки алимент миқдорини ўзгартириш тўғрисида масала ҳал этилади.

Қарздор алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида арз қилинган талабга қарши эътироз билдирса, ФПКнинг 181-моддаси тартибида суд буйруғи бекор қилиниши лозим. Суд буйруғи ФПКнинг 177-моддасига асосан ижрога қаратилганидан ўн кун муддат ўтганидан сўнг билдирилган эътирозлар муддатни тиклаш ҳақида ариза мавжуд бўлмаса, суд томонидан кўрилмайди ва аризачига қайтарилади.

Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Ургут туман судининг судьяси.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун, контрактация шартномаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни, мазмун-моҳияти ўрганилган. Шунингдек, мавзуга оид маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрлари, уларнинг аҳамиятли томонлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фермер, фермер хўжалиги, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, фермерлик ҳаракати, соҳавий қонунчилик, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кафолатлаш, шартнома, контрактантлар.

Мамлакат иқтисодийтини ривожлантиришда фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этишда қўлланиладиган фуқаролик-шартномавий тизим муҳим аҳамият касб этади. Кези келганда айтиш керакки, бу ҳолат жамиятнинг иқтисодий ҳаётида шартномавий муносабатларнинг ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Фермер хўжаликларининг шартномалар тузиш билан боғлиқ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун, қарор, низом ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжаликлари "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Шартнома тузиш эркинлиги фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз хоҳишига кўра, ўз эрк-иродаси билан тузилиши баробарида, субъектларга қонун доирасида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга рухсат беради. Ҳатто қонунда кўрсатилмаган ҳар қандай шартномани эркин тузиши мумкин бўлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларини реализация қилишда, ўзига зарур молларни харид қилишда ва умуман, ўзининг фаолиятини ташкил этишда, амалга оширишда қонунчиликда белгиланган хўжалик шартномаларидан фойдаланади. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда судларга мурожаат қилиш ва бузилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни одил судлов орқали тиклаш борасидаги ишлар ҳажми ҳам кейинги йилларда анчага ошган. Статистик маълумотларга кўра Республикамизда 2023 йил 25 декабрь ҳолатида 88 246 та фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб судларга 10 569 та даъво аризалари киритилган. Шундан фермер хўжаликларининг ҳақларини ундириб бериш бўйича 2 197 504 млн. сўмлик судларга даъво аризалари киритилиб, 8837 таси қаноатлантирилган ва 2 224 027 млн. сўмини ундириш бўйича судларнинг қарорлари қабул қилиниб, 5000 та ижро варақа орқали 1 008 619 млн. сўм маблағ фермер хўжаликларига ундириб берилган. Ушбу рақамлар тадбиркор фермерларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинаётгани ва уларнинг одил судловга бўлган ишончи ортаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни қишлоқ хўжалик соҳасида хўжалик шартномаларини тузишда ва тартибга солишда асосий қонун ҳисобланади. Унда шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда диспозитив нормаларни кўпайтириш йўли билан хўжалик шартномасидаги тарафларнинг манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон Қарори билан тасдиқлан-

ган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги низом қабул қилинди. Бу низом соҳада ягона ҳужжат ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва бошқа шартномавий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари орасида контрактация шартномалари кенг тарқалган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан биридир. Мазкур шартноманинг моҳиятини тушуниш учун шартнома институтининг нафақат ҳуқуқий, балки тарихий таҳлилини ҳам амалга ошириш лозим. Чунки, контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича шартноманинг махсус тури сифатида социалистик иқтисодий тизим шароитида пайдо бўлган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, биринчи марта контрактация шартномаси ўтган асрнинг 20-йиллари бошида собиқ Иттифоқ даврида пайдо бўлган бўлиб, мазкур шартнома мамлакатда асосан тарафлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришга мўлжалланган илк шартномалардан бири бўлган. Контрактация шартномасини тузиш бевосита хўжаликлар ўртасида амалга оширилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида шартномалар айнан контрактация шартномаси деб номланмаса-да, шартномавий муносабатларга яқин ёки ўхшашлиги билан ажралиб туради. Масалан, Францияда бир томондан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва бошқа томондан бир ёки бир нечта саноат ёки савдо корхоналари ўртасида интеграция шартномалари тузилади. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, "...контрактация (маҳсулот етказиб бериш) шартномалари барча мулк шаклидаги корхоналар, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан тайёрловчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат бўлибгина қолмай, шунинг билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлиб ҳам ҳисобланади".

Кези келганда таъкидлаб ўтиш керакки, ФКнинг 465–467-моддаларида контрактация шартномаси тушунчаси ва тарафлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ва тайёрловчи)нинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Контрактация шартномаси предмети билан бошқа шартномалардан ажралиб туради. Мисол учун, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган пахта, дон, пилла, полиз экинлари, сут, чорва моллари, паррандалар, шунингдек ҳўл ва

куруқ мевалар шартнома предметини ташкил этади. Кўришиб турибдики, контрактация шартномасининг предмети ҳар қандай мол-мулклар эмас, балки муомаладан чиқарилмаган ёки муомалада бўлиши чекланмаган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлиши мумкин.

Манбаларда таъкидланганидек, контрактация шартномаси иқтисодий мазмуни жиҳатдан олди-сотди шартномасининг бир тури ҳисобланса-да, ўзининг баъзи белгилари билан турдош (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш каби) шартномалардан фарқ қилади. Ҳ.Раҳмонкуловнинг ёзишича, контрактация шартномасининг бошқа шартномалардан фарқи, биринчидан, тарафларнинг кимлардан иборат бўлиши билан, иккинчидан, шартнома бўйича сотиладиган товарнинг “қишлоқ хўжалиги маҳсулоти” бўлиши билан ифодаланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, республикамызда сўнгги йилларда контрактация шартномасининг сақланиб қолиниши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида баъзи иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар ўртасида турли давраларда, манбаларда баҳсли фикрларни учратиш мумкин. Жумладан, айрим ҳуқуқшунослар томонидан “...контрактация шартномасини ФҚдан чиқариб ташлаб, бу бўйича муносабатларни умумий олди-сотди шартномаси билан тартибга солиш таклиф этилган”. Ҳуқуқшунос К. Синдаров, “...қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари тўла қарор топгандан сўнг контрактация шартномаси ўз ўрнини олди-сотди шартномасига бўшатиб беради”, – деган хулосага келган. Қ.Абдулхасанова эса “...бозор муносабатлари тизимида контрактация моҳияти ўзгаради. Дунёнинг барча мамлакатларида давлат ўз эҳтиёжлари учун (масалан, армияни боқиб турувчи) қишлоқ хўжалик маҳсулотларига буюртма беради. Бу буюртма асосида шартнома тузилади. Масалан, АҚШда фермерлар давлат буюртмасини олишга бажонидил деб рози бўлади, давлат буюртмаси конкурс асосида жойлаштирилади. Ҳар юзтадан битта фермер давлат буюртмасини олиши мумкин. Давлат буюртмаси олган ҳолда фермер барқарор харидорга, кафолатланган тўловга эга бўлади. Бозорга чиқиб, кучли рақобат шароитида маҳсулотга харидор ахтармайди” деган фикрни билдирган. Ш.Рўзиназаров қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган шартномаларни таҳлил этар экан, энг кўп қўлланиладиган шартномалардан бири контрактация шартномаси ҳисобланишини таъкидлайди.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, контрактация шартномасидан воз кечиш бу тор маънодаги ечим. Сабаби, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар контрактация шартномасидан воз кечиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси лойиҳасидан контрактация шартномасининг зўрма-зўракилик билан ҳуқуқий тартибга солиш тизимидан чиқариб ташланиши ҳам келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ортда қолиши ва соҳада бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қачонки, бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтилсагина контрактация шартномасидан воз кечиш масаласини муҳокамага қўйиш мумкин. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида контрактация шартномаси катта аҳамиятга эга. Ҳали мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар давом этмокда. Ҳолбуки, давлатимизнинг аграр-индустриал республика эканини инобатга олган ҳолда, қолаверса соҳадаги ислохотларга ўттиз йилдан ошган бўлишига қарамай, ютуқлар билан бирга, муаммолар ҳам етарлича эканини эътироф этиш керак. Айниқса, шартнома тузиш борасида.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида контрактация шартномасининг Фуқаролик кодексига сақлаб қолиниши ва соҳавий мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқиш ҳамда ривожланган давлатларнинг соҳага доир қонунларини ўрганиш баробарида, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириб, ушбу норма (ФҚ, 465-модда)даги бўшлиқларни тўлдириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таҳлиллardan келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни билдирамиз:

биринчидан, маҳсулот туридан келиб чиқиб, айрим турдаги жамият эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларга бўлган талаб ва давлат таъсирини инобатга олган ҳолда, контрактация шартномасини ФҚда қолдириш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг танлов эркинлигини чеклашнинг олдини олиш лозим.

Ҳусниддин ДАМИНОВ,

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдусаломов М, Отахонов Ф. Контрактация шартномалари: талабнома ва даъво аризалари. –Тошкент: Адолат, 1998. –Б.14-15.
2. Абдулхасанова Қ.Ш. Контрактация шартномаси бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлашда фуқаролик ҳуқуқий восита ва усуллари: юрид. фан.ном....дис. –Тошкент: 1999. 8-б.
3. Бредихин А.Л., Фомичев С.М. Договор контрактации: правовой анализ и перспективы. –М., Закон и право, 2022. – №10. 105-с.
4. Годунов В.Н. Договор контрактации как правовая форма реализации произведенной сельскохозяйственной продукции. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/109650/1/godunov.11.pdf>.
5. Павлов Э.И. О западноевропейском опыте регулирования отношений в сельском хозяйстве // Советское государство и право. 1991. – №5. –С.105-111.; Годунов В.Н. Юқоридаги манбада.
6. Румянцев Н.В. Договорные отношения и кантрактация в сельском хозяйстве США. –М., ВНИИТЭИСХ, 1974. 40-с.; Годунов В.Н. Юқоридаги манбада.
7. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. 6-б.
8. Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. –Тошкент: Адолат, 2000. 104-б.
9. Рўзиназаров Ш Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. –Тошкент: Адолат, 1997. 204-б.
10. Собиров М. Некоторые правовые аспекты договора контрактации в новом Гражданском кодексе Республики Узбекистан // Эволюция договорного права. –Ташкент: Мир экономики и право, 1998. –С. 68-69.
11. Синдаров К.О. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. докт....дис. Автореферати. –Тошкент: 2004. 17-б.
12. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалари ҳақида маълумотдан.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2022 йил 10 декабрда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2022.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (2022 йил 15 августда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2022.
15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 17-18-сон, 143-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3-4-сон, 55-модда.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада меҳнат муносабатларида аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишининг хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллиф бу борада хорижда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижаси мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари сурган.

Калит сўзлар: *Аёлларнинг таълим олиши, аёллар меҳнати, ҳуқуқий тартибга солиш, давлат назорати, жамоатчилик назорати, иш берувчи, ҳуқуқ, манфаат, зарар, коллизия норма.*

БМТ ҳисоботида кўра, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида замонавий дунёда эркак ва аёл ролининг муқаррар ўзгариши кузатилиб, аёллар қарорлар қабул қилишда тобора кўпроқ иштирок этаётган, гендер тенглиги ҳар томонлама ҳимоя қилинаётган бўлсада, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларининг бузилиши ортиши натижасида аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва роли масаласи долзарблиги бўйича бугунги куннинг глобал экологик ва иқтисодий муаммоларидан кейин иккинчи ўринда туради.

Хорижий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича XX-асрнинг тўқсонинчи йилларига нисбатан замонавий дунёда аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий бошқарувда ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бунга аввало уларнинг меҳнат муносабатларида ўз ҳуқуқларини таъминлашга бўлган ҳаракати сабаб бўлаётган бўлса, мазкур ижтимоий ҳодисанинг асл сабаби сифатида уларнинг таълим олиш даражасининг ортганлиги билан белгиланади.

Бизнинг фикримизча ҳам айнан аёлларнинг таълим олиш даражасининг ортиши мазкур соҳадаги энг катта муаммоларни тез ва осон ҳал қилиш, ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашни сўраб давлат органлари ва судга мурожаат қилиш имконини беради ва бу ўз ўрнида аёлларнинг жамиятда муносиб ўрнини эгаллашлари учун туртки беради.

Миллий суд тизими статистик маълумотларига кўра хотин-қизларнинг даъво ариза (ариза)лари бўйича кўрилган фуқаролик ишлари 2021 йилда 147 773 тани, 2022 йилда 174 034 тани, 2023 йилни 9 ойи давомида 129 249 тани ташкил қилган, 2023 йил январь-декабрь ойлари давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан меҳнат низоларига доир жами кўрилган ишлар 13.746 тани ташкил қилса, шундан ишга тиклашга доир кўрилган ишлар 3269 тани, иш ҳақи ундиришга доир кўрилган ишлар эса 7826 тани ташкил қилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конституциявий ўзгаришлар, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ҳаракат нормаларига айланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ва халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунингдек, 56-моддада биринчи марта инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми конституциявий даражада белгилаб қўйилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш нуқтаи назаридан аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

шунингдек ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширишга конституциявий мақом берилди.

Биринчи марта хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини яратишга тўққинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги, яъни узоқ муддат бола парваришлаш билан банд бўлган аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаганлиги каби масалалар норматив даражада эътироф этилиб, уларни бартараф этишга оид тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга оид вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда аёлларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига мувофиқлаштириш, уларнинг мазкур соҳада бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этишнинг олдини олиш, уларга иш ҳақи, иш вақтини белгилаш, дам олиш ва танаффуслар, таътиллار ҳамда қўшимча дам олиш кунларини беришда қонунчилик талабларига риоя этиш, шунингдек улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида бериладиган кафолатлар ва уларни қўллаш тартибига оид янги механизмлар жорий қилинди.

Янги механизмлар натижаси ўлароқ аёлларнинг эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шартноларида ишлашини таъминлаш, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги очиқ тан олинди, уларни бартараф этиш, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, ушбу соҳадаги давлат бошқарувини такомиллаштириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2022 йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Шунингдек, ҳозирги вақтда юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган ҳурматли аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этаётганлиги, “Ўзбекистон–2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганлиги, аёлларга бўлган эътибор намунаси ва шу билан бирга уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масаласининг ҳам нечоғли долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми сифатида 2023 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси амалга киритилиб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш, айрим тоифадаги ишчилар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар ва оилавий мажбуриятлар билан шуғулланувчи шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қўллаб-қувватлаш нормалар ўз аксини тоди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 25-боби 1-параграфида аёллар ва оилавий вазибалар билан машғул бўлган шахсларга ижтимоий-меҳнат соҳасида бир қатор тақиқ ва чекловлар, шунингдек қўшимча қафолат ва имтиёзлар белгиланган. Мазкур бобни таҳлил қилиш орқали аёллар ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини аёлларга, ҳомиладор аёлларга, икки ёшга тўлмаган фарзанд тарбияси билан машғул бўлган аёлларга, уч ёшга тўлмаган фарзанд тарбияси билан машғул бўлган аёлларга, фарзанд тарбияси билан машғул бўлган бошқа шахсларга, янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимларга ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажараётган ходимларни назарда тутувчи нормаларга бўлиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, аёллар ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул шахсларни ташкил қилувчи турли тоифадаги ходимлар учун меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари ҳам турлича бўлади. Шу муносабат билан уларнинг ҳар бири меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Аёллар меҳнати махсус ҳуқуқий тартибга солинган биринчи гуруҳга тааллуқлидир. Улар ёши (репродуктив ёки фертил ёши)дан қатъи назар организмнинг физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб ҳимоя қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бир қанча (4-67-237-360-404-405-406-407-408-409 ва 458) моддаларидаги имтиёз ва қафолатлар аёлларга нисбатан амалга оширилади. Яъни, бу ерда аёл жинсига мансублик ушбу имтиёзли ҳуқуқларни олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аёллар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларидан бири айрим турдаги ишларга аёлларни қабул қилиш бўйича тақиқлар ва чекловларнинг ўрнатилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 393-моддасида аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар белгиланган бўлиб, иш берувчи касба уюшма қўмитаси билан келишувга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама Республика комиссияси билан келишувга кўра тасдиқланадиган тавсияларни инобатга олиб, ноқулай меҳнат шaroитларига эга бўлган аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш чекланадиган айрим ишлар рўйхатини белгилашга ҳақли. Аёллар томонидан улар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июнда 865-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 1999 йил 24 декабрда ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 22 декабрда тасдиқланган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори ўз кучини йўқотган деб топилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли қароридан 2019 йил 1 майдан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқларни бекор қилиш, тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхатини тасдиқлашни амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланиб, ушбу соҳа ва касбларда аёллар ўз хоҳишларига кўра ишлашлари мумкин бўлади. Бу эса касб фаолиятини амалга оширишда аёлларга меҳнат соҳасида тенгликнинг таъминланишига хизмат қилади. Бироқ, шунга қарамастан бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 25-бобининг биринчи параграфида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар меҳнатидан фойдаланишга тақиқ қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мазкур рўйхатдаги ишлар ўзида меҳнат шaroити ноқулай бўлганлиги сабабли уларни қўшимча муҳофаза қилишни талаб қилади.

Амалиётдаги ходимларнинг берган тушунтиришига кўра аёллар меҳнатини тартибга солишнинг хусусияти сифатида аввало уларнинг алоҳида тоифаларга масалан, ишга қабул қилиш, иш вақтини белгилаш, дам олиш ва таътиллار каби турларга бўлиниши бўлса, иккинчидан меҳнат фаолиятини олиб бораётган аёлларнинг ҳам масалан, ёш болали, кўп болали, ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган аёл каби субъектларга ажратиб олиш зарурлиги билан белгиланади.

Бизнингча ҳам аёлларнинг меҳнат соҳасида ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашнинг мураккаблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, аёллар меҳнати, умуман меҳнат муносабатларига оид халқаро ҳужжатларнинг кенг қамровлиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро шартномалар устиворлигининг тан олинганлиги;

иккинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш устидан давлат назорати ва жамоатчилик назоратини таъминлаш жараёнида иш берувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик;

учинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга ваколатли давлат бошқаруви органларининг бу борадаги ваколатлари чегараси аниқлаштирилмаган;

тўртинчидан, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги бўшлиқлар ва оқ доғлар, коллизия нормаларнинг мавжудлиги, қонуности ҳужжатларининг миллий қонунга, миллий қонунчиликнинг эса халқаро қонунчиликдан фарқ қилиши, одатда бу миллий ҳуқуқ ижодкорлари томонидан ҳуқуқни айланиб ўтиш шаклида намоён бўлади;

бешинчидан, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг миллий ҳамда халқаро автоматлаштирилган тизимининг мавжуд эмаслиги, муружаатлар ҳалигача овозаки ва ёзма тарзда индивидуал юборилаётганлиги билан боғлиқдир.

Меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг бошқа соҳалардагига қараганда яна бир муҳим хусусияти борки, у ҳам бўлса, меҳнат қонунчилигининг иш вақти, таътиллари, танаффуслар ва масофавий ишлашни ташкил қилиш каби алоҳида институтларини такомиллаштириш орқали мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Бу борада тадқиқотчи Д.С.Абдуллаева хорижий давлатлар қонунчилигида сўнгги ўн йилликлар мобайнида турли хил мобил иш вақти режимлари қонунийлаштирилгани нафақат давлатнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича ҳамхўрлиги, балки ишсизлик муаммоларини, аёллар ва ёшлар орасида ҳал қилишда энг муҳим кафолат бўлганлигини таъкидлайди.

Бизнингча ҳам меҳнат муносабатларида ва аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда меҳнат кодексининг меҳнат шартномаси, кафолатли тўловлар, интизомий жазолар, ходимни ишдан четлатиш, ишлаб чиқариш таълими шартномаси, ишга жойлаштириш, ўриндошлик асосида ишловчи шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, вахта усулида ишлаш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби институтларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада меҳнат кодексимиздаги айрим баҳсли нормаларга тўхталиб ўтаемиз.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш асослари белгиланган. Ушбу модданинڭ иккинчи қисми иккинчи бандига мувофиқ технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлиниши), яқка тартибдаги тадбиркор ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга асос бўлади.

Мазкур асосга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга оид бир қанча талаблар мавжуд, жумладан, меҳнат кодексининг 164-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб олиш тартиби белгиланган. Ушбу модданинڭ учинчи қисмига мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарор ҳақида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли.

Фикримизча, ушбу янги механизмнинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор. Яъни, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раҳбари касал бўлиб қолиши ёки сайланган касаба уюшма қўмиталаридан бир нечаси бўлмаслиги сабабли қворумнинг йиғилмаслиги ёки корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раҳбарининг ўзаро келишуви билан тақдимнома касаба уюшма аъзоларига маълум қилинмаслиги каби ҳолатлар назарда тутилмаганлиги келгусида иш берувчи ва ходимларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Шу боис янги МКнинг 164-моддаси учинчи қисми қуйидаги мазмундаги қўшимча билан тўлдирилса, келажакда асоссиз равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ишга тиклаш тўғрисидаги низолар вужудга келишининг олди олинган бўлар эди:

“Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли, ушбу муддат узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган ҳолатлар бундан мустасно.”

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми иккинчи бандига мувофиқ меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишда албатта ходим қонунчиликда белгиланган муддатларда огоҳлантирилиши ва унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши, огоҳлантириш муддатлари ходимнинг хоҳишига кўра пуллик компенсациялар билан алмаштирилиши лозим.

Мазкур ҳолатларда муаммо шундаки, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ штатларнинг бир қисми қисқартирилиши ҳолатлари ҳам учраб туради аксарият ҳолларда бу мактабгача ва умумий таълим муассасалари фаолиятида кўпроқ учрайди. Шундай ҳолда, яъни ходим ишлаб турган штат бирлигининг ярми қисқартиришга тушса ходимга меҳнат кодексидан назарда тутилган кафолатларни бериш тартибига оидлик киритилмаган ва бу ўз ўрнида ваколатли органлар ва назорат қилувчи органлар фаолиятида ҳам ноаниқликни вужудга келтирмоқда ҳамда инсон ҳуқуқларини, шунингдек педагог ходимлар айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда мураккаблик келтириб чиқаради.

Бизнингча, Меҳнат кодексининг юқорида назарда тутилган кафолатлар билан боғлиқ қисмида ёки Олий суднинг пленум қароридан мазкур ҳолатга оидлик киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бунёдҷон ЭШОНҚУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akshatha Yadav., Naveen Kumar. The Role of Women in Today's Society: A Review // Journal of Research in Humanities and Social Science Volume 9. Issue 6 (2021)pp: 32-37
2. Абдуллаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш. 12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. Тошкент. 2021 й. -Б 96.
3. Кабайкина, О. В. Сущенко О. А. Трансформация роли женщины в современном обществе: в семье и на работе // Вестник Московского университета. Серия 18. Социология и политология. Vestnik Moskovskogo universiteta. Seria 18, Sociologia i politologia. 2017;23(3):140-155.
4. Мамлакатимиз хотин-қизлари учун муносиб шароит яратиб бериш – доимо эътиборимиз марказида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шайх Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6013>.
5. Прокуратура разъясняет. 2020 г. <https://gorodaldan.ru/prokuraturagazyasnyuet-13>.
6. Раҳмонова. У. Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият барқарор / <https://parliament.gov.uz/oz/articles/15447>. Саидов А.Х., Тиллабаев М.А. Конституция ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (ўзбек, инглиз ва рус тилларида). – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2023. – 126 б. (“Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” туркуми). -Б 5.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2023 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.03.2019 й., 07/19/4235/2727-сон.
10. <https://stat.sud.uz>.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИСИ СИФАТИДА МУТАХАССИСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноятни фош қилиш жараёнида мутахассиснинг асосий ҳуқуқлари, мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқлари ўртасидаги фарқлар, ҳуқуқшунос олимларнинг жиноят процессида ҳуқуқлар борасида айтган фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни таъминлаш зарурияти ва ишда иштирок этишига монелик қилувчи ҳолатлар келтириб ўтилган ҳамда назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мутахассис, эксперт, ҳуқуқ, ҳуқуқ ва мажбурият, тергов ҳаракатлари, мутахассиснинг мақоми, кўмаклашиш, далилларни тўплаш, қайд этиш, жиноят процесси.

Жиноятни фош қилиш жараёнида бошқа иштирокчиларда бўлгани каби, мутахассиснинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд. Ўз ўрнида мутахассис ўзининг ҳуқуқий мақомидан фойдаланиб олдиға кўйилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам юзага келади.

Мазкур муаммолар ҳақида ҳуқуқшунос Е.А.Семёновнинг фикрича, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир-бирига мос келади ва биргаликда ягона тизимни ташкил қилади. Ф.М.Мухитдиновга кўра эса, ҳуқуқ бу – ижтимоий қадрият ва у жамиятдаги кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади. Шу сабабдан, ҳуқуқнинг мазмуни, авваломбор мана шу муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг мажбурият ва бурчларида ўз аксини топади.

Г.В.Мальцевнинг фикрича, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими – ҳуқуқий соҳанинг мазмунидир, унда муаммоларга оид асосий ечимларнинг калити ётади.

Бизнингча, жиноят процессида ҳуқуқ бу – Конституция, жиноят-процессуал қонун ва умумэтироф этилган халқаро нормаларга асосан, жиноят процессида иштирок этувчи барча иштирокчиларнинг қатъий белгилаб кўйилган ҳаракатлардан тенг асосда фойдаланиш имкони, процессуал мажбурият эса, жиноят процесси иштирокчиларининг ўзларига берилган ҳуқуқ чегараларидан четга чиқмаслиги ва бажарилиши шарт бўлган ҳаракатлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Жиноят-процессуал кодексининг 70-моддасида мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари биринчи мартаба ўз аксини топди.

Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўпинча бир-бирига мос келади. Масалан, мутахассис тегишли махсус билимга эга бўлмаса, жиноят иши бўйича иш юритишда иштирок этишни рад қилишга ҳақли (70-модда биринчи қисми) бўлади. Айни вақтда, мутахассисга бундай ҳолларда ўзини ўзи рад қилиш (80-модда), ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишни рад этиш (78-модда биринчи қисми) мажбурияти юклатилган. Афсуски, бу-

гунги тергов амалиётида бу борада ҳар доим ҳам қонун талабларига амал қилинмоқда дея олмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 70-моддаси биринчи қисмида мутахассис ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш, тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш, ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш, ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш, тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар келтириш каби ҳуқуқларга эга.

Бундан ташқари, мутахассиснинг асосий ҳуқуқлари билан биргаликда исбот қилиш билан боғлиқ:

- ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш;
- исбот қилишда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш;
- далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши учун суриштирувчи, терговчи, судга далилларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлашда бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш;
- кўздан кечиришда суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратиши;
- мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда ҳолислар иштирокида кўздан кечирши,

зарур мутахассислар мавжуд бўлмаган ҳолатларда суриштирувчи ёки терговчига мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилишлари тўғрисида таклифлар киритиш;

● экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати тугилган ҳолларда гувоҳлантириш ўтказиш каби яна қатор ҳуқуқлари ҳам мавжуд.

Баъзи муаллифлар мутахассис ҳуқуқларининг доираси экспертники билан бир хил деб ҳисоблашади. Бизнинг фикримизча, эксперт ва мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, ишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолатлари турлича ҳисобланади. Жумладан, эксперт ўзи ўтказган тадқиқотлар натижаси ҳақида хулоса берса, мутахассис исбот қилиш жараёнида эксперт олдига саволлар қўйишда, далилларни тўплаш, қайд этиш ва расмийлаштириш каби ҳаракатларда ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга кўмаклашади. Мутахассис махсус билим ва кўникмалари доирасида исбот қилиш жараёнига жалб қилинса, эксперт ўзи эгаллаб турган касби юзасидан жиноят – процессуал тартибга асосан берилган саволларга тадқиқотлар ўтказиш орқали жавоб беради.

Жиноят процессида мутахассиснинг исбот қилиш жараёнидаги қуйидаги ҳуқуқлари таҳлили мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, ЖПК 70-моддаси биринчи қисмида мутахассис ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш ва процессуал ҳаракатларга алоқадор мулоҳазалар билдириш ҳуқуқига эга ва процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли.

Шунингдек, мутахассис ўзи иштирок этаётган тергов ҳаракатлари иштирокчиларига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсати билан ишга оид ҳақиқатни аниқлаш учун далилларни қидириб топиш мақсадида ишда иштирок этаётган шахсларга саволлар бериши мумкинлиги белгиланган. Мутахассис тергов ҳаракатида иштирок этиш учун жалб қилинганлиги сабабли, у берган саволлар унинг иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатнинг моҳиятига тегишли бўлиши керак. ЖПК 102-моддаси биринчи қисмида белгиланган ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмаслиги талаби мутахассис берадиган саволларга ҳам тааллуқлидир.

ЖПК 86-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, мутахассис исбот қилишга жалб этилиши мумкин, бунда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширади. Мазкур жараёнда мутахассис фикри ишни юритишга масъул бўлган шахс учун мажбурий тавсифга эга бўлмасда, терговнинг тўғри йўналишда амалга оширилишида аҳамиятли бўлиши мумкин.

ЖПК 91-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир

қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларини қўллашда мутахассис суриштирувчи, терговчи, судга кўмаклашиш ҳуқуқига эга. Бунда мутахассис ўзининг махсус билим ва кўникмаларидан фойдаланган ҳолда далилларни қайд этишда суриштирувчи, терговчи, судга кўмаклашади. Мазкур хатти-ҳаракатларни амалга оширишда тузилган баённомада қўлланилган усуллар қайд қилиб борилиши лозим.

ЖПК 92-моддаси биринчи ва учинчи қисмларига мувофиқ, далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлашда бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуққа асосан далилларни расмийлаштиришда мутахассис ўзи қатнашган тергов ҳаракатида аниқланган иш ҳолатлари тўғри киритилган ёки киритилмаганига ишонч ҳосил қилади. Агарда ўзи томонидан аниқланган ёки ўрганилган ҳолатлар қўлланилган ёрдамчи усуллар тўғрисида баённомада қайд этилмаган бўлса, бу ҳақда қўшимчалар киритади ёки тузатишлар киритишни илтимос қилади.

ЖПК 136-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ мутахассис зарур ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида уларнинг таклифига биноан қатнашиш ҳамда кўздан кечиришда суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқларга кўра, мутахассис кўздан кечириш ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда масъул шахс эътибор бериши керак бўлган объектлар ёки уларнинг хусусиятлари ҳақида айтиш орқали жиноятнинг очилиши, шунингдек жиноят содир этган шахснинг айбини фош этишга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

ЖПК талабларига мувофиқ, мутахассис кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда зарурат бўлган тақдирда иштирок этади.

Мутахассис мазкур тергов ҳаракатлари, жумладан кўздан кечириш (воқеа жойи, бино, теварак атроф ва бошқалар) жараёнида ўзи томонидан аниқланган иш учун аҳамиятли ҳолатлар, ашёвий далиллар, предметлар бўйича тергов ҳаракатини олиб бораётган субъектга ахборот беради ва уни баённомага киритишни сўрайди. Мурдани эксгумация қилиш жараёнида иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун бошқа мутахассислар зарур бўлса мазкур ҳолат ҳақида ишни юритаётган масъул ходимга маълумот беради ва керакли мутахассис иштирокида сифатли далиллар олинишини таъминлайди. Эксперимент тергов ҳаракати жараёнида, жумладан мураккаб эксперимент



ҳолатларида икки нафар мутахассис иштирок этиши-ни сўраши мумкин. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш ва олинган намуналарни экспертизага тақдим қилиш жараёнида керакли ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширади. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда тергов ҳаракатини амалга ошираётган субъектга исбот қилиш жараёнида керакли бўлган чораларни кўришга кўмаклашади.

ЖПК 160-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатларида ўзига маълум бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўйича арз қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, ушбу арз баённомага киритилади. Унда мутахассис томонидан тергов ҳаракати жараёнида аниқланган ноқонуний хатти-ҳаракатлар қайд этилади.

ЖПК 187¹-моддаси биринчи қисмида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини тафтиш қилишда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар, субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини текширишда ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ мутахассиснинг ҳуқуқлари, тафтиш ўтказиш пайтида текширилаётган субъектнинг худудини ва биноларини текшириш, унинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш, тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни ва материалларни талаб қилиб олиш, текширилаётган субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахсларидан, моддий жавобгар ходимларидан ҳамда бошқа ходимларидан тушунтиришлар олиш каби ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳуқуқлар тафтишнинг ҳар томонлама ўтказилишини ва натижалари ишончли бўлишини таъминлаш, қонун бузилиш ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этишга эришиш учун хизмат қилади. Демак, тафтиш қилишда махсус иқтисодий билимларга эга бўлган шахслар ишга мутахассис тариқасида жалб этилиши, ишга жалб қилинишининг асосий белгиси қобилиятини кўришимиз мумкин.

Тергов амалиёти таҳлил қилинганда, жиноят процессида ишда далилларни топиш, тўплаш, қайд этиш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳолатларда мутахассиснинг иштирокини ҳужжатлаштириш, жумладан, мутахассиснинг далилларни тадқиқ этиш натижаларини расмийлаштиришга оид аниқ қоидалар белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида, мутахассиснинг жиноят процессида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва бошқа шу соҳада фаолият кўрсатувчи ходимлар ўртасида мазкур тадқиқот иши доирасида ўтказилган сўровномада “мутахассиснинг процессуал мақоми белгиланиши билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?”, деган саволга респондентларнинг 90,25 % “мутахассиснинг мақоми тўлиқ белгиланмаган”, 88,81% “мутахассис фикри ҳақидаги қоидалар белгиланмаган”, 19,49 % “тафтишчининг ҳуқуқий мақоми тартибга солинмаган”, деб ўз муносабатини билдирган.

“Мутахассиснинг процессуал мақомини такомиллаштиришга зарурат борми?” деган саволга респондентларнинг 94,95 % “мутахассис мақоми батафсил белгиланиши керак”, 89,17 % “замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш керак”, 4,15 % “зарурат йўқ”, дея фикр билдиришган. Ижтимоий сўров натижаларидан ҳам кўриш мумкинки, ҳозирги кунда жиноят процесси иштирокчиси сифатида мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ белгиланмаганлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Шу боис бу борада тергов амалиётини чуқурроқ таҳлил қилган ҳолда жиноят процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг вазифалари, мутахассисни ишга жалб қилиш ва унинг иштирокини таъминлаш механизминини батафсил акс эттиришга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми такомиллаштириш, унинг исбот қилиш жараёнидаги ҳуқуқларининг кенгайтиши келгусида жиноят-процессуал муносабатларда мутахассиснинг ўрни ортиши унинг фикрларидан фойдаланиш, ҳақиқатни аниқлаш, жиноятни фош этиш ҳамда жиноят процессидаги вазифаларни тўлиқ амалга оширишга имкон беради. Бу эса, шахсларнинг жиноят-процессуал муносабатларда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шерзодбек АБДУВАҲОБОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдусаломов Ф.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари: Юрид.фан. номзоди илмий дар.олиш учун ёзилган диссертация – Т., 2008. – Б. 21.
2. Базарова Д.Б. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари: YRISPRUDENSIA ilmiy amaliy jurnal. 3-жилд, 3сон. Тошкент.-2022. Б.97. ISSN 2181-0958, Doi Journal 10.26739/2181-0958. URL:https://tadqiqot.uz/index.php/jurisprudence/article.
3. Гусев А.Н. Постатейный комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. — М., 2003. — С. 100.
4. Лицюк И.Т. Участие специалиста-криминалиста в предварительном следствии: дис.... канд. юрид. наук. — Львов, 1976. — С. 35-37; Новиков А.А. Институт специалиста в уголовном судопроизводстве России: дис ... канд. юрид. наук. — Калининград, 2007. — С. 73.
5. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: мохият, мазмун, шакл. Монография. Юрид.фан.доктори, Ўз. хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Абдумажидов Ф.А. таҳрири остида. Тошкент. – 2002. Б.32.
6. Мальцев Г.В. Права личности: юридическая норма и социальная действительность. Конституция СССР и правовое положение личности. М., 1979. С.50.
7. Орлов А.В. Конституционные нормы, обеспечивающие обвиняемому право на защиту в российском уголовном процессе: Дисс.... канд. юрид. наук. –Саратов: 2004. –С. 25.
8. Правовой статус и правовая регламентация участия специалиста в уголовном процессе: теоретические, процессуальные и организационные аспекты: монография / Е.А. Семенов, В.Ф. Васюков, А.Г. Волеводз; под редакцией А.Г. Волеводза. — Москва: МГИМО-Университет, 2020. — С., 13
9. Степашин С.В. Безопасность человека и общества. –СПб.: Питер, 1994. –Б.18.
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Тошкент. 1994 йил. 240-модда. 148-бет. URL: https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=01.04.1995%2000.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЖБУРИЙДИР!

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу ўта салмоқли кўрсаткич бўлиб, шу боис билимли ва интеллектуал баркамол ёш авлодни тарбиялаш, уларга барча ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа ҳисобланади. Юртимизда фарзандларимизнинг билим олишлари учун ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, ҳар кимнинг таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва давлатнинг бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши Ўзбекистон Республикаси янгиланган Конституциясининг 50-моддасида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида, ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги, таълим олувчи ўқув дастурлари асосида билим, маънавият ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши, педагог ходимларнинг топшиқларини бажаришга мажбур эканлиги белгиланган.

Ҳуқуқимиз томонидан юксак маънавиятли, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратилган бўлсада ёшларимиз орасида сабабсиз мактабга бормаслик ҳолатлари ачинарлидир.

Президентимиз 2024-йил 5-февраль куни ўтказилган ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида мактабларда оғриқли масалалардан бири бу — тарбия ва маънавият масаласи эканлигини қайд этиб ўтган эди.

Статистик маълумотларга кўра ўтган 2023 йилда вояга етмаганлар томонидан 3.5 мингта жиноят содир этилган. Шундан 2 минг 280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил этган, 50 мингта ўқувчи мактабга сабабсиз келмаётгани аниқланган.

Миллий гвардиянинг дастлабки ўрганишларида жорий йил 6-8 февраль кунлари дарсларга сабабсиз 188000 ўқувчи келмагани аниқланган. Вилоятлар бўйлаб олиб борилаётган манзилли ишлар доирасида туман ва маҳаллалар кесимида ҳар бир мактаб ўрганилмоқда ва унда дарсга келмаган 146 277 ўқувчидан 96708 нафари касал ва жавоб сўраганлар, 49569 нафари дарсга сабабсиз келмаганларни ташкил қилади.

Шу боис, таълим-тарбия борасидаги мажбуриятларини бажармаган 124 минг нафар ота-она расмий огоҳлантирилган, тўрт мингта яқинига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига кўра маъмурий чора кўрилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши ва болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиши жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Ота-оналар ўз фарзандига мактабга бормаслик, кўчада безорилик қилиш, сигарета чекиш ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишни тарғиб қилмайдилар. Аксинча, мактабда аъло баҳоларга ўқишни, келгусида бирор касб-ҳунарнинг эгаси бўлиши ёки олий маълумотли мутахассис бўлиши ҳақида ўқитиб келадилар. Минг афсуски, айрим ёшларимиз давлатимиз томонидан таълим соҳасида яратилаётган

кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига, мактабга сабабсиз бормасдан, ота-оналарининг гапига қулоқ солмасдан, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиш йўлига кирмоқдалар.

Илм ва унинг фазилатлари муқаддас динимизда ҳам ўз аксини топган. “Илм” сўзи луғатда “билиш, англаб, тушунча ҳосил қилиш, бир нарсанинг ҳақиқатини, моҳиятини билиш” каби маъноларни англатади. Шунинг учун Исломуламулари илмга “ҳақиқатни худди воқеалиқдагидек идрок қилиш илмдир” деб таъриф беришган. Бунинг маъноси шуки, олинган маълумот бир нарсанинг асл моҳиятини тўғри англашгагина, ундан дунё ва охиратимизга манфаат ҳосил бўлсагина чинакам илм ҳисобланади.

Кишилик ҳаётимизни илмсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қуръони каримда ҳам илм сўзи ва унинг шаклдошлари 811 жойда зикр қилинган. Бу эса Аллоҳ таолонинг наздида илмнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в.га биринчи тушган оят “Иқро” бўлиб, “Ўқинг” дегандир. Бу ўқиш, ёзиш ва фикр юритиш учун очиқ эшиқдир. Буйруқдир, мажбуриятдир. Пайғамбаримиз илм ўрганиш ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарз эканлигини буюриб, уларни илмни қўлидан келганича ҳар доим излашга ундаганлар.

Қуръони каримнинг “Мужодала” сураси, 11-оят “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража мартабаларга кўтарур” деб, бошланган бўлиб, мазкур оятда иймон сўзи илмдан муқаддам келтирилган. Бу эса иймон ва илм бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, илм олишдан мақсад жамиятнинг тараққиёти ва охират саодати экани, иймонсиз илм эса инсониятга зарардан бошқа нарса келтирмаслиги баён қилинган.

“Билим бахт келтирар”, “Билим – кучда, куч – билимда”, “Билимлига дунё ёруғ, билимсизга – қоронғу”, “Бахт белгиси – билим”, “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни”, “Илмли олар, илмсиз олдирад” каби халқ мақолларида ҳам илм улуғланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тарбияли ва билимли йигит-қизлар оиланинг, қариндош уруғларнинг ва маҳалланинг, жамиятнинг кўркидир.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган ҳар бир ёш мактабга бориши ва ўрта таълим олиши мажбурий бўлиб, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар эса ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Шерзод Икромов,

Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчиси, ю.ф.б.ф.д (PhD), подполковник.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “ГВАРДИЯ” Ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий газета № 11.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни www.lex.uz

КОСМЕТОЛОГИК ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ОИД ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада косметология соҳасининг ривожу, тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган косметологик хизматларни тартибга солишнинг фуқаролик ҳуқуқий асослари ва косметологик хизмат кўрсатишга оид шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва алоҳида жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “тиббий хизмат”, “тиббий ёрдам” тушунчалари, косметологик тиббий хизматлар, Клеопатра, экспериментал тиббий технологиялар ва техника воситалари, косметологик тиббий хизматларнинг концепцияси.

Косметологик тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва унинг техника воситалари билан етарли даражада таъминланганлиги умумий соғлиқни сақлаш тизимининг нормал фаолият кўрсатишини таъминловчи омил ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, замонавий тиббий хизматлар бозори аҳолининг узоқ умр кўриши, сиҳат-саломатлигини яшилаши ва бошқа таъсир кўрсатувчи юқори сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Тиббий ёрдам ва тиббий хизмат тушунчалари кўпинча бир-бирига ўхшашдек кўринса-да, фарқли хусусиятларига ҳам эга. Халқаро меъёрий ҳужжатларда “тиббий ёрдам” ва “тиббий хизмат” атамаларининг иккаласи ҳам қўлланилади.

Тадқиқотчи З.В.Каменова ўз тадқиқотида тиббий хизмат, тиббий ёрдам тушунчаларига аниқ таъриф ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида таклифни беради. “Тиббий хизмат инсон фаолиятининг маълум бир тури сифатида таҳлил қилинади. Тиббий фаолият объектини белгилаб бериш ва тиббий ёрдамнинг мақсад ва вазифаларини кўриб чиқиши керак. Улар асосида тиббий хизмат кўрсатиш тамойили “тиббий ёрдам” ва “фуқароларнинг ҳуқуқлари” тушунчаларининг таърифларини шакллантириш шарт”. Косметологик тиббий хизмат кўрсатиш масаласига ҳам айнан шундай аниқ таъриф ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузишда тиббиёт соҳаси билан шартномавий муносабатлари кесишган қисми учун чегарани аниқ белгилаш асосида таъриф ишлаб чиқиш керак.

Юқорида қайд қилинган омиллар туфайли аҳолининг катта қисми косметология хизматларига эҳтиёж сезади. Барча хизмат кўрсатиш соҳалари тури ва бажарилаётган хизматлар барқарор ўсиб бормоқда. Аммо мазкур тизимда фаолият турини тартибга солувчи қонунчилик етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини қайд этиш лозим.

Қонунчиликда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бир қанча талаблар мавжуд. Аммо, косметологик тиббий хизмат кўрсатиш учун мавжуд миллий нормаларда бўшлиқлар бор. Шу нуқтаи назардан косметологик тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий шартномавий асосларини ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

“Косметика” атамаси қадимги юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, “буюртма бериш ёки безаш” деган маънони англатади, тана ва гўзалликни парвариш қилишни англатади. Бу инсон танасининг гўзаллигини сақлаш, тиклаш ва яшилашни ўз ичига олади. Косметиканинг биринчи белгиси миллоддан аввалги 10 мингинчи йилга тўғри келади. Мезолит одамлари терини юмшатиш учун мой ва кастор ёғини суртган. Улар ўсимлик бўёқлари билан татуировкалар қилишган. Тахминан 7000 йил аввал (миллоддан аввалги 3000 йил) Миср пергаментида терини тинчлантириш ва ажинларни камайтириш учун кремлардан фойдаланилганлиги тасвирланган. Тарихий манбаларда “Қадимги Шарқда эркалар соч ва соқолларига мой суртишган. Аёл-

лар кўз бўёқлари, роуге, пудралар ва малҳамлардан фойдаланганлар. Миллоддан аввалги 50-йилларда Клеопатра нафақат гўзаллик, балки косметикадан интенсив фойдаланиш билан ҳам машҳур эди” дейилади. Демак, косметика ва косметология хизматларининг кўрсатилиши биз ўйлаганимиздан ҳам қадимийроқ.

Косметология хизматлари умумий тиббий хизмат кўрсатиш нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади. МДҲ мамлакатларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг мукамал эмаслиги, асосий нормаларнинг умумий аҳамият касб этишини инобатга олиб, мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш механизми зарурлигини англашимиз мумкин. Косметология хизматларининг ўзига хос хусусиятлари шуки, у бошқа тиббий хизмат турларидан фарқли равишда ҳуқуқий тартибга солиш учун алоҳида ёндашув талаб қилади. Чунки, косметология хизматлари барча тиббий хизматлар каби номоддий хизматлар тоифасига киради.

Кўпчилик тадқиқотчилар тиббий хизматлар даволаш ва саломатликни мустаҳкамлашга қаратилганлигини таъкидлашади ва косметология хизматлари инсоннинг ташқи қиёфасини яшилаш учун қилинган тиббий ҳаракат эканлигини қайд этишади. Тиббий ва косметология хизматларининг умумий тиббий хусусияти ҳар иккаласи ҳам саломатликка алоқадор. Бироқ, тиббий хизматларнинг вақтида кўрсатилмаслиги инсоннинг вафотига олиб келиши мумкин. Косметология хизматлари асосан тананинг ёш кўриниши ёки ташқи кўринишни чиройли қилиш билан боғлиқ.

Косметология ва бошқа тиббий хизматларнинг белгиланган талабларга жавоб бермасдан бажарилиши, тиббиёт ходимларида тегишли малаканинг етишмаслиги ва тиббий хизматга мурожаат қилган шахс (бемор)да тўлиқ тиббий кўриқдан ўтмасдан тиббиёт амалиётини бошлаш оқибатида бахтсиз ҳодиса ёки ўлимнинг қайд қилиниши ҳолатлари айни ҳақиқат.

Тиббиёт соҳасида мутахассис бўлмаган истеъмолчилар косметологларга мурожаат қилганларида хизматнинг сифатига ишоняшади, шунингдек, улар кўпинча кейинги хавф-хатарларни англашмайди. Кундалик амалиёт шуни кўрсатадики, косметологларга мурожаат қилингандан кейин тиббий хизмат кўрсатиш вақтида соғлом бўлган шахсдан саломатлигининг умрбод йўқотилиши ва бошқа катта хавф-хатарлар кузатилади. Тиббиётда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалар сингари косметика йўналишида ҳам мавжудлиги ва унинг норма ижодқорлиги билан тартибга солилмаганлиги бир қатор муаммоларни пайдо қилмоқда.

Тадқиқотчи Е.А.Шоломнинг фикрича “Косметологияда хизматларнинг янгилиги туфайли рўйхатдан ўтмаган экспериментал тиббий технологиялар ва техникалар тиббиётнинг бошқа соҳаларига қараганда анча тез-тез қўлланилади; косметология хизматлари кўпинча лицензияга эга бўлмаган ташкилотлар ва тадбиркорлар,

шунингдек, индивидуал косметология хизматлари томонидан тақдим этилади. Одатда сартарошлик ва гўзаллик салонларида хизматлар тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар томонидан белгиланган санитарияга зид шароитларда амалга оширилади". Бундан ташқари, косметологларни малака синовидан ўтказиш ва ўқитишга қўйиладиган талаблар, шунингдек, лицензия олишнинг бошқа қонуний талаблари аниқ белгиланмаган. Аҳамиятли томони белгиланган мавжуд талаблар ҳам амалда кўпинча бажарилмайди. Демак, юзага келаётган муаммолар мазкур хизмат кўрсатиш соҳасида ягона стандартларнинг йўқлиги билан боғлиқ.

Косметологик тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида ҳам бошқа тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари каби тарафларнинг шартномадан аввалги жавобгарлик масаласини тадқиқ этиш лозим. В.И.Бояринова тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартнома имзоланишига қадар тарафлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларда низоли вазиятларга сабаб бўладиган қуйидаги омилларни санаб ўтади: "Биринчидан, жавобгарлик субъектлари шартномавий муносабатларда эмас беморга тиббий хизматлар кўрсатилишига қадар ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иккинчидан, тиббий хизматлар кўрсатиш, беморнинг тиббий ташкилотга муурожаат қилганлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш шартнома шартларини бажармаслик билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарлик шартномадан олдинги жавобгарлик учун асосдир. Учинчидан, зарарнинг бевосита сабаби шифокор ёки бошқа тиббиёт ходимининг касалликни даволашга мутахассислигининг мос келмаслиги ва тўртинчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасигача бўлган жавобгарлик, йўқотишлар бўлган тақдирда маънавий зарар юзага келиши". Косметологик тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси имзоланишида юқорида қайд қилинган омиллар тарафлар ўртасида низога сабаб бўладиган, мавжуд суд амалиётларида тарафлар томонидан вазифа келтириладиган айрим даъво талабларига мос келади. Чунки, косметологик тиббий амалиёт хорижий мамлакатда қилинганида тиббий хизмат кўрсатиш шартномасида кўзда тутилмаган айрим моддий аҳвол билан боғлиқ жиҳатларнинг вужудга келиши, тиббий ташкилот томонидан ўкибу турдаги косметологик амалиётнинг муваффақиятли амалга оширилишидан кейин реклама сифатида фойдаланилиши, тиббий хизмат кўрсатувчи шифокорнинг малакаси етарли эмаслиги ва бошқа сабаблар туфайли косметологик тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси доирасида мазкур шартнома тарафларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари таъминланишига путур етиши мумкин.

Косметологик тиббий хизмат кўрсатишда АҚШда мазкур соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассислар икки гуруҳга бўлиниши ҳамда касбий фаолият олиб бориш учун аниқ талаблар ҳам ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин: АҚШда икки турдаги лицензиялар мавжуд ва улар бир қарашда ўхшашдир - косметологлар ва эстетиклар учун бу тушунчалар кўпинча бир хил иш йўналиш ҳисобланади. Аслида фарқлар мавжуд: косметолог лицензиясини тирноқ ва сочи парвариш қилиш бўйича мутахассис (косметологлар, маникюрчилар, сартарошлар, визажистлар - бўяниш бўйича мутахассислар) олади.

Эстетик лицензия мутахассисга тери билан ишлаш, эстетик муолажаларни амалга ошириш ва беморларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш учун турли усулларни, шу жумладан тиббий муолажаларни (масалан, ботокс инъекциялари) қўллаш учун асос беради. Бироқ, Марказий Осиё мамлакатларида асосан пардоз бериш, соч турмаклаш ва бошқа хизматлар инсоннинг юз соҳасида мураккаб жарроҳлик амалиётларининг шундай малака ва кўникмаларга эга бўлмаган шахслар томонидан бажарилиши ва бунинг ортидан салбий оқибатлар вужудга келаётганлиги сир эмас.

Юқоридаги фикрлар ва тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган косметологик хизматларни тартибга солишнинг шартномавий асосларининг илмий-назарий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, тиббиёт соҳаси таркибига кирувчи косметология хизматларини кўрсатиш соҳасида хизмат даврида етказилган зарарни қоплаш ва шундай муаммолар юзага келганда фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши шартларини ишлаб чиқиш лозим. Иккинчидан, косметологик тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ дори воситаларининг беморларга қўлланилиши, тавсия этилиши, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси доирасида етказилган зарарнинг миқдорини миждоз (бемор)га фуқаролик тартибидан қоплаш ва бошқа фуқаролик шартномавий масалалар қамраб олинган тегишли ўзгаришларни норма ижодкорлигига киритиш лозим. Учинчидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш доирасида косметология хизматларини кўрсатиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш ва мазкур таҳлиллар натижасини амалдаги норма ижодкорлигида акс эттириш мақсадга мувофиқ. Тўртинчидан, тиббиётда ҳақ эвазига косметология хизматлари кўрсатиш ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим ҳисобланади ва бешинчидан, ҳақ эвазига косметология хизматларини кўрсатиш шартномасининг муҳим ва бошқа шартларини шакллантириш ва амалиётга жорий қилиш керак.

Жамшид Абдуллаев,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Шабунова, В.Н. Барсуков. Тенденции демографического старения населения Российской Федерации и пути их преодоления // Проблемы развития территории. 2015. №1 (75). С. 76-87.
2. А.А.Сироткина. Договор оказания медицинских услуг: особенности правового регулирования. Специальность 12.00.03 - гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва - 2004. <https://www.dissercat.com/content/dogovor-okazaniya-meditsinskikh-uslug-osobennosti-pravovogo-regulirovaniya>.
3. В.И.Бояринова. Преддоговорные правоотношения при оказании медицинских услуг. Специальность 12.00.03 - гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Красноярск 2022. С-18. <https://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/167187>.
4. Е.А.Шолом. Договор возмездного оказания косметологических услуг. 12.00.03 гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2010. С-4.
5. З.В.Каменева. Проблемы реализации и защиты права граждан на медицинскую помощь. Специальность 12.00.03 - гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Белгород 2004. С- 16. <https://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/27446>.
6. Л.Бауманн. Косметическая дерматология. Принципы и практика. пер. с англ. под ред. д-ра мед. наук, проф. Н.Н. Потекаева. М.: МЕД пресс-информ, 2012. 688 с.
7. М.С.Гурьянов. Архипова Н.Н. К вопросу о совершенствовании косметологической помощи населению // Вестник РУДН. Серия: Медицина. 2010. №4. С. 194-196.
8. Mauro Piras, Paola Delbon, Adelaide Conti, Vincenzo Graziano, Emanuele Capasso, Massimo Niola, and Paola Bin. Cosmetic surgery: medicolegal considerations. Open Med (Wars). 2016; 11(1): 327-329. Published online 2016 Aug 12. doi: 10.1515/med-2016-0044.
9. Н.К.Блина. Правовые проблемы оказания медицинских услуг. Специальность: 12.00.03 - гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Волгоград - 2006. С-15. <https://www.dissercat.com/content/pravovyye-problemy-okazaniya-meditsinskikh-uslug>.
10. Stepanovs, J. (1999). Skin Saver Remedies. Australia: Harald W. Tietze Publishing
11. Cosmetic Creams: Development, Manufacture and Marketing of Effective Skin Care Products, First Edition. Wilfried Rähse. 2020 Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA. Published 2020 by Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA.
12. https://www.researchgate.net/publication/340123617_Aspects_of_legal_regulation_of_the_provision_of_medical_services.
13. <https://rusrek.com/news/immigraciya-v-ssha/kak-stat-kosmetologom-v-ssha/>.



БИТИМЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШДА ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг битимлар тузиш орқали ўзаро алоқаларга, иқтисодий-молиявий муносабатларга киришиши ҳолати кескин ошиб бораётганлиги ўз-ўзидан битимлар билан боғлиқ низоларнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ва юридик шахслар, инсофли эгалловчилар ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, мулк дахлсизлиги ва фуқаролар осойишталиги, тинч-тотувлигини таъминлаш катта аҳамият касб этиб, бу давлатнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири бу — мол-мулкни битимлар асосида қўлга киритишдир. Демак, инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гапиришдан аввал инсофли эгалловчи тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

Тарихга назар соладиган бўлсак, Рим ҳуқуқида ҳам инсофли эгалловчи тушунчаси мавжуд бўлиб, ундан мол-мулкни виндикацион даъво бўйича талаб қилиб олиш мумкин эди. Бу эса савдода ишончсизликни келтириб чиқарган. Сотиб олувчининг сотувчи мулкнинг асл эгаси бўлганлигига ишонч ҳосил қилиши қийин кечган. Бирор бир шахснинг бу мулкнинг эгаси эканлигига даъво қилиб ва уни қайтариб олиш эҳтимоли доимо сақланиб қолган. Қадимги Германияда эса инсофли эгалловчидан фақатгина мулкдорнинг иродасига хилоф равишда унинг эгаллигидан чиқиб кетган, яъни ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган мол-мулк қайтариб олиниши мумкин бўлган. Австралияда 1857 йилдан кўчмас мулк соҳасида реестр юритилиши жорий қилиниб, инсофли эгалловчи шу реестрдаги маълумотларга асосланиб сотиб олган мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин бўлмаган. Бундай ҳолларда давлат дастлабки мулкдорга зарарнинг ўрнини қоплаб бериб, бу зарарни кейинчалик регресс тартибида айбдор шахслардан ундириб олган. Бу амалиёт энг тўғри йўл бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда “Торренс тизими” сифатида дунёнинг кўпгина давлатларига ёйилган.

Қонунда инсофли ва инсофсиз эгалловчи тушунчаларига қуйидагича таъриф берилган, “Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли”.

Ҳуқуқшунослар Х.Раҳмонқулов ва О.Оқюлов “Шундай эгалликка олишни инсофли деб ҳисоблаш мумкинки, унда олувчида мол-мулкнинг бегоналаштирилиши билан боғлиқ битимнинг ноқонунийлиги тўғрисида ишончли маълумотлар бўлмайди (билмаган), айнаи чоғда бу битимнинг қонунийлигига битим тузилаётган шарт-шароит орқали фуқаролик муносабатида иштирок этаётган ҳар қандай оқил инсонда шубҳа туғилиши мумкин эмаслиги очиқ ойдин кўриниб турган (билиш мумкин бўлмаган) ҳолат муштарак келади. Мол-мулкнинг номутаносиб

даражада арзон нархда битим асосида олиниши ва бу битимнинг атрофдагилардан яширин ҳолда бажарилиши ёки аввал бегоналаштираётган шахсга тегишли эмаслиги аниқ кўриниб турган мол-мулкнинг эгаликка олиниши ва ҳоказолар ноинсоф, деб тавсифланиши лозим” -деб ёзади.

И.Б.Зокировнинг фикрича, “Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриқонуний ўтганлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган мулкдор тушунилади”.

Демак, айтиш мумкинки, битим иштирокчисининг ҳаракатларига баҳо бериш ва унинг инсофли эгалловчи эканлигини аниқлаш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар фикримизча қуйидаги уч ҳолатни инобатга олиши шарт;

биринчидан, инсофли эгалловчи мол-мулкни уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олган ва битим тузиш пайтида шахснинг мол-мулкни бериш ҳуқуқига эга эмаслигини билмаганлиги ва билиши мумкин бўлмаганлиги муҳим бўлиб, кейинчалик шахснинг мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмаслигини билганлиги аҳамиятга эга эмас; иккинчидан, мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга мулкдор томонидан ўз хоҳиши билан топширилган бўлиши керак;

учинчидан, даъвогар суд жараёнида шахснинг инсофсиз эгалловчи эканлигини исботлаб бермагунча у инсофли эгалловчи ҳисобланади.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг муаммоли масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки, битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари бўлиб, бу ҳаракатларда ҳар доим ҳам битим иштирокчилари инсоф билан ҳаракат қилади деб бўлмайди.

Шундай ҳолатларда яъни, битим тузишда тарафлардан бири инсофсизлик билан ҳаракат қилганда ёки ҳуқуқни суи-исътемом қилганда ва шу иштирокчи томонидан судга битимни ҳақиқий эмас деб топиш, унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида даъво аризаси топширилганда суд бу масалани қандай ҳал қилиши лозим?

Фикримизча, айнан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 9 ва 229-моддаларига таянган ҳолда энг аввало битим тарафлари ёки манфаатдор шахсларнинг инсофли

ёки инсофсиз шахс эканлигини, иштирокчи ҳуқуқни суистеъ-мол қилган ёки қилмаганлигини, у ҳалоллик тамойилига риоя қилган ёки қилмаганлигини аниқлаш энг муҳим масала ҳисобланади, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишга замин яратади.

Қонунчиликда бирор бир шахснинг инсофсизлик, адолат-сизлик билан ҳаракат қилганлиги ёки унинг ўз ҳуқуқини суистеъмол қилганлиги исботланмагунча у тўғри ҳаракат қилган деб ҳисобланади. Қонундаги инсофли эгалловчи, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиш, ҳалол эғалик қилиш, ҳуқуқни суистеъмол қилиш каби тушунчалар фикримизча фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, айтилик битим тарафларининг ҳаракатларини баҳолаш учун мезон сифатида қаралади. Бундай нормалар ФКнинг 584, 829, 952, 1022-моддаларида ҳам қайд қилинган. ФКнинг 5-моддасига кўра, кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўл-маса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳуж-жатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги) га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда мол-мулклар ёки бошқа ашёлар, қимматликлар бир нечта битимлар орқали учинчи шахсларга сотилиб кетганидан кейин битим тарафларидан бири ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан дастлабки битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида судларга даъво ариза топши-рилади.

Айтиш мумкинки, бундай ҳолларда кўпинча мулкдорнинг ёки бошқа манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дастлабки битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш эҳтимоли жуда юқори. Бизнинг фикримизча бу юқорида қайд қилинган қонунларнинг умумий негизига ва ҳалоллик, инсофлилик, оқиллик ҳамда адолат тамойилларига зид. Қонундаги инсофли эгалловчи ту-шунчасига берилган таъриф ҳам уни суд амалиётида қўллашда қийинчилик туғдирмоқда. Бунинг учун аввало қонунда инсоф-ли эгалловчи тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ФК 229-моддасини қуйидаги янги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

“Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мулкдор бу мол-мулкни уни олган шахсдан фақат-гина мол-мулк мулкдор томонидан ёки эғалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эғалигидан чиқиб кетган ҳолларда талаб қилиб олишга ҳақли.

Инсофли эгалловчи суднинг қонуний кучга кирган қарори билан мол-мулк мулкдор томонидан ёки эғалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилганлиги ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланганли-ги ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эғалигидан чиқиб кетганлигини аниқланмагунча ҳақ тўлаб олинган бу мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

Дастлабки мулкдорнинг инсофли эгалловчидан ўз мол-мулк-ини талаб қилишга асоси бўлмаган ҳолларда у мол-мулкни

бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ўзига ет-казилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгилан-ган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг бир-ринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олиш-га йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас”.

Қайд қилинганларни умумлаштириб, муаммоларнинг ечи-ми сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар то-монидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сонли қарорини янги таҳрир-да қабул қилиш, унда инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида банд киритиш, ҳуқуқни суи-истеъмол қилувчи ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган қатъий нормалар киритиш таклиф қилинади. Қарорда албат-та, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар сотиб олувчилар ФК 229-моддасига кўра инсофли эгал-ловчи ҳисобланишини барча манфаатдор шахсларни жалб қилган ҳолда аниқлашлари лозимлиги, агар биринчи ёки ундан кейинги сотиб олувчилар инсофли эгалловчи бўлган ҳоллар-да низоли битимлар ҳақиқий эмас деб топилмаслиги, ўз-ўзи-дан ҳақиқий бўлмаган дастлабки битим оқибатлари уларга нисбатан қўлланмаслиги кераклиги, бундай ҳолда даъвогар ўз ҳуқуқларини ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари-дан, масалан зарарни ундириш усулидан фойдаланган ҳолда тиклаш имкониятига эга эканлиги, битим иштирокчиси ҳуқуқни суистеъмол қилиб, битимнинг ҳақиқий эмас деб топилшидан ёки унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланишидан моддий манфаат кўриш мақсадида фойдаланмоқчи бўлган ҳолларда ҳам бундай даъво талабларини қаноатлантириш рад этилиши кераклиги, агар битимда унинг ҳақиқий эмаслиги белгилари мавжуд бўлиб, бу битим бирор бир шахснинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳақиқатда бузган ҳоллардагина битим ҳақиқий эмас деб топилиши лозимлиги, шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш бошқа ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларнинг кўпроқ бузилишига олиб келмаса бузилган ҳуқуқ бу усулда ҳимоя қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фахриддин БАХРОНОВ,

*Кармана туманлараро
иқтисодий суди судьяси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи 1 қисм. Тошкент. 2009 й. 611 б. ТДҶОИ нашриёти. 448-б. www.ziyouz.com.
2. Х.Р.Раҳмонқулов, О.О.Оқюлов таҳрири остида. Тошкент. “Век-тор-пресс” 2010. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига малакали шарҳлар китоби.
3. Электрон ресурс. Wikipedia.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

ФУҚАРОЛИК-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар масаласи кўп йиллар давомида миллий ва хорижий давлатлар олимларининг диққат марказида бўлиб келган. Мазкур мақолада фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: *фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар, одил судлов, ишда иштирок этувчи шахслар, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, моддий-ҳуқуқий нормалар, процессуал-ҳуқуқий нормалар.*

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар доирасида кўриладиган масалаларнинг мураккаблиги шундаки, унда бир нечта ҳуқуқий институтлар доирасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар уйғунликда кўриб чиқилади.

“Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар” тушунчаси биринчи марта немис процессуалист олими Оскар Бюлов томонидан XIX асрда таклиф этилган. Унинг таъкидлашича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий хусусиятларга эга одатий мажбуриятли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади, унда суд ҳамда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Ушбу муносабатлар фуқаролик процесси босқичлари бўйича аста-секин ривожланиб борадиган бир неча субъектлар билан ягона ҳуқуқий муносабат кўринишида кўриб чиқилади.

О.Бюловнинг гоёсига танқидий муносабат билдирганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, рус олими Г.А.Нефедьев ушбу муносабатларни “маъмурий муносабатлар” сифатида талқин этади.

Ҳуқуқшунос олимларимиздан Э.Эгамбердиев фуқаролик процессуал муносабатларсиз фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириб бўлмайди, дея куйидаги таърифни беради: “Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар – бу шахсларнинг бузилган шахсий ва мулкӣй характердаги субъектив ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини процессуал қонунчиликда белгилаб кўйилган тартибда суд орқали ҳимоя қилиш ва суд ишларини юритишнинг олдида турган мақсадга эришишга йўналтирилган процесснинг босқичларига қараб бир-бири билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланиб борадиган бир қатор оддий ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборат муносабатлардир”.

Профессор М.М.Мамасидиқов фуқаролик иши бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида суд ва процесс иштирокчилари ўртасида фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар юзага келиши ва ривожланишини таъкидлаган ҳолда, мазкур муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинганлиги учун ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар эканлигини исботлаган ва фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг белгилари сифатида унинг бир қанча хусусиятларини келтириб ўтади:

1) фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар моддий-ҳуқуқий муносабатлардан (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер ва бошқалар) субъектлик доираси, тартибга солиш предмети ва юридик фактлари билан фарқланади:

а) субъектлик доираси бўйича фарқи шундан иборатки, моддий-ҳуқуқий муносабатларда субъектлар ўртасида муносабатлар тенглик асосида пайдо бўлади ва унда суд субъект сифатида иштирок этмайди. Процессуал ҳуқуқий муносабатларда эса суд бошқарувчилик ваколатларга эга ва унинг қарши томони

сифатида субъектлар сонининг кўплилиги билан ҳуқуқий алоқани вужудга келтириш учун киришади;

б) тартибга солиш предмети бўйича фарқи шундаки, моддий ҳуқуқий муносабатлар тарафларнинг фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер ва бошқа муносабатларда хатти-ҳаракатларни тартибга солади, процессуал ҳуқуқий муносабатларда эса фуқаролик ишлари бўйича одил судни амалга ошириш соҳасидаги хатти-ҳаракатларни тартибга солади;

в) юридик фактлар бўйича фарқи шундаки, процессуал ҳуқуқий муносабатлар учун улар процессуал ҳаракатлар кўринишида намоён бўлса, моддий ҳуқуқий муносабатларда муайян ҳуқуқ соҳасида белгиланган фактлар ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган фарқлар моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий муносабатларни ажратиб қўйиш учун асос бўлмайди. Чунки, моддий-ҳуқуқий муносабат фуқаролик процесси объектининг маълум бир қисми ҳисобланади;

2) процессуал-ҳуқуқий муносабати ҳар бир элементининг асосий ва мажбурий субъекти суд ҳисобланади. Суд муайян бир иш бўйича процессни бошқаради, у барча иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилишини таъминлаш орқали қонуний қарорларни чиқаради;

3) фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда суд билан бир қаторда асосий субъектлар сифатида фуқаролик ишларни ариза орқали қўзғатадиган шахслар ҳам бор. Ишда иштирок этувчи шахслар ўз хоҳиш-иродасини даъво аризаси, шикоятни бериш ҳуқуқи ва бошқа кўринишларда амалга оширади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари юридик адабиётларда асосан учта гуруҳга бўлинади: 1) суд; 2) ишда иштирок этувчи шахслар; 3) одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар;

4) фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг бир қатор алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилиши натижасида келиб чиқади. Ҳар бир процессуал ҳаракат тегишли ҳуқуқ ва (ёки) мажбуриятни амалга ошириш, шу билан бирга ушбу ҳаракат янги процессуал ҳуқуқ ва (ёки) мажбуриятнинг вужудга келишига асос бўлади. Масалан, даъво аризасини бериш, ўз навбатида суднинг ишни кўриб чиқиш учун асос бўлган юридик факт ҳисобланади, суднинг иккинчи тарафга унинг мажбуриятлари тўғрисидаги хабарларни беришга, ишга тайёргарлик кўришга, ишни кўриб чиқишни тайинлаш ва бошқаларга олиб келади;

5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳар қандай процессуал ҳаракати нафақат суд учун, балки ишда иштирок этувчи барча шахсларнинг процессуал ҳолатларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам процессуал ҳуқуқий муносабатлар унда иштирок этувчи барча шахсларни бир-бирларига боғлайди.

Процессуалист олим С.А.Якубов фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тушунчасидан кўра, фуқаролик ишларини кўришда барча инстанцияларнинг мақсади фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, ташкилотларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди.

Бу борада профессор З.Н.Эсанова процессуал ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киритади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, ушбу муносабатларга муаллифлик таърифини беришга уриниб кўрамиз: "Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар – бу фуқаролик процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинадиган, процессда суд ва бошқа иштирокчилар ўртасида одил судловни амалга ошириш борасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларини қабул қилиш ҳамда ижрога қаратиш, шунингдек қонунда белгиланган тартибда суд қарорларини текшириш ва ўрганиб чиқишга оид муносабатлар тизимидир".

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тизими асосий, қўшимча ва ёрдамчи процессуал ҳуқуқий муносабатларга бўлинади.

Асосий фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларсиз муайян иш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш мумкин эмас. Масалан, ишни кўришда суд билан даъвогар, суд билан жавобгар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар каби.

Қўшимча фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда айрим ишлар бўйича ушбу субъект иштирок этса, бошқа муносабатларда у иштирок этмаслиги мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 50-моддасидаги "Суд процессида прокурорнинг иштироки", ФПКнинг 52-моддасидаги "Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг процессда иштирок этиши" кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ёрдамчи фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар суд ва хизмат билан боғлиқ бўлган ёрдамчи вазифани бажарувчи гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимонлар билан ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Бизнингча, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ҳуқуқ муносабатлар билан алоқадорлигини моддий-ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлик ва процессуал-ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлик каби иккита гуруҳга ажратиш зарур.

Моддий – ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги асосан фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер, иқтисодий, жиноят, конституциявий, маъмурий, халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатлари билан алоқадорликда намоён бўлади. Хусусан, фақат суднинг қарори билан фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилиши, унинг муомала лаёқати чекланиши ва фуқаро бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар йўналишида вужудга келадиган низолар фуқаролик процессида аниқлаштирилади.

Меҳнатга оид ёки иқтисодий ҳуқуқий муносабатларда вужудга келадиган низолар ҳам фуқаролик процессида ўз ечимини топади.

Фуқаролик суд ишини юритиш вақтида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳаракатларида жиноий-ҳуқуқий белгиларининг намоён бўлиши ўз навбатида мазкур муносабатлар жиноят қонунчилиги билан тартибга солинади. Масалан, гувоҳнинг ёлгон гувоҳлик ёки экспертнинг

била туриб ёлгон хулоса бериши, таржимоннинг бида туриб нотўғри таржима қилиши ва бошқалар.

Мазкур жараённинг халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементи мавжуд бўлса намоён бўлади. Жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъекти чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, ҳуқуқий муносабат чет элда содир этилган бўлса ёхуд низо предмети чет элда жойлашган бўлса халқаро хусусий ҳуқуқ методлари орқали тартибга солинади (ташқи иқтисодий шартномаларни бажариш юзасидан вужудга келган низоларни ҳал этиш).

Процессуал – ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги уларнинг иш юритиш шакли ва принципларининг ўхшашлигида намоён бўлади. Хусусан, жиноят, маъмурий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суд ишини юритишда қонун ва суд олдида шахсларнинг тенглиги, судларнинг мустақиллиги, суднинг ошқоралиги, суд ишлари юритиладиган тил, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд қарорларининг ҳамма учун мажбурийлиги каби.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар тизимида ўзига хос ўринга эга. Инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари ёки бошқа учинчи шахслар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида тўсиқларга учраши ёхуд бузилиши одил судлов орқали ҳимояланади ва тикланади. Шунингдек, ушбу жараённинг бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, фуқаролик процессининг бир нечта ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келадиган аралаш ҳуқуқий муносабатлар уйғунлигида кўриб чиқилиши, яъни моддий-ҳуқуқий ва процессуал ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадорлиги одил судловнинг тўла-тўқис амалга оширилишига хизмат қилади.

Мажид НАБИЕВ,

иқтисодий ишлар бўйича

Бекобод туманлараро суди раиси,

Айбек ГАНИБАЕВ,

иқтисодий ишлар бўйича

Бекобод туманлараро суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданский процесс. Учебник. Издание третье, переработанное и дополненное / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. – М., 2001. – С. 47; Яков В.В. Гражданский процесс. Учебник. 6-е изд. перераб. и доп. – М., 2006. – С. 53; Гражданское процессуальное право России. Учебник. Под ред. Л.В.Тумановой, П.В.Алексия, Н.Д.Амаглобели. – 4-е изд., перераб. и доп. – М., 2009. – С.53.
2. Мамасиддиқов М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (дарслик) – Т., 2022. "Адолат". – 55 б.
3. Нефедьев Г.А. К учению о сущности гражданского процесса. Казань. 1871 г.
4. Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар (ўқув қўлланма) – Т., 2000. "Адолат". – 7 б.
5. Эсанова З. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (дарслик) – Т., 2022. "Yuridik adabiyotlar Publish". – 78 б.
6. Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. – Тошкент.: Адолат. 2000. – 64 б; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент.: Адолат. 2001. – Б. 48-49; Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., профессора, заслуженного деятеля науки РФ М.К.Треушниковой. – М.: Юриспруденция. 2001. – С. 37; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / дарслик. – Тошкент.: 2010. – 91 б.
7. Якубов С.А. Предмет судебной деятельности по гражданским делам. – Т., 2009. – С. 48.



ОДАМ САВДОСИ – ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЖИРКАНЧ ИЛЛАТИ

Инсон—олий мавжудот. Биз инсон деганда, энг аввало ота-онамиз, устозлар, фарзандлару ёру дўстларни тушунамиз. Уларнинг борлиги ҳаётимиз мазмунидир.

Минг афсуски, тараққиёт ўзининг энг юкори чўққисига кўтарилгани сари жамиятимиздаги айрим қўштирноқ ичидаги одамларнинг онг ва маънавиятсизлиги ўзининг энг тубан ва жирканч нуқтасига яқинлашиб, ҳатто ўтиб ҳам кетмоқда. Бундай салбий даражадаги баҳога лойиқлар инсон дейишга ҳам арзишмайди. Чунки бундай тоифадагиларнинг маънавият ва инсонийлик даражаси бўлганида улар инсонга “товар” сифатида қарашмаган, бозорда сотиладиган маҳсулот каби жамиятнинг энг олий ва бебаҳо мавжудоти - инсонни бошқаларга пуллашмаган бўлар эди.

Одам савдоси иллоти нафақат мамлакатимизни, балки жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммоларидан биридир. Меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабих ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда.

Дунёдаги барча мамлакатлар одам савдосидан жабрланишади. БМТ маълумотларига кўра, одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади.

2013 йил 30 июль куни БМТ томонидан Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни деб эълон қилинган.

Бугунги кунда кўплаб халқаро ҳужжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган. 2008 йилда эса “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Миллий қонунчилигимизда одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлигининг конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

Юқорида келтирилган чора-тадбирлар бизнинг хотиржам бўлишимиз учун етарли эмас, шу сабабли мамлакатимизда одам савдоси, хусусан, унинг трансмиллий кўринишларига қарши қатъий чоралар кўрилиши изчил давом эттирилмоқда.

Фақатгина одам савдоси, хусусан ҳимоясиз бола ва ожиза аёлни ушбу иллат қурбони бўлиши инсонийликка хос бўлмаган иллат эканлигини яна бир бора тушунтириш, барчани огоҳликка чақириш, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун ўз маънавиятимиз ва инсонийликка хос бўлган эзгу туйғуларимизни шакллантириб бориш, билиб-билмай бу қабих йўлга кирмоқчи бўлганларни тўғри йўлга бошлаш, одам савдоси каби жирканч жиноят билан шуғулланиб юрганларни аниқлаш, уларга қатъий қонуний жавобгарлик ва жазо чоралари кўрилишини таъминлашда эса биргаликда курашишимиз кераклигини таъкидлаш мақоламизнинг бош мақсадидир.

Зеро, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров таъкидлаганидек: “Инсон ҳаёт йўлидан фақат бир марта ўтади. Умримизнинг ҳар бир они ганимат. Ўтаётган ҳар бир дақиқа ўз эгасидан маъно-мазмун сўрайди. Энг қиммат бойлик – вақтдан унумли фойдаланиш керак. Инсон умрининг ҳар лаҳзасини мазмун билан тўлдириши, оиласи, меҳрибонлари, халқи учун яхшиликлар қилишга интилиши лозим.

Ёшим саксон бирга кирганда ҳаёт тўғрисида чиқарган энг қисқа хулосам шуки, дунёга бир марта келадиган одам эзгулик билан умр кечириши шарт. Негаки, ёмонлик қайтгани каби яхшилик ҳам кутилмаган жойдан ва кутилмаган одамлардан қайтади.”

Шерзод ҒОҒУРОВ,
Зарафшон туманлараро
иқтисодий суди раиси.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ТАМОЙИЛИ – ЖАМИЯТДАГИ АДОЛАТ МЕЗОНИ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлиги йўлида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, ҳар бир фуқаро ва оила фаровонлиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари таъминланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш давлат ва жамият фаолиятининг устувор мезони этиб белгиланган. Фуқароларга давлат идораларига мурожаат қилиш борасида катта қулайликлар яратилган. Президентнинг Халқ қабулхоналари ишга тушди, ҳар бир ташкилот фуқароларни қабул қилиш ва уларга кулоқ солишни ўрганди.

Давлат ва жамият ҳаётида қонунийлик ҳамда қонун устуворлигининг таъминланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи ўрин тутди. Бинобарин, адолат ҳукм сурган жойда тинчлик бўлади, халқнинг давлатга, унинг институтларига ишончи ортади ва Ватан тақдири, келажагига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барча турдаги судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ судьялик лавозимларига тайинлаш (сайлаш)да қатор ўзгаришлар юз берди. Судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йилга, иккинчи маротаба — ўн йил, кейингисига муддатсиз тайинланиш (сайланиш), зарур бўлганда етмиш ёшга ва ундан кейин ҳам фаолият кўрсатиш имкони яратилди. Бу судьяларнинг ёши, малакаси, касб маҳорати ва ҳаётий тажрибасини инобатга олган ҳолда узоқроқ муддат фаолият кўрсатишини кафолатлаш баробарида, уларнинг бошқа давлат органлари олдидаги мустақиллигини таъминлаш омили ҳамдир.

Бундан ташқари, келгусида судларнинг замонавий биноларда, яъни суд ходимлари ва фуқаролар учун барча қулайликлар мавжуд жойда фаолият юритиши учун комплекс чора-тадбирларни рўйга чиқариш, суд тизими ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур шароит яратиш режалаштирилганлиги суд органининг чинакам мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашга ҳамда судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишга хизмат қилади. Албатта, бундай ёндашув одил судлов органларига нисбатан ҳурмат кўрсатилишидан ва судьяларнинг умумэтироф этилган нормалар даражасида ижтимоий ҳимояга олинишидан далолат беради.

Шу билан бирга, ўтган қисқа давр ичида судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил қилиниши билан судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг янада адолатли тизими шакллантирилди. Айниқса, Президент судьяларни тайинлаш билан боғлиқ ўз ваколатининг бир қисmini Судьялар олий кенгаши ваколатига ўтказиб берганлиги бу янги тузилмага бўлган ишонч ва масъулиятдир.

Суд ислохотларининг яна бир муҳим жиҳати, “Судлар тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган ва узоқ йиллардан буён ечимини кутиб келган маъмурий судлар ўз фаолиятини бошлади. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасида

ягона олий органи сифатида янгидан шакллантирилди. Бу ҳам одил судловнинг институционал ривожланишига, инсон ҳуқуқларининг тизимли ва ишончли ҳимоя қилинишига, яхлит бошқарув орқали қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қилади, албатта.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани ҳам Президентимиз томонидан бир қатор аниқ мисоллар асосида келтириб ўтилган тизимдаги қонун бузилиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олишда муҳим қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмидир. Чунки, қўшимча терговга юбориш институтидан воз кечилиши, оқлов ёки айблов ҳукми чиқариш каби масъулиятни зиммасига олмаган судьяларнинг “Отанга бор, онанга бор” қабилида иш юритиш ҳолатларига барҳам беради.

Шунингдек, ўтган даврда қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари, жумладан, ҳокимлар, прокурор ва ички ишлар органлари раҳбарларининг маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисоб бериш амалиёти жорий этилди. Президентимизнинг эндиликда ҳар бир судьянинг жойларда ойига камида бир марта аҳоли билан очик мулоқотини ташкил этиш тизимини жорий қилиш ташаббуси одил судлов органлари вакилларининг халқ билан яқинлигини таъминлашга хизмат қилади. Зотан, халқимиз судьяларни “халқ суди”, “халқ судьяси” деб аташи бежиз эмас. Албатта, мазкур амалиётнинг йўлга қўйилиши судьяларни халқ ичида бўлишга ундайди. Улар билан ҳамдард, ҳамфирқликка чорлайди.

Юртбошимиз “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” деган сўзларнинг маъносига судьялар эътиборини қаратар экан, адолат посбони саналадиган ушбу касб эгалари томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонуний ва адолатли бўлиши зарурлигини таъкидлади. Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини сўзсиз таъминлаш лозимлиги ҳақида билдирилган фикрлар эса адолатни таъминлаш йўлидаги яна бир қатъий қадам бўлди. Ҳақиқатан, судья ўз қасамёдига содиқ қолиб фақат қонунга бўйсунган ва ўз виждони олдида пок бўлган ҳолда иш кўриши керак. Суд ишига аралашув нафақат судьянинг қасамёди, ҳатто Конституцияимизнинг “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашиб йўл қўйилмайди”, деган талаби бузилишига олиб келади. Бундай ҳаракат, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, оғир жиноят ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқаролар ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини яхши биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни, одил судлов органларини ҳурмат қиладиган жамиятда қонун устувор бўлади. Қонун устувор бўлган жойда эса адолат қарор топиши муқаррар.

Хуршид СОДИҚОВ,

*жиноят ишлари бўйича
Учтепа туман суди судьяси.*

МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯГА ОИД СУД АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”нинг “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш”, деб номланган 15-мақсадида маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон Фармони билан тасдиқланган 2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастурининг 5-бандида ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилиш асосида ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш чораларини кўриш белгиланди.

Шу боис, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган низоларни судда кўришда маъмурий акт қонунийлиги шартлари ва маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш юзасидан суд назоратининг чегарасини аниқлаш ва бунда ягона мезонларни ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Дискрецион ваколат устидан суд назорати борасида турлича, баъзида қарама-қарши фикрлар билдирилган. Унинг ижобий жиҳатига доир “суд назорати давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийликни таъминлаш орқали кенг маънода ҳокимиятлар бўлиниши принципини ва маъмурий амалиётнинг замонавий ҳуқуқий давлат стандартларига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади”, деган қарашлар билан бирга “назарий жиҳатдан, маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган қарорга нисбатан судлар таъсир қила олмайди” деган нуқтаи назар ҳам билдирилган. Умуман олганда, суд процесси ва тарафлар процессуал ҳуқуқларининг таъминланиши маъмурий органларнинг назоратидан фарқ қилиб, ишни ҳар томонлама, синчковлик билан, ҳолислик асосида ўрганишга имконият беради, деб ҳисобланади.

Хорижий давлатларда, хусусан, Германия маъмурий ҳуқуқ фанида маъмурий дискрециянинг назарий қарашлари пухта ишлаб чиқилган. Хусусан, немис маъмурий ҳуқуқ фанида маъмурий ихтиёрийликни қўллашдаги хатолар, жумладан уни қўлламасликдан иборат хато, чегарадан четга чиқишдан иборат хато, маъмурий дискрециянинг нольга қадар торайиши каби шакллари назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган. Немис мутахассиси Й.Пуделка “норма бошқарув органига ихтиёрийлик ҳуқуқини беради, аммо алоҳида ҳолатларда бошқарув органи томонидан фақат биргина тўғри қарор қабул қилиниши мумкин бўлади. Бундай ҳолатларда ихтиёрийликнинг нольга қадар торайиши юз беради. Аксарият бу каби ҳолатлар энг юқори даражага эга ҳуқуқий неъматлар, масалан, конституциявий ҳуқуқий нормаларга оид бўлиб, улар ихтиёрийликни нольга қадар камайтиради” деб фикр билдиради.

Бу борада суд амалиётига мурожаат қилинса, нотариуснинг манфаатдор шахснинг мурожаати асосида мерос ишини очмасликда ифодаланган ҳаракатсизликка йўл қўйганлиги юқорида кўриб ўтилган маъмурий ихтиёрийликнинг нольга қадар камайишига мисол бўла олади. Фуқаро С. томонидан нотариус А.га отасидан васиятнома қолганлиги сабабли мерос ишини очишни сўраб мурожаат қилинган ва отанинг ўлим гувоҳномаси тақдим қилинган. “Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришнинг маъмурий регламенти”нинг 23-бандига мувофиқ, меросхўрлардан бири ёки унинг вакили мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳақи-

даги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирмани нотариусга тақдим этиши лозимлиги, меросхўрлардан бири ёки унинг вакили мерос очилган жойдаги нотариусга мурожаат этган куннинг ўзида нотариус тизим орқали мерос қолдирувчининг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилган ёки очилмаганлигини текшириши, мерос иши очилмаган тақдирда мурожаат этган меросхўр ёки унинг вакилидан меросхўрлар доираси кўрсатилган ҳолда мерос иши очиш тўғрисида ариза олиниши ва нотариус “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига мерос ишини очиш бўйича маълумотларни киритиши лозимлиги белгиланган. Ушбу нормага асосан, нотариус томонидан тизим орқали ҳақиқатан васиятнома мавжудлиги ва мерос иши очилмаганлиги текшириб кўрилган бўлса-да, нотариус томонидан манфаатдор шахсдан ариза олиниши мажбурий эканлигига қарамадан, мурожаатчига оғзаки тушунтириш бериб, мерос иши очилишини кутиб туришни маслаҳат бериш билан чекланган. Гарчи, Регламентнинг 5-бандида мурожаат қилувчи нотариал идорага ўзи келиб ёзма ариза билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “E-notarius.uz” ахборот портали орқали рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат қилади, деган умумий норма белгиланган бўлса-да, нотариус томонидан тизим орқали мерос очилмаганлиги аниқланган тақдирда мурожаатчининг ёзма аризаси олиниб, тизимга меросни очиш бўйича маълумот киритилиши унинг тўғридан-тўғри мажбурияти ҳисобланади, яъни нотариуснинг мурожаатчи ёзма ариза тақдим қилмаганлиги важи билан юқоридаги мажбуриятини бажармаслиги унинг томонидан Регламент талабининг бузилишига олиб келган. Суд томонидан нотариуснинг ҳаракатсизлиги қонунга хилоф деб топилиб, унга мерос ишини очиш мажбурияти юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига асосан мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгиланганлиги боис, юқоридаги Регламентнинг 23-бандида белгиланган норма конституциявий ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган. Бу ўринда немис маъмурий ҳуқуқ назарияси талқинида нотариуснинг маъмурий ихтиёрийлиги нольга қадар камайди, яъни нотариус томонидан биринчи вазифа – тизим орқали мерос очилган-очилмаганлиги текшириб олинганлиги унинг томонидан иккинчи мажбурият - меросни очишни шарт қилиб кўяди.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, маъмурий дискрецияга оид хорижий давлатлар фанида тўпланган назарий қарашлар қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш ва суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Ойбек ҲАКИМОВ,

Тошкент туманлараро маъмурий суди судьяси.

МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистонда сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг тарихий-тадрижий асослари, бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, уларнинг мазмуни, қонунчиликда ёритилган масалаларга тўхтанган. Шунингдек, мақолада сувдан фойдаланишда мавжуд қонунчиликдаги тушунчалар, субъектлар ва объектлар, ваколатли органларнинг вазифа ва функциялари ўрганилган ва тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: миллий ҳуқуқ, сувдан фойдаланиш, ҳуқуқий тартибга солиш, эволюция, тушунчалар, объект, субъект, вазифалар, функциялар, мақом.

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бири ҳисобланади. У бутун тирик жонзот учун ҳаёт манбаидир. Сув табиат, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, уни мўътадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омилдир. Шунингдек, сув – халқ хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий воситалардан бири.

Айнан шунинг учун ҳам сув масаласи 1977 йилдан буён БМТ даражасида муҳокама этиб келинмоқда. Бу ҳолат кейинги йилларда инсониятнинг сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида келиб чиқди, десак хато бўлмайди. Ҳозирда сув танқислиги Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёни ўз гирдобига тортмоқда. Ҳатто худудиди йирик дарёлар бўлишига қарамай, Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ҳам ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда.

БМТнинг 2012 йилда барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган «Рио+20» Конференциясида дунё мамлакатлари етакчилари Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) ишлаб чиқишга келишиб олдилар. Рио+20 конференцияси бутун дунё экспертлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, фуқаролар ва хусусий сектор вакиллари иштирокида мисли кўрилмаган даражадаги кенг қамровли муҳокамаларнинг бошланғичи туртки бўлди.

Буларнинг барчаси 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та БРМ ва уларга боғлиқ бўлган 169 та вазифаларнинг аниқланишига олиб келди.

2015 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган БМТнинг тарихий саммитида БРМ расман қабул қилинди. БРМнинг асосий мақсадларидан бири бўлмиш олтинчи мақсади тоза сув ва санитарияга бағишланганлиги бугунги кунда трансчегаравий сувлардан оқилон ва адолатли фойдаланишни тартибга солиш энг устувор йўналишлардан бири бўлиб турганлигидан далолатдир.

Миллий ҳуқуқ тизимида сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлардан оқилон адолатли ва оқилон фойдаланишни йўлган кўйиш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратди.

Дастлаб, 1990 йил 28 июлда Ўзбекистон ССР Президентининг “Ўзбекистон ССЖ қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони ва 1991 йил 20 июлда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “ЎзССЖ Фанлар академиясининг сув муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида” 195-сон қарори қабул қилинди.

Ушуб қарор билан Орол денгизи ҳавзасида экологик муаммолар кескинлашган шароитда сув муаммоларига доир кўламдор тадқиқотларни ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишнинг илмий асосларини яратиш йўллари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғлом-

лаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 174-сон қарори билан дарёлар, сув омборлари, сув ҳавзалари ва сув таъминотининг барча манбаларини саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 апрелдаги “Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни ифлосланишдан ҳамда камайиб кетишдан муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 179-сон қарори қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши («Ўзсувқурилиш») давлат концерни ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-497-сон Фармони билан Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши («Ўзсувқурилиш») давлат концерни ташкил этилди.

1993 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 837-ХII-сон Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилон фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51 — 53 млрд. куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган. Бу каби ҳолатларнинг мавжудлиги сув муаммосининг нақадар глобал тус олетганлигидан ва мамлакатимизда ҳам бу борадаги вазият ижобий эмаслигидан далолат беради.

Умид САЙДАХМЕДОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил илланувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент.



**Жаҳонгир
ЭРГАШЕВ,**
Божхона
институтини
ўқитувчиси

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИҚДА ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

жиноий жавобгарлик ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Мақолада содир этилган қилмиш учун Жиноят кодексида кўрсатилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун минимал ва етарли асос мавжуд бўлишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *жиноят таркиби, жиноят таркибининг элементлари, жавобгарлик, жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектлари, асосий (оддий) таркибли, оғирлаштирувчи таркибли ва енгиллаштирувчи таркибли жиноятлар.*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси 2-қисмида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унда: “Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, - деб белгиланган.

Маданий, тарихий, археологик қимматга эга бўлган ашёлар ва коллекцияларни қалбакилаштириш орқали талон-тарож қилиш, уларни божхона чегарасидан ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик ҳам ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Маълумки, жиноят таркибининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри малакалаш учун асос ҳисобланади. Ижтимоий хавfli қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш (криминализиация қилиш) воситаси фақат жиноят таркибидир.

Жиноятни таснифлашда жиноят таркиби катта аҳамиятга эга. Жиноятни таснифлаш шахсининг хатти-ҳаракатида жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлаш жараёни бўлиб, шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг аломатлари муайян бир жиноят-ҳуқуқий нормада кўзда тутилган жиноят таркиби аломатларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Жиноят таркиби маълум бир ижтимоий хавfli қилмишнинг жиноят деб топиш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгиларнинг минимал ва етарли йиғиндисидир.

Содир этилган қилмишда Жиноят кодексида кўрсатилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун минимал ва етарли асос мавжуд бўлади.

“Минимал” тушунчаси – “содир этилган қилмишда жиноят таркибининг бирон бир зарурий элементи мавжуд бўлмаганда шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас” деган маънони билдиради.

“Етарли” деган тушунча эса – шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун Жиноят кодексида кўрсатилган объектив ва субъектив белгилардан ташқари бошқа қўшимча маълумотларнинг аниқланиши шарт эмаслигини билдиради.

Жиноят таркибининг объектив белгилари дейилганда жиноят таркибининг объекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади. Жиноят таркибининг субъектив аломатлари деганда эса, жиноятнинг субъектив

томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгилар тушунилади.

Жиноятнинг объекти жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз туфайли унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг объектив томони содир этилган жиноятнинг ташқи томонини ифодаловчи элементдир.

Амалга оширилган ижтимоий хавfli қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг учинчи зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгиларисиз тўла бўлмайди. Демак, жиноятнинг объектив томони: ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек факультатив белгилар: жойи, вақти, усули, шароити, жиноятни амалга ошириш қуроли ва воситаси сингари белгилардан иборатдир.

Жиноят таркибининг субъектив томони жиноий қилмишнинг ички томони бўлиб, шахсининг ўзи содир этган ижтимоий хавfli қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабатини кўрсатади. Бунда айбидан ташқари жиноятнинг субъектив томонини таснифловчи мотив ва мақсад ҳам мавжуд бўлади.

Айб қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин. Жиноят кодексида модданинг номи ёки унинг диспозициясида айбнинг шакли кўрсатилади. Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддасида “Қасддан одам ўлдириш”, 98-моддасида “Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш”, 102-моддасида “Эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш”, 111-моддасида “Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш” жиноятлари кўрсатилган.

Жиноят таркибининг яна бир элементи уни содир этган шахс, яъни жиноятнинг субъектидир. Жиноят кодексининг 17-моддасига биноан, жиноий жавобгарликка жисмоний шахслар тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича фақат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Шахс ушбу моддада кўрсатилган белгиларга эга бўлсагина, уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, яъни биринчидан, у жиноят содир этиш вақтида қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши лозим.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расо бўлиши лозим. Ақли расолик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 18-моддасида баён этилган бўлиб, унда таъкидланишича: "Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади".

Айрим ҳолатларда ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши учун субъектнинг умумий белгилари (ёши ва ақли расолиги) етарли бўлмай, жиноят субъектининг махсус белгиларини аниқлаш лозим бўлади: масалан, ҳарбий жиноятларнинг субъектлари, албатта, ҳарбий хизматчи бўлиши, мансабдорлик жиноятларининг субъекти мансабдор шахс бўлиши каби. Шунинг учун ҳам жиноятнинг махсус субъекти мавжуд бўлиб, бунда шахс умумий белгилардан ташқари жиноят ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган алоҳида (махсус) белгиларга ҳам эга бўлиши лозим.

Жиноят содир этаётган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам бир хил эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда жиноят қонунчилигида бир хил турдаги жиноятларга нисбатан бир-биридан ижтимоий хавфлилик даражаси билан ажралиб турадиган алоҳида жиноят таркиби шакллантирилган.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

☒ асосий (оддий) таркибли;

☒ оғирлаштирувчи таркибли;

☒ энгиллаштирувчи таркибли жиноятларга ажратиш мумкин.

Оддий таркибли жиноятларда содир этилаётган жиноятнинг ҳар бири учун хос бўлган белгилар кўрсатилмай, жиноятнинг номи айтилади, холос. Масалан, ўғрилик (ЖК 169-м.) - ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш. Ўғрилик жинояти содир этилганида, албатта, ўзганинг мулки яширин равишда талон-тарож этилганлиги белгиси аниқланиши лозим.

Асосий таркибга нисбатан оғирлаштирувчи ёки энгиллаштирувчи ҳоллар кўшимча белгиларга эга бўлиб, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини, катта ва кичиклигини ифодалайди.

Жиноят таркибларининг тузилиши бўйича уларни моддий, формал ва кесик таркибларга ажратиш мумкин.

Моддий таркибли жиноятлар дейилганда жиноят натижасида бирор-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, қасддан одам ўлдириш. Бу моддий таркибли жиноят, чунки қасддан одам ўлдирганлик учун шахсни жавобгарликка тортиш учун ижтимоий хавфли ҳаракатнинг содир этганлиги кифоя қилмай (ўч олиш, уриш ва бошқалар), балки унинг натижасида зарарли оқибат, яъни ўлим келиб чиққан бўлиши керак. Айрим ҳолларда объектив ва субъектив сабабларга кўра ўлим юз бермаган бўлса, айбдор шахс одам ўлдиришда айбланмай, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноят дейилганда бирор-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, бирор-бир оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар тушунилади.

Ижтимоий хавфли ҳаракат содир этишда айбдор бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун уни ижтимоий

хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этганлигини аниқлаш кифоя қилади. Масалан, уйдирмалар тарқатиш, бунда шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этганлигини аниқлаш лозим.

Бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этилганлиги натижасида оқибатнинг вужудга келиши шарт эмас.

Кесик таркибли жиноят дейилганда жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичига кўчиради, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига кўчиради. Масалан, босқинчилик (ЖК 164-м.) ёки товламачилик (ЖК 165-м.) ёхуд жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242-м.).

Шу ўринда божхона амалиётида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти бўйича жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилишда айрим муаммолар мавжуд бўлиб, келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган куйидаги таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасидан илгари вақтинча олиб чиқилган маданий бойликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтармаганлик ҳолатлари бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи бирор-бир норманинг мавжуд эмаслиги сабабли вақтинча олиб чиқилган маданий бойликларни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтармаслик ёки умуман қайтармаслик ҳолатлари кузатишмоқда.

Шу боис маданий бойликларни божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш мақсадида алоҳида янги нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яъни, маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш ҳаракатларининг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 182¹-моддасини (Маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш) киритиш;

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси билан бир хил ҳолатда эмаслиги билан ажралиб туради, мазкур таклиф этиладиган модданинг 2-қисмида кўп миқдорда маданий бойликларни олиб чиқишда ифодаланади. Шунингдек, давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари реестрларига киритилган маданий бойликларни божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳолатларда биринчи марта маъмурий жавобгарликка тортилишидан қатъий назар жиноий жавобгарликни белгилашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти". Коллектив авторлик. Дарслик. – Т.: Божхона институти. 2021. Б. 492.
2. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Муаллифлар жамоаси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: "Адолат", 2021. Б.276.
3. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент.: "ИЛМ ЗИЁ", 2015. Б.476.
4. Тергов амалиёти журнали. 2023 йил. 3-сон.45-52 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. Тошкент. Адолат.2016.606-бет.
6. <https://www.lex.uz/acts/97664>
7. <https://lex.uz/acts/111189>

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИ ҚАРОРЛАРИГА НИСБАТАН ШИКОЯТ КЕЛТИРИШДА ДАВЛАТ БОЖИ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, қарор, ажримларига нисбатан шикоят келтиришда давлат божини ундириш масалалари, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: судга мурожаат қилиш, давлат божини, тафтиш инстанцияси, тафтиш тартибидан келтирилган шикоятни қайтариш, рад қилиш, давлат божини тўлаш миқдори.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишда ва иш якуни бўйича тўланадиган давлат божини миқдорини ҳисоблаш судьяларга катта масъулият юклайди. Чунки, одил судловни амалга ошириш бевосита давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилса-да, бунда судларга мурожаат қилишда ундириладиган давлат божини тўловлари давлат бюджетининг муайян қисмини ташкил қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божини тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик процессуал кодексининг 13-боби, Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли Қарори билан тартибга солинади.

Ушбу Қонун ҳужжатларида судларга ариза, даъво ариза беришда ҳамда суд ҳужжатларига нисбатан апелляция, кассация шикоятини беришда давлат божини миқдори ҳамда давлат божини тўлашдан озод қилинган жисмоний ва юридик шахслар рўйхати, шунингдек давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва камайтириш тартиби белгиланган.

Шу сабабли, фуқаролик ишлари бўйича давлат божини миқдорини ҳисоблаш ва ундирилишини таъминлаш судьядан амалдаги қонунларни мукамал билишни ҳамда тўғри қўллашни талаб қилади.

2023 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга кўра суд ишларини кўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам берилиши, ишларни вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибидан кўриш босқичларининг жорий этилиши белгиланди.

Бироқ, апелляция шикоятидан норози тараф тафтиш тартибидан шикоят келтирганда амалдаги ФПКнинг 419⁹-моддасига асосан давлат божини тўлашни кўрсатилган бўлса-да, “Давлат божини тўғрисида”ги Қонунда тафтиш тартибидан келтирилган шикоятларга давлат божини тўлашни ҳамда унинг миқдорларини кўрсатилмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божини тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш ва суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидан шикоятлардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолаштиш

ҳақидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидан шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидан шикоятлардан давлат божини ундирилиши белгиланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига кўра, ишларни вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибидан кўриш босқичлари мавжуд, бироқ суд қарорларига нисбатан келтирилган шикоятларни кўрадиган назорат инстанцияси мавжуд эмас.

Чунки, 2023 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, суд қарорларига нисбатан келтирилган шикоятлар апелляция, кассация ва тафтиш инстанциясида кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, ФПКнинг 419¹⁰-моддасида тафтиш тартибидан шикоятни(протестни) қайтариш асослари кўрсатилган.

Жумладан, мазкур модданин 1-бандига кўра, тафтиш тартибидан шикоят(протест) имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исм шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса тафтиш инстанциясининг судьяси тафтиш шикоятини қайтаради.

Тафтиш тартибидан шикоятни (протестни) қайтариш тўғрисидаги ажримда уни қайтариш асослари кўрсатилганда, шикоятни беришда тўланган давлат божини қайтариш ҳақидаги масала ҳал этилади.

Шунингдек, ФПКнинг 419⁶-моддаси 5-қисмига кўра, тафтиш тартибидан шикоят(протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилди. Агар, даъвогар суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин шикоят келтирилган ҳолларда судья тафтиш тартибидан шикоятни рад қилиши мумкин.

Чунки, ФПКнинг 419¹¹-моддаси 1-қисмининг 6-бандига кўра, тафтиш шикоят (протест) ни бериш муддати ўтказиб юборилган ва ўтказилган муддатни тиклаш рад этилган бўлса, тафтиш инстанцияси судининг судьяси тафтиш тартибидан шикоят (протест) ни иш юритишга қабул қилишни рад этиши ва рад этиш тўғрисидаги ажримда давлат божини қайтариш масаласини ҳал этиши белгиланган.

СУДЬЯЛИК ЮКИ



Агарда дунёда учта касб Аллоҳдан бўлса шулардан бири албатта қозилиқдир, мабодо битта бўлса у ҳам қозилиқдир. Чунки, бир қарашда қози, яъни судья бўлишдан осони йўқдек. Кимнидир жазога тортасан, ҳукм чиқарасан, кимнидир жазодан озод этасан, бўлди... Бир бир қарашда осон... Лекин, адолатнинг олтин меъёрини топиш нақадар оғир ва залворли. Бунинг сабаби нимада? Бу саволга ҳеч бир судья шунчаки жавоб беролмаса керак.

Ҳуқуқшунос бўламан деб, тиним билмай ўқиб-изланган, охир-оқибат судья деган юксак мартабага эришган кўпларни кўрдик ва кўряпмиз ҳам. Биласизми, киши янги бир ишга бел боғласа ундаги шижоат, иштиёқ кўтаринки бўлади. Йиллар ўтгани сайин кимдадир шу сифатлар алангалангани, кимдадир эса сўна бошлайди. Бунга турли сабабларни келтириш мумкин, албатта. Яъниким, касб тақозоси, масъулияти ва ҳаётда учрайдиган турли вазиятлар бизни шу тарзда синовдан ўтказётган бўлса не ажаб.

Эслаб кўринг, судьялик мактабини битирган кунингда, эгинга илк бор мантия кийиб суд залига кирганингизда қанчалар хурсанд эдингиз?! Ўрнингиздан тулинг, суд келяпти! Шу сўзлар остида суд залига шахдам қадамлар кириб келганингиз-у, биринчи ишни кўришни бошлаганингиздаги ҳаяжонни эса айтмай қўяверинг. Барча судьялар шу туйғуни бошидан ўтказган бўлса, не ажаб.

Йиллар ўтяпти, ўтаверади. Кимлар келиб, кимлар кетади. Касб тақозоси туфайли кўплаб судьялар билан мулоқотда бўлдик. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозир шу мақомда эмас. Кимлардир соғлиги, кимлардир судьялик касамёдини бузганлиги, яна қайси биридир оилавий аҳволи туфайли судьялик лавозимини тарк этди. Ва табиийки, яна кимлардир яхши ният билан уларнинг ўрнига келди ва келмоқда.

Бу ҳаёт шундай давом этаверади. Ҳар гал судьялар корпусига янгилари қўшилганида, улардаги мана шу ҳозирги шашт ва иштиёқ, адолатга интилиш сўнамасин, дегим келади.

Ёмишларимдан яна бир хулоса шуки, судьялик юки жуда залворли. Одилона ҳукм қилиш, ҳолис бўлиш, бир сўз билан айтганда адолатнинг “олтин ўртаси”ни топиш, қози учун қанчалар мураккаб эканини билмайсиз.

Шундай экан, кунда-кунора ижтимоий тармоқларда ўзидан “адолат куйчиси”ни “ёқиб” ваъз ўқийётган дўстим. Хулоса чиқаришга шошилмай, бир кунгина ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг.

Шунда англари балки, улар елкасидаги юкни...

Шерзод ХУДАЙБЕРДИЕВ,

Тошкент вилоят суди жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бош консултанти.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”-ги қонуни 18-моддасининг 3 ва 4-бандларида эса, апелляция, кассация ва назорат шикоят қайтарилганда ёки уни қабул қилиш рад этилганда давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикояти судга келиб тушмаганда қайтарилиши белгиланган, бироқ ушбу моддада тафтиш тартибида келтирилган шикоятнинг қайтарилиши кўрсатилмаган.

Шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг иловаси бўлган “Давлат божи ставкалари”да мулкий ва номулкий талаблар бўйича давлат божини тўлашнинг миқдорлари кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳолат судларда давлат божини ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, “Давлат божи ставкалари”нинг 1-банди “з” кичик бандида апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоятлардан даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланиши белгиланган.

Мисол учун даъвогар А. исмли шахс жавобгар Б.исмли шахсга нисбатан 10 000 000 сўмлик мулкни олиш юзасидан судга даъво ариза берган бўлса, у 400 000 сўм миқдорида давлат божи тўлайди.

Чунки, “Давлат божи ставкалари”нинг 1-банди “а” кичик бандида мулк хусусиятга эга даъво аризалардан даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида давлат божи тўланиши белгиланган.

Агар даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантиришдан рад қилинса, даъвогар ушбу суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция тартибида шикоят келтирса, даъво ариза беришда тўланган 400 000 сўмнинг 50 фоизи бўлган 200 000 сўмни давлат божи сифатида тўлайди.

Чунки, “Давлат божи ставкалари”нинг 1-банди “з” кичик бандида апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоятлардан даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланиши белгиланган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасидаги, 18-моддасининг 3 ва 4-бандларидаги, 19-моддасидаги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг иловаси бўлган “Давлат божи ставкалари”нинг 1-банди “з” кичик бандидаги “назорат” деган сўзларни “тафтиш” деган сўзларга алмаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Атабек Маткаримов,
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фуқаролик процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”-ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, “Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини белгилаш ва ундириш тартиби” амалий қўлланма.

СУДЬЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛИ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Судья мустақиллиги тамойилининг келиб чиқиши ва шаклланишининг тарихий илдизларига мурожаат этиш бизга бугунги кун судьясининг дахлсизлиги нималигини тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради. Судья мустақиллиги тамойилининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритилган юридик адабиётларда мамлакатимиз ҳудудида “судлар узоқ ўтмиш – 3-3,5 минг йил аввал шаклланиш даврида” бўлганлиги эътироф этилади. Таъкидлаш жоизки, қадим заминимизда судьялик вазифасини амалга оширувчи шахслар ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар мужассамлашган манбалардан бири “Авесто” ҳисобланади.

Мазкур манбада қайд этилишича, оқсоқоллар кенгашининг мўътабар уламози – қоҳин олий судья вазифасини бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллари орасидан сайланиб, судья, қоҳин вазифасини бажарган ва жамоанинг энг ҳурматли инсони ҳисобланган.

“Авесто” китобига асосланган ҳолда айтиш лозимки, қадимда судьялар тайинлаш тартибида эмас, аксинча оқсоқоллар кенгаши томонидан сайланиш орқали бу вазифани амалга оширганлар. Демак, бугунги кундаги мамлакатимиздаги судьяларни сайлаш тартиби тарихий миллий тажрибага асосланган, десак муболаға бўлмайди. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, ўша даврларда ҳам судьялар турли хил таъсирлардан мустақил бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида мусулмон ҳуқуқининг ёйилиши билан алоҳида суд органи— Қозилар суд тизими ташкил топди ва ривожланди.

“Қози” тушунчаси, дастлаб, исломнинг илк даврида муомалага киритилган ва кенг қўлланила бошланган. Атамашунослик нуқтаи назаридан “қози” ва “судья” сўзлари ўзаро чамбарчас боғлиқ синоним тушунчалар сирасига киради.

Шу боис, кўплаб ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар “қози” тушунчасини турлича талқин этганлар. Қомусий манбаларда “Қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифаларини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси”, деб қайд этилган. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра, ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни “қазо”, яъни қозилик қилишдир. Бироқ, “Мухтасар ал-Викоя”, “Жоми ар-Румуз” каби ислом ҳуқуқий манбаларида “қози – ҳукм чиқарувчи, шикоят ва келишмовчиликларни шариатга асосланган ҳолда судловчи ҳамда у ёки бу тарафга жавобгарликни белгиловчи”, деб таъриф берилган.

Ислом дини тарқалган илк даврларда аҳоли ичида келиб чиқадиган можаролар бевосита Пайғамбаримизнинг ўзлари томонидан ҳал этилган. Кейинчалик бошқа шаҳарларга қози вазифасини амалга ошириш учун бир неча саҳобалар, хусусан Али ибн Абу Толиб (р.а) ва Муъоз ибн Жабал (р.а)ларни жўнатганлар. Ислом тарихига доир манбаларга асосан тўрт халифа давридан бошлаб шариат асосида иш юритишни жорий этишга эҳтиёж пайдо бўлган.

Дастлаб қозилик вазифасини волийлар амалга оширган. Бу мансаб эгаси шаҳар аҳлини назорат қилиб, уларнинг ишларини бошқарган ҳамда уларга буюриб, қайтариб турувчи шахс ҳисобланган. Кейинчалик, халифа Умар ибн Хаттоб ҳукмронлигидан бошлаб, ислом қонунчилиги асосида ажрим чиқариш масъулиятли ва маърифатли бошқа бир кишига алоҳида лавозим сифатида юклатилган. Тарихдан маълумки, илк бор Мадина шаҳрида қози этиб Абу Дардо тайинланган эди.

Қози лавозимига тайинлаш учун жамият ичидан “уламолар табақаси”га мансуб бўлган киши танлаб олинган. Улар ислом манбалари Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларни мукаммал билганлар ва амалий татбиқ этаолганлар. Шунингдек, мазкур табақа вакиллари ислом дини доирасида ақида илмининг етук мутахассислари бўлиши билан бир вақтда, фикршунос олим ва шариат қонунларини татбиқ қилувчи шахслар саналган.

Ҳоҳиятда аҳамиятли жиҳати шундаки, қози ёки унинг ноибининг ушбу лавозимга ваколатли шахс томонидан тайинланган бўлиши муҳим ҳисобланиб, бу масала унинг чиқарадиган ҳар бир ҳукмида кўрсатилиши шарт бўлган. Бу эса, биринчидан, қози томонидан қабул қилинган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқласа, иккинчидан, қози фақатгина ваколатли шахс томонидан тайинланиши мумкин бўлганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, илк бор халифа Умар қозилик тизимини ижро этувчи ҳокимиятдан ажратган. Натижада қозилик бевосита халифа, яъни олий ҳукмдор билан боғлиқлиги улар обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, қозиларнинг обрўсини ошириш ҳамда уларга турли маҳаллий ва ҳудудий амалдорлардан мустақил фаолият юритиш имкониятини яратган.

Амир Темур ва темурийлар даврида қозилар фаолияти ўзига хослик касб этган. Амир Темур: “Лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим” деб баён этади. Бу эса темурийлар салтанатида қозиларнинг ихтисослашганлигидан, салтанатда қозилар фақатгина тайинланиш асосида лавозимни эгаллаганлигидан далолат беради.

Тарихий босқичнинг кейинги даврларида, хусусан, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Қози-ул-қуззот ўз лавозимига подшоҳ томонидан тайинланган бўлса, “вилоятлар, шаҳар ва туманларда қозилар бош қози томонидан тайинланарди”.

Бурхониддин Марғинович “Ҳидоя” асарининг “Қозилик мақоми” бўлимида қозилар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ёзган. Қозилар шариат илмларини яхши билиши, озод бўлиши, мустақил қарорлар қабул қила олиш лаёқатиغا эга бўлиши, адолат ила ҳукм этиши, ҳуқуқ ва муомалада ишончли бўлиши ҳамда ақли расо шахс бўлиши лозимлиги ушбу асарда баён этилган. Бундан кўринадики, қозининг мустақил бўлиши, яъни ўз қарорларини қабул қилишда мустақил ҳаракат қилиши унинг қозилик хусусиятларидан бири сифатида XII асрдаёқ муҳим аҳамият касб этган.

Шу ерда табиий савол пайдо бўлади, ўтмишда суд институти қозилик номи билан юритилган бўлса, унда суд тушунчаси бизнинг атамашунослигимизга қачондан ва қаердан кириб келган?

Маълумки, XIX асрнинг ўрталарида Чор Россияси Қўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлигига юриш қилиб, уларни босиб олгач, ўзбек хонликларидаги давлат бошқаруви, ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт ҳамда янги маъмурий бошқарув ҳам Чор Россияси томонидан ўрнатилди. Қозилик сўзининг суд атамаси билан алмашиши ҳам шу даврлар билан боғлиқ.

Энди бевосита “суд” атамасининг тарихий шаклланишига эътибор қаратадиган бўлсак, “суд” атамаси қадимги тилда ҳозирги кунда англашиладиган маънони англамаган. Ушбу сўз бевосита рус тили орқали бизнинг луғатимизга кириб келганлиги боис Россия тарихидан кўришимиз мумкинки, “Ярославнинг биринчи Устави”да суд сифатида Ярослав Владимировичнинг ўзи кўрсатилган бўлса, “суд қилиш” термини муаммони ҳал этиш, ҳукм қилиш, бекор қилиш ёки йўқ қилиш маъноларида ишлатилган. Қадимги жамиятда дастлабки суд органи халқнинг ўзи бўлган. Кейинчалик эса суд ҳокимиятининг марказий органи бу княз бўлган.

1924 йилдан мамлакатимизда суд ва прокуратура органлари адлия тизими таркибига кирганлигини кўришимиз мумкин. СССРнинг ўз ҳокимияти мустақамлигини сақлаб туриш мақсадида кучли бир ричаг – ҳокимият ваколатларига эга органга эҳтиёжи мавжуд эди, шу маънода прокуратура органлари СССР давлатининг кучини ифодаловчи суд процессидаги мутлақ ваколатлар соҳибига айланганди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ҳуқуқий-демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши натижасида мустақил суд ҳокимияти вужуд-



га келди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 400 га яқин судлар мавжуд бўлиб, бу судларда қарийб 1431 нафар судьялар фаолият юритиб келмоқда.

Бу йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятини илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантириш, судья мустақиллигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий мақомини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида Конституцияда назарда тутилган судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши тамойилини амалга оширишга қаратилган қатор қонунларимиз қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, 2016 йилдан бошлаб суд ҳокимияти ва судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг янги даври бошланди. Бунда асосий эътибор судья мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга қаратилди.

2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий норманинг амалда тўла-тўқис рўёбга чиқишига замин яратди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди. Унга кўра, судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва сўнг муддатсиз даврининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этди.

Ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши бўйича аниқ чоралар белгиланди. Судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларига қарши самарали механизмларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жинойий жавобгарликни белгилаш кўзда тутилди.



Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда судьянинг мустақиллиги тамойилининг пайдо бўлиши юзасидан шуни айтиш мумкинки, судьянинг мустақиллиги тамойили ҳақидаги дастлабки қараш инсониятнинг илк сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари мужассамлашган манбаларидан бири “Авесто”даёқ ўз аксини топган. Бинобарин, муайян ҳолат, низо, келишмовчилик юзасидан ечим чиқаришдан кўзланган мақсад, адолатни қарор топтиришдан иборатдир. Адолат эса уни ўрнатувчи шахсдан холисликни, ташқи аралашувларсиз мустақил қарор қабул қилиш заруриятини талаб этади. Шу сабабли ҳам “Авесто”да кўрсатиб ўтилганидек, жамоанинг энг ҳурматли инсонигина судья этиб сайланган ва у ўз ҳаракатларини амалга оширишда батамом мустақил бўлган.

Ўрганишларимиз натижасида судьянинг мустақиллиги тамойилининг ривожланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Судьянинг мустақиллигига бўлган эҳтиёжнинг юзага келиш даври. Бу даврни биз судья фаолиятининг инсоният ривожидида илк даври - “Авесто” битикларида қайд этилган даври деб айта оламиз. Негаки, ўша даврда юзага келган муаммоли вазият юзасидан энг доно, билимли ва албатта обрў-эътиборли шахс адолатли ечим чиқариб берган.

2. Қозилик институти вужудга келган давр. Бу давр Араб халифалиги даврига тўғри келади ва юқорида қайд этиб ўтганимиздек, илк қозилик вазифасини Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўзлари амалга оширганлар. Бундан кўринадики, қозилик фаолияти ташқи кучлардан батамом мустақил равишда, жамоатда ўз сўзи, обрўси ва мартабасига эга шахс томонидан амалга оширилган.

3. Қозилик тизими ижро этувчи ҳокимиятдан ажратилган давр. Илк бор халифа Умар қозилик тизимини ижро этувчи ҳокимиятдан ажратган. Бу эса, ўз навбатида, қозиларнинг обрўсини ошириш ҳамда қозиларни турли маҳаллий ва ҳудудий амалдорлардан мустақил фаолият юритиш имкониятини яратиб берган. Шунингдек, айнан шу ҳолат бугунги кунда Конституциямизда мустаҳкамланган ҳокимиятлар бўлиниш тамойилининг келиб чиқишига асос бўлган ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигига илк пойдеворни қўйган.

4. Қозилик институтининг ихтисослашув даври. Амир Темур ва Темурийлар даврида қозилар фаолияти ўзига хос маълум маънода ихтисослашган, яъни лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинланган. Бу ҳам қозилик фаолиятида мустақиллик тамойилининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

5. Судья мустақиллиги тамойилининг қонунчиликда белгиланиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади”, дея белгиланди. Шу маънода суд ҳокимияти ва шахсан судьянинг Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрувчи

сифатида ўз фаолиятида мустақил бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, бош қонун бўлган Конституцияда, ҳамда “Судлар тўғрисидаги” Қонун ва Жиноят кодексида мустақиллик тамойили белгиланди.

6. Судья мустақиллигига эришиш кафолатларини кучайтириш даври. Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига ўтар экан, ўз олдида устувор вазифаларни белгилаб олди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида суд ҳокимиятининг, судьянинг чинакам мустақиллигига эришиш, унинг кафолатларини кучайтиришни ўзининг устувор вазифалари қаторига киритди. Бу борада нафақат қонунчилик такомиллаштирилмоқда, балки қатор амалий ҳаракатлар ҳам олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, суд ҳокимияти ва судьянинг тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларидан биридир. Шу маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб моҳияти – судларни том маънода мустақил, халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чинакам ҳимоя қиладиган органга айлантиришдан иборатдир.

Дилбар ЧОРИЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Темур. “Темур тузуклари”, Фафур Фулом нашриёти, -Т. 1991.
2. Бурҳонуддин Марғиноний. “Ҳидоя”, “Hilol” нашриёт-матбааси, -Т. 2022.
3. Вазоратул Авқоф Ва Шуъунул Исломия, ал-Мавсуа ал-Фикҳийя. 45-жилд. – 2004.
4. Гафур Абдумажидов “Адолат даргоҳида” – Т., 2008.14-б.
5. Дилбар Чориева “Тергов судьяси институти – тортишув тамойили таъминланишининг кафолатидир”, Одиллик мезони, №7, 2023, 29-б.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Ўқитувчи нашриёти, -Т. 2008.
7. Музаффар Мамасиддиқов: Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асослари/https://constitution.uz/uz/pages/Sud_hokimiyati_mustaqilligi
8. Насриддин Мирзаев “Тарихий таҳлил: қози (судья) лавозими” 26.01.2018. <https://oliymahad.uz/2404>
9. София Саода, Мин тарих Бағдод ал-ижтимоий фи фатротайн ал-Бувайҳия ва ал-Салжуқия. – Байрут, 1988.
10. Судья маънавияти, одоби ва масъулияти. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. Т. – 2021.
11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент. 2011.
12. Шарафуддин Мусо ибн Юсуф ал-Ансорий, Нузхатул Хотир ва Баҳжатул Нозир. – Дамашқ., 1991.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни/ 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон/ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон; 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни/ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 06.04.2017 йилдаги ЎРҚ-427-сон/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
16. <https://t.me/sudyalaroliykengashi>

АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик қонунчилигида ашёвий ҳуқуқларнинг тутган ўрни, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини республикамизда тўлиқ жорий этиш бўйича айрим масалалар ўрин олган.

Калит сўзлар: ашёвий ҳуқуқ, чекланган ашёвий ҳуқуқ, сервитут, мулк ҳуқуқи, виндикацион даъво, реституция, негатор даъво.

Ашёвий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг марказий ва ўзак соҳаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши ашёвий-ҳуқуқий муносабатларни янгича мазмун билан тўлдирди ва мулк муносабатлар соҳасида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, мулк шакллари умуэмътироф этилган тамойилларга асосланган ҳолда хусусий ва оммавий мулк шаклларига ажратилиши, мулкнинг дахлсизлиги, мулк муносабат иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилди. Мулк ҳуқуқининг объектлари доираси сезиларли равишда кенгайди ва ашёвий ҳуқуқий муносабатни янги иштирокчилари пайдо бўлди.

Аслида ашёвий ҳуқуқ бу — нарсалар, буюмлар ҳуллас, кўчар ва кўчмас ашёлар устида ўрнатилган ҳуқуқ ҳисобланади. Унинг мазмунини ашёни эгаллаш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф қилиш имконияти ташкил қилади. Ашёвий ҳуқуқни унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда икки алоҳида гуруҳга ажратишимиз мумкин:

Тўлиқ ашёвий ҳуқуқлар. Бунга фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзларига тегишли бўлган ашёлар устида ўрнатган мулк ҳуқуқи киради. Масалан, фуқаро сотиб олинган компьютер қурилмасига нисбатан мулк ҳуқуқини олади. Яъни, компьютерини сотиб олиш орқали эгаллик ҳуқуқини қўлга киритгани ҳолда, ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиши ёки ҳада қилиш орқали тасарруф этиши ҳам мумкин.

Чекланган ашёвий ҳуқуқлар. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар доирасига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида кўра қуйидагилар киритилган: ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи, ер участкаларига доимий эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдирилаётган ер участкаларига умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи, сервитут ҳуқуқи.

Чекланган ашёвий ҳуқуқларга эгаллик қилаётган шахслар ашёвий ҳуқуқ мазмунини ташкил қилувчи имкониятларнинг айримларидан маҳрум бўлади. Масалан, тегишли мол-мулкларга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида эгаллик қилаётган муассаса ўзининг эгаллигидаги ашёларни мустақил тасарруф қила олмайди. Чунки тасарруф қилиш имкониятини мулкдор (давлат) ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 165-моддаси 1-қисмида “мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқ ҳисобланади” деб кўрсатилган. Бунда қонун чиқарувчи матнга “хусусан” сўзини киритиш орқали ашёвий ҳуқуқлар рўйхати узил-кесил ёпик эмаслигини ва рўйхатда мавжуд бўлмаган бошқа ҳуқуқлар ҳам ашёвий ҳуқуқ сифатида эътироф этилиши мумкинлигини назарда тутди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг II-бўлими “Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар” деб номланган. Ушбу бўлимда мулк ҳуқуқи тушунчасига алоҳида таъриф берилган бўлиб, ашёвий ҳуқуқ тушунчасига эса изоҳ берилмаган. Шу боис ҳозирда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими жойлаштирилган “Фуқаролик кодекси” лойиҳасига алоҳида “Ашёвий ҳуқуқлар” билан боғлиқ бўлим киритиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса ўз навбатида мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқларнинг янада аниқ ва тушунарли бўлишига сабаб бўлади.

Мулк муносабатларнинг катта гуруҳини мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулк ҳуқуқларнинг вужудга келиш асослари ҳамда улар-

ни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ бўлган муносабатлар ташкил этади.

Мазмунан мулк ҳуқуқи ашёвий ҳуқуқлар тизимига киришини эътиборга олиб, баъзи махсус адабиётларда ушбу кичик соҳа ашёвий ҳуқуқ деб ҳам аталади. Ушбу кичик соҳа моддий объектлар, мулк ҳуқуқларнинг муайян шахсларга тегишлилигини, мансублигини ва уларни амалга ошириш тартиби, асосларини юридик расмийлаштиради.

Мулк ҳуқуқи ҳар доим ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи категория сифатида мавжуд. Шундай экан, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ҳуқуқнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк ҳуқуқи ҳимояси кафолатлаб қўйилган. Аслида бугунги кунда амалда бўлган мавжуд қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ерни хусусийлаштириш ёки бошқача айтганда ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини жорий қилишга ҳеч қандай монелик қилмайди.

Жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг суд орқали тикланиши ва ҳимоя қилиниши давлат кафолати даражасигача кўтарилганлигини ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга мазкур қонунда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳам кўрсатиб ўтилган ва ушбу усуллар орасида хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи томонидан ҳимоя қилиниши келтириб ўтилган. Аввало, мулкдор ўзига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш лозим. Чунки, ушбу ҳуқуқ Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонунда мулк ҳуқуқнинг кафолати ва ҳимоя қилиниши бўйича алоҳида бўлим ҳам мавжуд. Унда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш суд томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар виндикация ва негатор даъво кўзғатиш йўли билан ҳал қилинса, бу ҳуқуқ фуқаролик қонунчилигидаги усуллар ҳамда қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳимоя қилиниши мумкин.

Замонали МАЖИДОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское право: В 4 т. Том 2: Вещное право. Наследственное право. Исключительные права. Личные неимущественные права: Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное. Под ред. Е.А.Суханова. М. Волтерс Клувер, 2008. 3-б.
2. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Муаллифлар жамоаси. Т.: ТДҲУ, 2017.
3. Х-А. Раҳмонқулов, В.Е. Эргашев, Ўзбекистон Республикаси ашёвий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш муаммолари, ТДҲУ, Тошкент-2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни (152-ХII-сон, 31.10.1992).
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-336-сон, 24.09.2012).
8. <https://project.gov.uz>

ИҚТИСОДИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Суд ҳужжатларини қайта кўриш – иқтисодий процесснинг мустақил босқичи бўлиб, суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Қонунчилигимизда суд қарорларини қайта кўришнинг куйидаги турлари назарда тутилган:

- апелляция инстанциясида иш юритиш;
- кассация инстанциясида иш юритиш;
- тафтиш тартибда иш юритиш;
- қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш тартиби белгиланган.

Қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоят (протести)ни, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят (протести)ни кўриб чиқиши ҳамда апелляция ёки кассация тартибда кўрилган, аммо чиқарилган суд қарорларидан норози бўлганда тафтиш шикоят (протести)ни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибда кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек тафтиш тартибда қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан қонунда кўрсатилган шахслар томонидан протест келтирилса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати тафтиш тартибда кўриб чиқиши белгиланган.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш ИПКнинг 37-бобида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институти ҳам апелляция, кассация ва тафтиш тартибда иш юритиш институтларидек, қонуний, асосли ва адолатли бўлишига, одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор суд ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда, шу асосда қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза беришга ҳақли эмас, бундай ҳолатда улар фақат суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация тартибда шикоят бериши мумкин.

Бундай шахслар қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганида аризани қабул қилиш ИПКнинг 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш ИПКнинг 296-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда тугатилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларга биринчи инстанция судининг

қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоят (прокурор протести) бериш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Суд ҳужжатларини қайта кўриш тизими суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини процессуал қонунда белгиланган тартибда текшириш вазифалари ўзига топширилган инстанцияларнинг одил судлов соҳасида тарихан юзага келган тизимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлса, суд ҳужжатларини қайта кўриш орқали биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва ажримлари қабул қилиниши билан ҳуқуқлари бузилган жисмоний ва юридик шахсларнинг юқори инстанция судлари томонидан қайта тиклашга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Суд ҳужжатларини қайта кўриш инстанцияларида иш юритишнинг мақсади биринчи инстанция судининг суд ҳужжати қай даражада қонуний ва асосли эканлигини аниқлаш ва мавжуд суд хатоларини бартараф этиш орқали юридик шахс ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Суд ҳужжатларини қайта кўришнинг мақсад ва вазифасини белгилашда ҳам юридик адабиётларда турлича ёндашувлар мавжуд.

Баъзи муаллифлар апелляциянинг вазифаси биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг асосли ва қонунийлигини текширишдан, бошқа олимлар эса бундай вазифа апелляция шикоятининг мазмунига кўра ишни тўлиқ ёки қисман қайта кўришдан иборат эканлигини белгилайдилар.

Бизга маълумки, суд ҳужжатларини қайта кўриш институтининг одил судловни амалга оширишдаги ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, куйи инстанция суди томонидан моддий ҳамда процессуал қонун нормаларини тўғри қўлламаслик натижасида чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисида фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, юқори инстанция суди томонидан бу хатоларни тўғирлаш орқали одил судлов таъминланади.

Шу сабабли бугунги кунда суд ҳужжатларини қайта кўриш институти такомиллаштириш орқали фуқароларнинг судга нисбатан ишончини ошириш ва мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Гуландом ЭРНАЗАРОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари миллий базаси www.lex.uz. 01.05.2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари миллий базаси www.lex.uz. 24.01.2018 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги УРҚ-888-сонли Қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базаси www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари миллий базаси www.lex.uz.

МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш борасида суд ҳужжатлари ижросини қатъий таъминлаш, уларнинг асосси ижро этилмаслигини инкор этувчи тўсиқ ва иллатларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Калит сўзлар: суд ҳужжатларининг ижроси, ижросини юритиш соҳаси, ижрочилар тузилмалари, суд ҳужжатларининг ҳуқуқий таъсири.

Мамлакатни ривожлантириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида рейтингини оширишнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, конституциявий нормаларга қатъий риоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Тарихга назар соладиган бўлсак, илк бор суд қарорларининг ижросини таъминловчи мансабдор шахслар IX-X асрларда фаолият юрита бошлаган. Бундай мансабдор шахслар “Амирихорис”лар деб номланган ва улар аминнинг барча фармонлари ижросига масъул бўлишган. Кейинчалик суд ҳужжатларининг ижроси миршаблар зиммасига юклатилган. Ўзбекистон ҳудудлари XIX аср охирида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилгандан сўнг суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида судлар ҳузурида суд пристави лавозими таъсис этилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари фаолият юрита бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш Департаменти ташкил этилди.

Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари ижро ҳокимияти вакили ҳисобланиб, ижро ҳаракатларини “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун асосида амалга ошироқдалар.

Бу борада жаҳон амалиётига назар солсак, суд қарорларининг ижросини юритиш соҳасини такомиллаштиришда ҳар бир давлатнинг ўзига хос механизмлари мавжудлигини кўраимиз. Хусусан, хориж мамлакатларида ижро фаолиятини Мажбурий ижро бюроси, Суд пристави федерал хизмати, Департамент, Ҳудудий ва Миллий палата, Маршал хизмати, Агентлик ва бошқа махсус идоралар олиб боради. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатларда давлат ва нодавлат ижрочилар тузилмалари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин. Германияда суд ҳузуридаги регистраторлар, Исроилда эса магистрат суди қошидаги ижрочилар хизмати, Франция, Бельгия, Люксембургда Суд ижрочилари бошқармаси каби органлар (тузилмалар)да суд ижрочилари ва ёки махсус лицензияга эга бўлган хусусий шахслар (ижрочилар) фаолият юритади.

Италия, Франция, Латвия, Люксембург, Словения, Словакия, Литва, Польша, Руминия, Эстония, Нидерландия каби айрим мамлакатларда ижро ишини давлат хизматчилари эмас, балки махсус органлар томонидан берилган лицензия асосида хусусий ижрочилар мустақил равишда амалга оширишади. Хитойда эса ижро фаолияти суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маъмурий судларнинг ислоҳ қилиниши фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд идораларига нисбатан ишончи ошишига, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда суд ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2023 йил 26

апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 833-сонли Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан суд ҳужжатлари ижро этилиши устидан самарали назорат механизми жорий этилиши кафолати сифатида МСИЮТКга маъмурий судлар ваколатини кенгайтирувчи бир қатор қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, маъмурий органлар томонидан суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, тегишли мансабдор шахсларга МСИЮТКнинг 4-бобида белгиланган тартибда жарима солиш ваколати берилди. Суд жаримаси солиш тўғрисидаги масала МСИЮТКнинг 123-моддасида белгиланган тартибда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бунда, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримларда қўлланилган жарима чораси билан бирга суд қарори ижросини таъминлаш учун белгиланган қўшимча муддат ҳам кўрсатилиши лозим.

Суд жарималарини қўллаш ҳақидаги ажрим қонуний кучга киргач, унга асосан МСИЮТКнинг IV-бўлими тартибда ижро варақаси чиқарилиб, ижро этиш учун Мажбурий ижро бюросининг тегишли бўлимига юборилади. Шунингдек, биринчи инстанция судининг қарори апелляция ёки кассация инстанциялари томонидан бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган ва бу қарор жавобгар томонидан суд қароридан белгиланган муддатларда ижро этилмаган ҳолатларда ҳам жавобгарга нисбатан суд жаримасини қўллаш масаласи биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилинади.

Амалдаги қонунчиликда маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда кўриб чиқиш принципи ўз аксини топмаган. Хорижий мамлакатлар (Германия, Россия ва бошқалар) тажрибасидан келиб чиқиб суд ҳужжатларини ижро этиш муддатини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига 2-банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига Маъмурий суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва ўзгартириш тартибини алоҳида модда сифатида киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги қабул қилинган ҳар бир қонун ҳужжати фуқаролар ва тадбиркорларнинг одил судлов ҳимоясида бўлиши имкониятини ошириб, суд қарорлари сўзсиз ижро этилиши ва суд фаолиятининг халқаро талаблар доирасида такомиллаштирилишига хизмат қилади.

Аббос ДОНИЁРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.Р.Артиков. Суд қарорлари ижроси (фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий ишлар мисолида) монография.: Тошкент-2020 й.
2. Низомулмулк. “Сиёсатнома”. Тошкент “Янги аср авлоди. 2008 й. 6-156.
3. Ўзбекистон халқларининг тарихи 1-том. Проф. К.В.Тревер, проф. А.Ю.Якубовский ва фан кандидати М.Э.Воронец. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1950 й. 6-247.

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ ДЕБ ТОПИШ ИНСТИТУТИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛДИ

Сўнгги йилларда банклар аҳолининг турли қатламларига кўплаб имтиёзли кредитлар таклиф қила бошлади, ўз ўрнида даромад манбаи унча яхши бўлмаган аҳолининг катта қисми кредитлар ола бошлашди.

Кредит тўловлари кўпинча иш ҳақининг тахминан 50-60 фоизини ташкил қилади. Аҳоли катта қисмининг иқтисодий билим даражаси юқори эмаслиги сабаб тақдим қилинган кредитлардан самарали фойдалана олмадилар, улар кредитларни мақсадсиз ишлатишди, натижада кредитни қайтаришда қийинчиликка учраб, молиявий танг аҳволга туша бошлашди.

Бундан ташқари, пандемия даврида жорий этилган карантин чекловлари натижасида кўпчилик фуқаролар ишсиз, даромад манбаисиз қолиб кетди. Оқибатда кредити мавжуд бўлган фуқароларда кредитларни тўлаш билан боғлиқ муаммолар вужудга келди. Шу билан бирга доимий равишда ўсиб бораётган инфляция туфайли кўпчилик фуқаролар кредит қарзини тўлашга қодир бўлмай қолди.

Ушбу ҳолатда фуқароларга ёрдам бериш мақсадида банклар томонидан кредит таътиллари берилди. Бироқ, бундай шакллардаги чораларнинг самараси бўлмади, балки фуқароларнинг қарзлари янада ортиб кетишига сабаб бўлди. Оқибатда муддати ўтган кредитлар ва умидсиз қарзлар улуши кескин ошди.

Кўплаб мамлакатларнинг банкротлик тўғрисидаги қонунчилигига кўра, фуқаролар ҳам банкрот деб топилиши мумкин.

Маълумки, банкротлик муносабатларини тартибга солувчи “Банкротлик тўғрисида”ги қонун 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, унда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши натижасида вужудга келаётган янги муносабатларни тартибга солувчи механизмлар акс эттирилмаган эди.

Мазкур қонунда банкротлик субъектлари сифатида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркор назарда тутилган бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг бошқа субъекти бўлган жисмоний шахсларнинг, яъни фуқароларнинг банкротлиги масаласи мавжуд эмас эди. Бу – фуқаролар қутилмаганда юзага келадиган салбий ҳолатлардан, жумладан, ишдан маҳрум бўлиш ёки иш ҳақининг пасайиши, жароҳатланиш, жиддий касаллик ва оилавий бюджетга жиддий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлардан ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганини англатарди.

Маълумки, амалдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонун негизда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун 2022 йилнинг 13 апрель қонундан қонуний кучга кирди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга келган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юборишигина эмас, балки уларни молиявий соғломлаштириш, шу билан бирга соҳада вужудга келаётган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жумладан, “Банкротлик тўғрисида”ги қонундан фарқли равишда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунга банкротликнинг соғломлаштириш таомиллари, хусусан, суд

санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланишини рағбатлантирувчи нормалар киритилганлиги, бугунги кунда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга ўз фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўлов қобилиятини тиклашга асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, ушбу қонунда корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида мазкур жараёнда жорий солиқ тўловларини тўхта-тиб туриш, тижорат банклари ва молия институтларидан кредитларни жалб этиш, қарздорлик қисман қопланганда корхона фаолиятини кредиторлар розилиги билан тиклаш бўйича нормалар киритилди.

Қонунда амалиётга татбиқ этиш назарда тутилган жуда муҳим жиҳатлардан бири бу албатта жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш институтининг жорий этилиши бўлди, деб айтиш мумкин.

Илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонунга жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигини тартибга солувчи 14-боб киритилиб, қонуннинг ушбу боби 2023 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилди.

Қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши юридик шахслардан ташқари, жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тушунчаси, унинг асосий аломатлари, жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари ва мезонлари, ушбу жараёнда қўлланилиши мумкин бўлган тўловга қобилиятсизлик таомиллари, келишув битими тузиш, қарздорни мажбуриятдан озод қилиш тартиби, кредитор, қарздор ва молиявий бошқарувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ишни судда кўриб чиқиш тартиби, муддатлари ва суднинг ваколатларини белгилаб берди.

Жумладан, қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаган ҳамда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этса, қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари ҳисобланиши назарда тутилди.

Қарздор жисмоний шахс, кредитор, шунингдек давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлар жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлиги, фақат тўловга қобилиятсизлиги аломатлари мавжуд бўлган тақдирдагина суд жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш қўзғатилиши мумкинлиги белгиланган.

Жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга ариза берган аризачи томонидан молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан пул маблағлари ўтказилиши, бунда суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилган пул маблағларининг ўрни жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги жараёнида қарздор жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ушбу қонун 221-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда қопланиши, агарда қарздор жисмоний шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаган тақдирда, агар кредиторлар йиғилишида бошқача келишув белгиланган бўлмаса, молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш суднинг депозит ҳисобварағига аризачи томонидан ўтказилган пул маблағлари билан чекланиши тўғрисидаги нормалар қонунда ўз аксини топган.

Шу ўринда муҳим бир жиҳат, қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қарзни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда банкротликни тан олиш ва мол-мулкни сотиш тартиб-таомиллари қўлланилади.

Қарзни таркибий жиҳатдан ўзгартириш тартиб-таомили деганда жисмоний шахсга нисбатан тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида қўлланиладиган тартиб-таомил тушунилади.

Қарздор жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилганда аввало, унга қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш тартиб-таомили қўлланилади ва қарздор жисмоний шахсга ўз қарзини 3 йил давомида тўлов-графиги асосида бўлиб тўлаш имконияти берилади. Жисмоний шахс ўз қарзини бўлиб тўлаш графиги асосида тўлай олмаса, у суд томонидан банкрот деб топилади.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида ариза бериш барча қарзларни бекор қилиш ва молиявий юқдан халос бўлишнинг бир усули эмас. Аввало, иқтисодий суд жараёнининг барча иштирокчилари учун аризачининг қарзларини ўзаро манфаатли шартларда тўлаш имкониятини кўриб чиқади. Дастлаб, қарздор ва кредиторлар томонидан жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ёки келишув битими тузиш самарадорлиги ўрганилади. Агар ушбу таомилларни амалга оширишнинг имкони бўлмаса кейинчалик қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили қўлланилади.

Суд жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилганда жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили кўпи билан олти ой муддатга жорий этилади. Зарур бўлганда бу муддат тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан кўпи билан уч ой муддатга узайтирилиши мумкин. Жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини ўтказиш учун молиявий бошқарувчи тайинлайди.

Жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш бошланган тақдирда, суд жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишга бўлган ҳуқуқини вақтинча

чеклаш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли. Жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишга бўлган ҳуқуқи жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини тамомлаш ёки тугатиш ҳақида, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқариладиган кунга қадар чекланади.

Жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш якунлари ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш натижаларига кўра суд жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин мол-мулки етарли эмаслиги сабабли кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талабларини, шу жумладан жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ёки жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили жорий этилаётганда кредиторларнинг билдирилмаган талабларини бажариш мажбуриятидан озод этилади.

Шу билан бирга қонунда жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни тамомлаш оқибатлари алоҳида норма билан белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра жисмоний шахсга нисбатан мол-мулкни сотиш тартиб-таомили тамомланган ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилган санадан эътиборан беш йил ичида ушбу шахс ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ҳақидаги фактни маълум қилмасдан туриб ўз зиммасига кредит шартномалари ва (ёки) қарз шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилишга ҳақли эмаслиги, беш йил ичида ушбу жисмоний шахснинг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиши мумкин эмаслиги, беш йил давомида жисмоний шахс кредиторнинг ёки тегишли ваколатли органнинг аризаси асосида такроран тўловга қобилиятсиз деб топилган тақдирда, жисмоний шахсга нисбатан ушбу қонун 222-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жисмоний шахсни мажбуриятлардан озод этиш тўғрисидаги қоида қўлланилмаслиги, жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили тамомланганидан кейин суд тўлов муддати етиб келган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида билдирилмаган талаблар бўйича ижро варақасини қонунчиликда белгиланган тартибда бериши назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, албатта тўловга қобилиятсизлик бу жазо эмас, балки бизнес муаммоларидан халос бўлиш, шериклар ва кредиторлар билан муносабатларни тиклаш имкониятидир. Шу боис жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш институти жорий этилиши ва амалиётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, шу билан бирга жисмоний шахсларга нисбатан банкротлик таомилларининг амалга ошириш банклар ва бошқа молия институтларининг балансларини тозалашга, муаммоли кредитлар улушини камайтиришга ҳам ёрдам беради. Албатта келгусида ушбу қонун нормаларининг амалиётда бир хилда қўлланилиши учун амалдаги қонунчилик нормаларини унга мувофиқлаштириш зарур.

Ўринбой МАДРОХИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА СУД МУСТАҚИЛЛИГИ

Судьялар мустақиллиги суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг энг муҳим тамойили бўлиб, судьяларга ўзларининг ички ишончига асослашиб суд ишларини юритиши, фақат Конституция ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида қарорлар қабул қилиш мумкин бўлган шароитни яратишда намоён бўлади. Бунга судья ҳар қандай таъсирдан, ташқи босимдан холи бўлсагина эришиши мумкин. Судьяларнинг мустақиллиги бир неча жиҳатларни қамраб олади. Булар маъмурий ишларда, молиявий масалаларда ҳамда қарорлар қабул қилишда мустақиллик, судьяликка тайинлаш тартиби, молиявий таъминланганлик кабилардир. Яна судьялар ўзларининг касб вазифаларини бажаришда мустақилликка эга бўлиши, улар профессионалик даражаси ва шахсий ахлоқий фазилатлари асосида тайинланиши ёки сайланиши, судьялар узоқ муддатли кафолатланган лавозимга эга бўлишлари керак.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, судьялар мустақиллиги турли жабҳаларда кафолатланганини кўришимиз мумкин.

Америка Қўшма Штатларида судьяларни сайлаш ва тайинлашнинг ўзига хос амалиёти шаклланган. Федерал судлардаги судьялик лавозимларига тайинлаш Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан амалга оширилади. Бунда Сенат президент таклиф қилган номзодни рад этиш ҳуқуқига эга. Федерал судьяликка номзодларга касбий маҳорат жиҳатидан юқори талаблар қўйилади (адвокат, маслаҳатчи ёки университет профессори сифатида катта иш тажрибасига эга бўлиш, шаънига доғ тушмаганлик ва шу кабилар). Федерал судьялар ўз лавозимларига умрбод тайинланади. Уларни фақат импечментдек мураккаб жараён натижасида лавозимдан четлаштириш мумкин.

1958 йили қабул қилинган Франция Конституциясида одил судловнинг асослари ҳақида ҳеч нарса айтилмасдан “Судьялар ўзгармасдир” деб белгиланган холос. Яъни, бунда судьянинг хоҳишисиз нафақат ўз лавозимидан четлатиш, балки бошқа паст лавозимга ёки юқори лавозимга ўтказиш мумкин эмас. Шу билан бир қаторда, бу тамойил лавозимдан четлатиш, вақтинча четлатиш, ўзгартириш ва белгиланган муддатдан олдин лавозимидан кетишга мажбурлашни қатъий чеклайди.

Германия тажрибасида, судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати асосан 1962 йили кучга кирган “Судьялар тўғрисида”ги федерал қонун билан тартибга солинган. Қонунда изоҳланишича, судья оддий амалдор қаторига кирмайди, балки давлат билан ўзига хос муносабатда бўлади. Бундай ҳуқуқий мақомга эга бўлиш уларнинг мустақиллигини давлат амалдорларининг ғайриҳуқуқий таъсиридан муайян даражада кафолатлайди.

Греция Конституциясининг 88-моддасига кўра судьяларнинг ойлиги улар бажараётган вазифаларига мутаносиб бўлиши керак.

Россия Федерацияси Конституциясининг 120-моддасига кўра “Судьялар мустақилдир ва фақат Конституция ва федерал қонунларга бўйсунди”. Россияда судьяларнинг мустақиллиги сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигига кўра суднинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай аралашига йўл қўйилмайди. Агар суд қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига зид келса, иш юритишни тўхтатиб, ушбу актни Конституцияга зид деб топиш учун Конституциявий кенгашга мурожаат қилиш керак.

Мамалакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида назарда тутилган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назорати ўрнатилиши ва фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражаси ошишига эришилади.

Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда, инсонларнинг суд идорасига ишончини янада кучайтириб, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар яратилишига хизмат қилади.

Рухсора ИБАДОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ВИКТИМЛИК САБАБЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Мол-мулкка қарши қаратилган жиноят турларидан бири бўлган ўғирлик жинояти мулккий муносабатларга ва хусусий мулк ҳуқуқига жиддий хавф туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида ўғирлик жинояти учун жиноий жавобгарлик ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида оз миқдорда талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шу билан бирга жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ва жавобгарликка тортилмаслиги бир томондан уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан ғайриқонуний равишда бойлик орттиришига имкон яратса, иккинчидан ўғирликдан жабрланган шахсга етказилган моддий зарар қопланмаслиги, жазонинг муқаррарлиги таъминланмаслиги, одамлар онгида давлат органлари ўз фаолиятини бажармаётганлиги ҳақида фикр шаклланишига ҳамда пировард натижада давлатга ишончининг йўқолишига олиб келади.

Ўғирлик жинояти статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йилнинг биринчи чораги давомида бундай турдаги жиноятларнинг содир этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,1 фоизга камайишига эришилган. Бироқ, жорий йилнинг 3 ойи давомида 3005 та ўғирлик жинояти содир этилганлиги мазкур турдаги жиноятларнинг умумий жиноятлардаги салмоғи юқорилигича қолаётганини билдиради.

Фуқароларнинг ўғирлик жиноятдан жабрланиш ҳолатларига қарши самарали курашиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ушбу турдаги жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш ва виктимологик тавсифлашни тақозо этади.

Ўғирлик жиноятини содир этиш жойи ва кенг тарқалганлик жиҳатига кўра;

-хонадонга кириб;

-кўчада;

-транспортда содир этилган;

-қишлоқ жойларида қорамол ва ҳайвонларни ўғирлаш;

-ётоқхона, шифохона, меҳмонхона, дам олиш жойларида бирга яшовчи шахслар орасида содир этилган ўғирлик каби турларга ажратиш мумкин.

Ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон берган кўплаб шарт-шароитларни кўрсатиш мумкин.

Жумладан, жабрланувчининг ижтимоий мақоми, айниқса унинг моддий аҳволи тажовуз объектини танлашда жиноятчилар томонидан эътиборга олинади.

Виктимологик жиҳатдан аксарият жабрланувчиларда жиноятнинг олдини олиш имкониятлари паст даражада бўлади. Сабаби, ушбу жиноятлар яширин равишда содир этилади. Бундан ташқари ҳамма мулкдор ҳам моддий аҳволига кўра

мол-мулкни қўриқлашнинг барча чораларидан (сигнализация, видеокузатув камералари ўрнатиш, сейфдан фойдаланиш) тўлиқ фойдалана олмайди.

Бундан ташқари, мазкур турдаги жиноятларнинг тўлиқ фош этилмаслиги жиноятчиларнинг такрорий равишда ушбу турдаги қилмишларни содир этишларига сабаб бўлмоқда. Бундай жиноятларнинг фош этилмаслиги сабабларига ўғирлик ҳодисаси тўғрисидаги хабарларга ўз вақтида етарли эътибор қаратмаслиги, тергов-тезкор гуруҳларининг ҳодиса жойига ўз вақтида ва тўлиқ таркибда чиқмаслиги, мавжуд техник имкониятлардан самарали фойдаланилмаслиги, изларни аниқлаш ва олишга юзаки ёндашиш ва бошқа шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ўғирлик жиноятларининг виктимологик профилактикаси бундай жиноятлардан жабрланишнинг олдини олишга қаратилган бўлиб умумий, махсус ва якка тартибда олиб борилади.

Умумий виктимологик тадбирлар муайян бир шахсни назарда тутмасдан, кўпчилик шахсларга нисбатан амалга оширилади. Бунда ОАВ орқали ҳамда одамлар гавжум жойларда тарғибот, огоҳлантирув тадбирлари ўтказилади.

Ўғирлик жиноятининг якка тартибдаги виктимологияси муайян шахснинг ўзига хос хусусиятларига кўра мазкур турдаги жиноят қурбони бўлиб қолиши эҳтимоли юқорилигини баҳолаш натижасида уни мавжуд хавф-хатардан огоҳ қилиш, хушёрликка чақириш ва хавфсизлик қоидаларига риоя этиш чораларини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Ўғирлик жиноятининг махсус профилактикасида муқаддам ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноят содир этган ҳамда жиноят содир этишга мойил шахслар билан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бунда ҳар бир шахснинг муқаддам содир этган жинояти таснифи, ҳозирги кундаги ижтимоий ҳолати, турмуш тарзи, тирикчилик манбаи ва бошқа жиҳатлари инobatга олинган ҳолда тегишли профилактик чора-тадбирлар белгиланади.

Яхёхон МАХМУДОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд муҳокамаси жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни тарафлар (прокурор, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва бошқалар) иштирокида текшириш, янги далиллар тўплаш асосида жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш, шахснинг жиноят содир этишда айбли ёки айбсиз эканлигини исботлашга қаратилган, тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида ҳақиқатни аниқлашга хизмат қиладиган, иштирокчилар чегараси ва ваколатлари жиноят-процессуал нормалар билан аниқ белгиланган жараёндир.

Жиноят иши бўйича суд иш юритувида юзага келадиган масалаларнинг аксарияти бевосита суд муҳокамасида ҳал қилинади.

Суд муҳокамасига берилган ваколат жиноят процессининг бошқа биронта босқичида учрамайди. Чунки, бу босқичда шахснинг тақдирини ҳал қилишдек муҳим ва масъулиятли, шу билан бирга мураккаб масала ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам хато ва камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида суд муҳокамасига жуда катта талаблар қўйилган, процессуал шакллар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган.

Суд органларига нисбатан ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатни шакллантиришда суд муҳокамаларининг очиқлиги, тарафларнинг ўзаро тенглиги ва тортишув тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш алоҳида ўрин тутаяди. Суд айблов ва ҳимоя тарафларининг мутлақ тенг имкониятларга эга бўлишини, судланувчиларнинг айбини ёки айбсизлигини исботлаш учун қонунда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш лозим.

Биринчи инстанция суд муҳокамаси жиноят процессининг бошқа босқичларидан (терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки терговдан) қуйидаги ўзига хос хусусиятларига кўра фарқ қилади;

- дастлабки терговни объективлик даражасига кўра суд муҳокамаси билан таққослаб бўлмайди. Ҳолислик суд учун алоҳида зарурий хусусият сифатида талаб қилиниши иш бўйича ҳақиқатни объектив аниқлаш имконини оширади;

- дастлабки тергов жараёнида терговчи томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбини исботловчи, айблов фикрини тасдиқловчи далилларни излаб топишга эътибор қаратилади. Ҳимоячи далилларни тўплаш жараёнида терговчининг руҳсати билан иштирок этиши, далиллар тақдим этиши мумкин бўлса-да, лекин ҳимоячини терговчи билан тенг мақомда деб ҳисоблаш хато бўлади. Суд муҳокамасида эса айблов ва ҳимоя тарафлари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўламига кўра тенг ҳисобланади ва мазкур тенгликни таъминлаш иш бўйича раислик қилувчи судьянинг мажбурияти ҳисобланади;

- дастлабки тергов фақат бир терговчи томонидан амалга оширилади.

- гарчанд жиноят иши тергов гуруҳи томонидан тергов қилиниши мумкин бўлса-да, лекин айнан бир тергов ҳаракати фақат бир киши томонидан ўтказилади. Суд муҳокамасида эса ўта оғир жиноят ишлари ҳайъатда, икки нафар халқ маслаҳатчилари иштирокида ўтказилиб, коллегиялик фақат суд муҳокамасига хос;

- дастлабки тергов давомида сўроқ қилиш терговчи томонидан сўроқ қилинувчи билан яқка тартибда амалга оширилади ва сўроқ давомида аниқланган ҳолатлар тергов сири сифатида баҳоланиб, тергов тугамагунга қадар бошқа иштирокчиларга ошкор қилинмайди. Суд муҳокамаси эса бошқа барча тарафлар иштирокида ўтказилиб, ошкоралик ва шаффофлик (ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишлар бундан мустасно) унинг зарурий шартини ҳисобланади.

Суд муҳокамасининг асосий иштирокчиси суд мажлисида раислик қилувчи судья ҳисобланади. Айнан раислик қилувчига суд мажлисида вужудга

келган масалаларни, илтимоснома ва раддияларни ҳал этиш, муҳокамага қўйиш ва якуний қарор қабул қилиш бўйича қонун томонидан ваколат берилган.

Жараённинг бошқа барча иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган бошқа шахслар раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз риоя этишлари шарт бўлиб, раислик қилувчи юзага келган саволлар юзасидан тарафлар фикрини сўраб, якуний қарорни мустақил равишда қабул қилади.

Суд муҳокамаси жараёнида судьянинг ваколатларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин;

- 1) суд муҳокамасини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ваколатлар.

Судья жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайинлаш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг, суд мажлиси ўтказилиши юзасидан зарур чоралар кўриш бўйича суд мажлиси котибига тегишли йўриқномалар беради, суд мажлисини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида, тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларини таъминлаб, уларнинг тенглигини кафолатлайди, суд мажлиси тартибини бузувчиларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда муносабат билдиради (огоҳлантириш бериш, суд залидан четлатиш, маъмурий жарима қўллаш).

- 2) раислик қилувчи судьянинг тарафларга далиллар тўплаш ва уларни текшириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам бериш билан ифодаланган ваколатлари.

Суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлигига оид шубҳаларни бартараф этиш мақсадида далиллар тўплаш учун тарафларнинг ваколоти бўлмаган айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш бўйича ёрдам бериши шарт. Масалан, терговчини суд мажлисида сўроқ қилиш, жиноят иши юзасидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, экспертиза тайинлаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ва бошқалар.

- 3) раислик қилувчи судьянинг ҳақиқатни аниқлаш бўйича суд мажлисида далилларга баҳо бериш ва янги далиллар тўплаш билан боғлиқ ваколатлар.

Раислик қилувчи судьянинг асосий вазифаси жараён иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, мажбуриятларига риоя этишларини таъминлаш бўлиб, иш бўйича шахснинг айби ёки айбсизлигини исботлаш (айблов ёки ҳимоя функцияси) тарафлар томонидан амалга оширилиши лозим. Лекин суд муҳокамасида айрим ҳолатларга аниқлик киритиш, юзага келган шубҳа ёки гумонларни бартараф этиш мақсадида тарафлар сўровисиз, ўз ташаббуси билан янги далиллар тўплаш, янги шахсларни қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим қилиши мумкин.

Жиноят иши биринчи инстанция судида халқ маслаҳатчилари иштирокида кўрилганда улар раислик қилувчи судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва суд муҳокамаси жараёнида юзага келган барча саволларни ҳал қилиш, маслаҳатхонада ҳал қилинадиган масалалар бўйича судья билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Зоиржон МАТУСМОНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

АМНИСТИЯ ВА АФВ ЭТИШ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАҚИДА

Конституциямизнинг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимномалар киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахслар афв этилади.

Амнистия ва афв этиш Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи тизимида алоҳида ўрин тутаяди. Биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам бир марталик актлар ҳисобланади. Амнистия ҳам, афв этиш ҳам жиноят содир этган аниқ шахсларга тегишли эканлиги билан изоҳланади. Мазкур икки тушунча бир-биридан бир қанча жиҳатларига кўра фарқланади.

1. Афв – бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) ни инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Амнистия эса аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ёки ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этганларга амнистия акти қўлланилди, дейлик. Бунда амнистияга кимлар ва неча киши тушиши олдиндан аниқ бўлмайди. Афв ҳужжатида эса кимларга қўлланилаётганлиги номма-ном ёзилади.

2. Афв фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. Амнистия эса жиноят процессининг исталган босқичида – дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки жиноят ишини кўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади.

Амнистия акти эса Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинади.

4. Амнистия актларини қўллаш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади.

Афвни қўллаш масаласини эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

5. Амнистия акти чиққандан кейин уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. Масалан, амнистия актида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган маҳкумлар озодликка чиқарилсин деган қоида мавжуд бўлса, унда ижро колониялари маъмурияти ана шу тоифага тушадиган маҳбусларнинг аниқ сонини аниқлайди, рўйхатини шакллантиради ва уларга амнистия актини қўллашни сўраб судларга тақдимнома киритади.

Афвни қўллаш эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас.

6. Афвни қўллаш учун одатда жиноят содир этган шахсларнинг илтимосномаси асос бўлади. Амнистия актини қўллашда эса бундай илтимоснома талаб этилмайди. Терговчи, прокурор, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва судлар амнистия актига тушадиган барча шахслар рўйхатини шакллантириб, уларга амнистия қўллаш масаласини ҳал этиши лозим (бирок жинорий жавобгарликка тортилган шахслар ўзига амнистия акти қўлланишини хоҳла-маса, уларга амнистия актини қўллаш тақиқланади).

7. Амнистия актининг ҳуқуқий оқибатлари кенгрок бўлади. Яъни, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин; шахс жинорий жавобгарликдан

озод этилиши, маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши ёки унга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо қисқартирилиши (камайтирилиши), маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши, маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши, жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши мумкин.

Афв фақат маҳкумларга қўлланилгани учун ҳуқуқий оқибатлари камрок бўлади. Хусусан; маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилади, умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа ўталмаган жазо нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштирилади ва судланганлиги олиб ташланиши мумкин.

8. Амнистия акти эълон қилинишига жиноят содир этган шахслар ҳеч қандай кўринишда таъсир ўтказолмайди. Бу ҳукуматнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, вазият тақозо этганда бир йил ичида бир неча марта эълон қилиниши ёки эълон қилинмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида истисно тарзида 1992 ҳамда 2003 йилларда бир йилда икки марта амнистия акти эълон қилинган.

Афвни қўллаш учун эса одатда жиноят содир этган шахслар ҳукумат қарорига бевосита таъсир ўтказилади. Яъни, афвни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи уларнинг ташаббуси билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

9. Амнистия ва афв ўртасида яна бир кичикроқ фарқ бу шахсий омилларнинг таъсирида кўринади. Яъни, афвни қўллашда маҳкумнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигига, маҳкумнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволига албатта эътибор қаратилади. Бу омилларни ҳисобга олмасдан афв қўлланилиши деярли имконсиз.

Амнистияда эса ҳар доим ҳам бундай омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, амнистияда 60 ёшдан ошган кексалар жазодан озод этилиши ҳақида қоида бўлса, бу барча кексаларга бирдек қўлланади. Улар орасида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлмагани бўлса ҳам, амнистия акти асосида озодликка чиқарилади. Бундай ҳолда уларнинг оилавий аҳволини ўрганишга эҳтиёж ҳам йўқ.

Фақат истисно тариқасида айрим ҳолларда шахсларнинг соғлиги (масалан, сил касалига чалинганлар) ёки уларнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги (тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки) амнистия қўллашда эътиборга олинishi ҳам мумкин.

10. Ҳуқуқшунослик қоидаларига кўра, амнистия норматив акт ҳисобланади, афв эса бундай эмас. Чунки амнистия ҳуқуқ нормасининг туғилишига сабаб бўлади, афв эса ҳуқуқни қўллаш характеридаги акт холос. Шунингдек, афв аниқ шахсга йўналтирилганлиги сабабли янги қоида яратмайди, ўзга шахсларга таъсир қилмайди, қонунчиликдаги тартибларга ўзгариш киритмайди. Шунга кўра афв норматив акт сифатида баҳоланмайди.

Хасан УМАРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА СУДНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий суд ишларини юритишда ҳал қилув қарори қабул қилиниши ва суднинг ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Муаллиф ҳуқуқий маълумотларга таяниб, мавжуд илмий адабиётлар асосида маъмурий суд ишларини юритишда ҳал қилув қарори қабул қилиниши ва суднинг ҳаракатлари бўйича ўзига хос жиҳатларни ўрганган ва таҳлил қилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, суд ишларини юритиш, ҳал қилув қарори ва суднинг ҳаракатлари.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши 2018-йил 8-январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги Қонуни ва 2018-йил 25-январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий судларни ташкил этишнинг назарда тутилиши ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судда ишларни кўриш ва ҳал этишнинг сифатини ошириш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтиришни назарда тутди.

Маъмурий суд ишларини юритишда суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси номидан суд муҳокамаси тугаганидан кейин қабул қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши керак.

Суднинг ҳал қилув қарори алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади.

Судьялар ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғидаги муҳокама мазмуни тўғрисидаги, суд таркибига кирган айрим судьяларнинг нуқтаи назари ҳақидаги маълумотларни бирор-бир шахсга хабар қилишга, судьялар маслаҳати сирини бошқа усулда ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаб ва эътирозларини асослантириш учун келтирган далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди, ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонунчилик ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини, ушбу иш бўйича қайси қонунчилик ҳужжатларини қўллаш зарурлигини аниқлайди, ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди ва талабни қаноатлантириш лозим ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Зарур бўлган ҳолларда суд дастлабки ҳимоя чораларини сақлаб қолиш ёки бекор қилиш, ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш, ҳал қилув қарорини ижро этишнинг тартиби ва муддати, ашёвий далилларнинг кейинги тақдири, суд ҳаражатларини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган суд таркибининг бошқа судьялари томонидан алоҳида ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва судья томонидан имзоланади, иш ҳайъат томонидан кўрилган тақдирда эса, ҳал қилув қарорини қабул қилишда иштирок этган барча судьялар, шу жумладан алоҳида фикрга эга бўлган судьялар томонидан имзоланади.

Суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи; суд таркиби, суд мажлиси котиби; иш рақами, ҳал

қилув қарори қабул қилинган сана ва жой; талаб предмети; ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари ва суд процессининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз қилинган талаблари ва эътирозлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳақиқий ҳолатлари, суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалари асосланган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни рад қилганлигининг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг вазиятини қабул қилганлиги ёки рад этганлигининг асослари ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд амал қилган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда суд ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонунчилик ҳужжатларини қўлламаганлигининг асослари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.

Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилган тақдирда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Агар суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгилаган ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини қабул қилган бўлса, бу ҳақда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд ҳаражатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби кўрсатилади.

